Лицевой слой трикотажа состоит из замкнутых петель 1 и набросков 2 (рис. 3, а). Изнаночный слой двухслойного трикотажа состоит из петель 3 глади образованного из нити 4 (рис. 3, б). Двухслойный трикотаж на двухфонтурной плоскофанговой машине получается следующим образом. Раппорт переплетения состоит из шести петельных рядов. В первом и четвертом рядах иглы задней игельницы провязывают петельные ряды переплетения гладь, образуя изнаночный слой двухслойного трикотажа. В третьем и шестом рядах – пресовое переплетение, образуя лицевой слой трикотажа переплетением фанг.

Соединение слоёв трикотажа осуществляется во втором и пятом ряду с помощью соединительной нити лайкра (рис.3, в).

Структура и графическая запись выработки V-Варианта двухслойного трикотажа показана на рис. 4.



где на **а** структура лицевого слоя двухслойного трикотажа: 1- замкнутая петля, 2 - набросок;
на **б** структура изнаночного слоя двухслойного трикотажа: 3 – замкнутая петля, 4 – набросок;
на **в** I, II, ..., VIII – ряды раппорта двухслойного трикотажа.

Рис. 4. Структура и графическая запись выработки V-Варианта двухслойного трикотажа

С целью расширения ассортимента трикотажных полотен, повышения формоустойчивости и уменьшения расхода сырья при выработке двухслойного трикотажа предлагается выработать слои двухслойного трикотажа переплетением фанг.

Лицевой слой трикотажа состоит из замкнутых петель 1 и набросков 2 (рис. 4, а).

Изнаночный слой двухслойного трикотажа также состоит из замкнутых петель 3 и набросков 4 (рис. 4, б).

Двухслойный трикотаж на плоскофанговой машине вырабатывается следующим образом (рис. 4, в).

В первом ряду на нечетных иглах передней игельницы образуются замкнутые петли, а на четных иглах пресовые наброски. Во втором ряду происходит соединение слоёв трикотажа с помощью соединительной нити лайкра.

В третьем ряду четные иглы задней игельницы образуют замкнутые петли, а нечетные – пресовые наброски. В четвертом ряду с помощью соединительной нити лайкра осуществляется соединение слоёв двухслойного трикотажа. В пятом ряду нечетные иглы передней игельницы образуют пресовые наброски, а четные иглы – замкнутые петли. В результате под крючками нечетных игл окажутся старая петля и набросок, а на четных иглах старая петля вместе с наброском сбросится на новую петлю. В шестом ряду происходит соединение слоёв двухслойного трикотажа. В седьмом ряду нечетные иглы задней игельницы образуют замкнутые петли, а четные – пресовые наброски. В этом ряду на нечетных иглах на новую петлю сбросится старая петля вместе с наброском, а под крючками четных игл окажется старая петля и набросок.

В восьмом ряду происходит соединение слоёв трикотажа с помощью соединительной нити лайкра.

V. Выводы. Предлагаемый способ выработки двухслойного трикотажа с пониженной материалоемкостью прост в осуществлении, не требует изменений конструкции плоскофанговой машины. Предлагаемый трикотаж можно вырабатывать также на кругловязальных машинах. Снижение материалоемкости трикотажа может быть достигнуто: заменой двойных полотен на одинарные; применением пряжи пониженной линейной плотности; исключением из процесса петлеобразования части игл; вязанием полотен неполными переплетениями; включением в структуру трикотажа прессовых петель.

Сравнение образцов трикотажа прессовых, жаккардовых и неполных переплетений между собой показало, что наименьшей поверхностной плотностью обладает трикотаж неполных переплетений, а сравнение образцов по объемной плотности показало, что наименьшей объемной плотностью обладает трикотаж прессового переплетения. Объемная плотность базового двухслойного трикотажа 376 мг/см^3 , а объемная плотность новых вариантов двухслойного трикотажа за счет включения в их структуру прессовых петель изменяется от 319 до $351,7 \text{ мг/см}^3$. Сравнение образцов двухслойного трикотажа между собой по объемной плотности показывает, что при выработке разработанных полотен двухслойного трикотажа с элементами прессового переплетения уменьшение расхода сырья достигает 7-15% по сравнению с базовым переплетением.

Количество прессовых петель в структуре слоёв двухслойного трикотажа влияет на его параметры и свойства. Эти варианты обладают наименьшей материалоемкостью, высокой прочностью и теплозащитными свойствами, наибольшей формоустойчивостью. Наличие в структуре трикотажа удлиненных петель, набросков уменьшает растяжимость трикотажа по длине, повышает формоустойчивость и на поверхности полотна образуется ячеистый эффект. Таким образом, выявлены наиболее рациональные структуры двухслойного трикотажа, рекомендуемые для изготовления качественных верхних трикотажных изделий взрослого и детского ассортимента.

REFERENCES

1. Xolikov K.M., Gulyaeva G.X., Mirusmanov B.F., Mukimov M.M. Issledovanie texnologicheskix parametrov risunchatogo trikotaja. // J. Problemi tekstilya. 2012, № 3. – s. 14-19.
2. Mirxalikov J.U., Bayjanova S.B., Djanpaizova V.M., Sagitova G.F. Issledovaniya vliyaniya kolichstva pressovix petel na fiziko-mexanicheskie svoystva trikotajnix poloten. [Izvestiya visshix uchebnix zavedeniy. Teknologiya tekstilnoy promishlennosti](#). № 1 (355). 2015. – s. 178-181.
3. C.D. Kane, U.J. Patil, P. Sudhakar. Studies on the Influence of Knit Structure and Stitch Length on Ring and Compact Yarn Single Jersey Fabric Properties. Textile Research Journal. Vol 77, Issue 8, 2007.
4. Elena Onofrei. The properties of knitted fabrics for bio-functional textiles. Bul. Inst. Polit. Iasi, t. LVI (LX), f. 2, 2010. page 75-84p.
5. Nergiz Emirhanova, Yasemin Kavusturan. Effects of Knit Structure on the Dimensional and Physical Properties of Winter Outerwear Knitted Fabrics. FIBRES & TEXTILES in Eastern Europe April / June 2008, Vol. 16, No. 2 (67).
6. Usmonkulov SH.K., Abdulpattaev B., Allamuratova T.K., Mukimov M.M. Materiali VII Mejdunarodnoy molodejnoj nauchnoy konferensii. Molodej i XXI vek – 2017.
7. Maxmudova G. I., Mirxalikov J. U., Botabaev N. E., Abdikirimov S. J. i dr. Razrabotka resursosberegayushey texnologii virabotki trikotaja kombinirovannix perepleteniy. // J. Izv. vuzov. Tekstil. prom-sti. 2017, № 6, - s. 186-189.
8. Komarova N. M., Fomina O. P., Pivkina S. I., Kolesnikova E. N. Odinarniy kulirniy trikotaj pressovix perepleteniy s perekreshivayushimi nabroskami. // J. Izv. vuzov. Tekstil. prom-sti. 2017, № 6, - s. 183-185.
9. Allamuratova T.K., Gulyaeva G.X. Mukimov M.M. Novaya texnologiya polucheniya dvuxsloynogo trikotaja. // J. Dizayn. Materiali. Teknologiya. Sankt Peterburg. 2018, №1, - s. 72-75.
10. Mohammed M. Abdul-Bari, Rachel H. McQueen, Ha Nguyen, Wendy V. Wismer, A. Paulina de la Mata, James J. Harynuk. Synthetic Clothing and the Problem With Odor, Comparison of Nylon and Polyester Fabrics. // Clothing and Textiles Research Journal. Volume: 36 issue: 4, October, 2018. page 251-266.
11. Abdul Basit, Wasif Latif, Sajjar Ahmad Baig, Ali Afzal. The Mechanical and Comfort Properties of Sustainable Blended Fabrics of Bamboo With Cotton AND Regenerated Fibers. // Clothing and Textiles Research Journal. Volume: 36 issue: 4< October, 2018. page 267-280.
12. Ruzaykina G.P. Proektirovanie trikotajnix poloten s ispolzovaniem resursosberegayushix texnologiy. // [Vestnik amurskogo gosudarstvennogo universiteta. Seriya: estestvennye i ekonomicheskie nauki](#). № 75. 2016. – s. 102-109.
13. Prokazova M. A. Razrabotka assortimenta trikotaja kombinirovannix perepleteniy na baze dvuxsloynogo proizvodnogo lastika. [Tekst]: Dis. kand. texn. nauk. Moskva. 2010. – s. 132.
14. Allamuratova T. K., Mukimov M. M. Investigation of technological parameters and physic-mechanical properties of an inlay knitted fabric on the base of double-layer stitch. // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. India. Vol. 5, Issue 2, February 2018. page 5136-5141.
15. Allamuratova T.K., Gulyaeva G.X., Mukimov M.M., Issledovanie texnologicheskix parametrov i fiziko-mexanicheskih svoystv dvuxsloynogo trikotaja s ponijennoy materialoyomkostyu. // J. [Izvestiya visshix uchebnix zavedeniy. Teknologiya legkoy promishlennosti](#). Sankt Peterburg. № 1/43. 2019. – s. 86-90.
16. T.K. Алламурадова, Г.Х. Гуляева, М.М. Мукимов, Novi'y racionalni'y sposob snijenie materialoemkostyu dvuxsloynogo trikotaja. // J. Problemi' tekstilya, Tashkent, TITLP, № 4, 2019 r.

Ikki qatlamli trikotajni ishlab chiqarishda uning xom ashyo sarfini kamaytirish usuli
Allamuratova T.Q. Qoraqalpoq davlat universiteti

Резюме. Maqolaning maqsadi xom ashyo sarfi kamaytirilgan ikki qatlamli trikotajni ishlab chiqarishning yangi usullari bilan tanishtirishdan iborat. Trikotaj to'qimasining xom ashyo sarfini kamaytirishga: halqa hosil qilish tizimidan ignalarning bir qismini olib tashlash; matoni to'liq bo'lmagan to'gimada to'qish; trikotaj tuzilishiga press halqalarini kiritish yo'li orqali erishish mumkin. Ikki qatlamli trikotajning namunalarning hajmiy zichliklarini solishtirish natijasida bazaviy namunaga nisbatan yangi ishlab chiqilgan ikki qatlamli trikotajning xom ashyo sarfi 7-15% ga kamaytirilgani aniqlandi.

Калит сўзлар: Икки қатламли трикотаж, хомашё сарфини камайтириш, пресс ҳалқалари, ясси игнадонли машина, юза ва ҳажм zichlik.

Способ снижения материалоемкости при выработке двухслойного трикотажа

Алламуратова Т.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме: Цель статьи является ознакомиться с новыми способами выработки двухслойного трикотажа с пониженной материалоемкостью. Снижение материалоемкости трикотажа может быть достигнуто: исключением из процесса петлеобразования части игл; вязанием полотен неполными переплетениями; включением в структуру трикотажа прессовых петель. Сравнение образцов двухслойного трикотажа между собой по объемной плотности показало, что при выработке разработанных полотен двухслойного трикотажа уменьшение расхода сырья достигает 7-15% по сравнению с базовым переплетением.

Ключевые слова: Двухслойный трикотаж, снижение материалоемкости, прессовые петли плоскофанговая машина, поверхностная и объемная плотность.

Method of reducing of material capacity at double-layered knitwear producing

Allamuratova T.Q. Karakalpak State University

Resume: The purpose of the article is to introduce the method of making double-layer knitwear with reduced material consumption. A decrease in the material consumption of knitwear can be achieved by: excluding a part of the needles from the looping process; knitting webs incomplete weaves; the inclusion of press loops into the knit structure. Comparison of samples of double-layer knitwear with each other by bulk density showed that when improving developed double-layer knitted fabrics, the reduction in raw material consumption reaches 7–15% compared to the base weave.

Key words: Double-layer knitwear, reduction of material consumption, press loops flat-fang machine, surface and bulk density.

QURILISH SOHASINING IQTISODIYOTGA TA'SIRI

Aytmuratova U. J., Kayrullaeva B. S.

Qoraqalpog'iston davlat universiteti

Iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish, fan texnika taraqqiyotini yanada jadallashtirish, ishlab chiqarish(ish va xizmatlar ko'rsatish) imkoniyatlaridan oqilona foydalanish, resurslarning hamma turlarini har tomonlama tejash, ishlab chiqarish(ish va xizmatlar ko'rsatish)ni boshqarishni bozor iqtisodiyoti qonunlariga mos ravishda olib borish mamlakatimiz iqtisodiy strategiyasining eng muhim tarkibiy qismidir.

Mamlakatimiz iqtisodiyotida muhim ahamiyatga ega bunyodkorlik ko'lami yil sayin kengaymoqda. Hududlarda urbanizatsiya jarayoni amalga oshirilib, qishloq joylarda ham qurilish ishlari jadal davom etmoqda. Bular, albatta, sohani takomillashtirish, shaffoflikni ta'minlash, ipoteka bozorini rivojlantirishni taqozo etadi. Oxirgi uch yilda shu masalalar bo'yicha bir qancha normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi va ularga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi. Biroq, sohaga doir normativ hujjatlar, jumladan, shaharsozlik qoidalari va qurilish me'yorlarining aksariyat qismi eskirgan, sobiq tuzum davridan qolib ketganligi tufayli, ushbu me'yorlarni zamonaviy talablarga moslashtirish dolzarbligicha qoldi. Shaharlarning bosh rejalari, qishloqlarda arxitektura-rejalashtirish loyihalarini ishlab chiqish talabga mutlaqo javob bermas edi. Bundan tashqari, qurilish va loyihalash bo'yicha kadrlar tayyorlash sifati ham talabga javob bermas edi. Xususan, tizimdagi 500 ga yaqin vakant o'rinlar, jumladan, tuman (shahar) arxitektura va qurilish bo'limlaridagi 110 ta, loyiha tashkilotlaridagi 200 ga yaqin shtatlar vakantligicha qolgan. Har tomonlama salohiyatga ega bo'lgan professional qurilish-pudrat tashkilotlari shakllanmagani, ulardagi mavjud moddiy-texnik baza, moliyaviy manbalar tobora ortib borayotgan qurilish ishlari hajmini to'liq qoplashga qodir emas ahvolga kelib qolgan edi. Bir so'z bilan aytganda, Qo'mitaga bildirilgan ishonch oqlanmadi.

Yillar davomida yig'ilib qolgan ushbu muammolar va yo'l qo'yilgan sustkashliklarni bartaraf etish maqsadida davlat rahbari farmoni qabul qilindi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 2 apreldagi «Qurilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-5392-son farmoniga muvofiq Davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi negizida O'zbekiston Qurilish vazirligi tashkil etildi. Bu sa'y-harakatlarning izchil davomi sifatida davlatimiz rahbarining 2020-yil 13-martdagi farmonida qurilish sohasidagi islohotlarni yanada chuqurlashtirish, byurokratik to'siqlarni kamaytirish, barcha bosqichlarda shaffoflikni ta'minlash, innovatsion ishlanmalar va ilg'or axborot texnologiyalarini keng qo'llash chora-tadbirlari belgilandi.

Qurilish sohasini kengaytirish aholi sonining oshishi, aholi farovonligi va xarid qobiliyatining oshishi kabi omillar bilan bevosita bog'liq. O'z navbatida, qurilish sohasining rivojlanishi qo'shimcha ish o'rinlari yaratilishiga va infratuzilmani yaxshilashga yordam beradi.

Quyidagi 1- jadvalda O'zbekiston Respublikasida bajarilgan qurilish ishlari keltirilgan.


1-jadval. O'zbekiston Respublikasida qurilish ishlari [1,2] (milliard so'm)

	2018yil	2019yil	2020yil
O'zbekiston Respublikasi	51129,3	71156,5	88130,3
Qoraqalpog'iston Respublikasi	2182,7	3315,4	3992,5
Jamiga nisbatan%	4,3	4,7	4,5

Yuqoridagi 1-jadval ma'lumotlaridan ko'rinish turganidek, O'zbekiston Respublikasida 2018 yili 51129,3 trillion so'm qurilish ishlari bajarilgan bo'lsa, Qoraqalpog'istonda bu ko'rsatkich 2182,7 trillion so'mni tashkil etadi. Ya'ni jamiga nisbatan 4,3 %. 2019-yilda 71156,5 trillion so'm qurilish ishlari bajarilib, Qoraqalpog'iston Respublikasida 3315,4 trillion so'mga to'g'ri kelib, jami bajarilgan ishlarning 4,7 ni tashkil etadi. 2020 yilda respublikada 88130,3 trillion so'm qurilish ishlari bajarilgan. Qoraqalpog'iston Respublikasida 3992,5 trillion so'm ishlar bajarilgan jamiga nisbatan 4,5 %ni tashkil etadi. Qurilish ishlarining bajarilishi deyarli yil sayin o'sib bormoqda.

Quyidagi diagrammadan Qoraqalpog'iston Respublikasida qurilish ishlarining o'sish dinamikasini ko'ramiz.

1-rasm.



Qoraqalpog'iston Respublikasi Statistika boshqarmasi ma'lumotlariga ko'ra 2021 yilning 1- dekabr holatiga respublikamizning jami 2410ta qurilish korxonalari faoliyat ko'rsatmoqda. Bu o'tgan yilga nisbatan 117 taga ko'p.

2021 yil yanvar noyabr oyida 260ta qurilish korxonalari yangi tashkil etilgan.

Quyidagi 2-jadvalda Qoraqalpog'iston Respublikasida tumanlar kesimida bajarilgan qurilish ishlarning hajmini ko'rib chiqamiz.

2-jadval. Qoraqalpog'iston Respublikasida bajarilgan qurilish ishlari [2,1]. (milliard so'm)

	2018 yil	2019 yil	2020 yil
Qoraqalpog'iston Respublikasi	2 182,7	3 315,4	3 992,5
Nukus sh.	897,9	1 198,5	1 335,0
<i>tumanlar:</i>			
Amudaryo	112,6	116,7	172,1
Beruniy	117,8	178,9	207,6
Bo'zatov	x	x	61,3
Qorao'zak	50,4	48,7	71,6
Kegeyli	38,0	78,4	72,3
Qo'ng'iro't	274,0	326,7	407,5
Qonliko'l	32,5	73,5	67,7
Mo'ynoq	19,8	151,2	299,1
Nukus	94,8	172,0	164,9
Taxiatosh	77,1	163,9	192,6
Taxtakopir	59,3	55,5	87,1
To'rtko'l	151,5	285,0	352,2
Xo'jayli	72,8	218,6	147,7
Chimboy	41,0	61,2	93,9
Shumanay	33,1	44,0	98,9
Ellikqala	110,1	142,6	161,0

Qoraqalpog'iston Respublikasida bajarilgan qurilish ishlarin tumanlar kesimida olib qarasak deyarli har yili bajarilgan ishlar oshib bormoqda. Nukus shahrida 2018 yilda 897,9 milliard so'mlik, 2019 yili 1 198,5 trillion so'm, 2020 yili 1 335,0 trillion so'm ishlar bajarilgan. 2020 yil ko'rsatkichi 2018 yilga nisbatan 437,1 milliard so'mga ko'paygan.

Beruniy tumanini olib qaraydigan bo'lsak 2018 yilda 117,8 milliard so'mni, 2019 yilda 178,9 milliard so'mni, 2020 yilda 207,6 milliard so'mni tashkil etgan. 2018 yilga nisbatan 1,8 marta ko'paygan.

Mo'ynoq tumanida ham o'sishlar yuqori darajada bo'lib 2018 yilda 19,8 milliard, 2019 yilda 151,2 milliard so'm, 2020 yilda 299,1 milliard so'mga tog'ri keladi. 2018 yilga nisbatan 279,8 milliard so'mga ko'paygan.

Ellikqala tumanida ham qurilish ishlar oshgan. 2018 yil 110,1 milliard so'm, 2019 yil 142,6 milliard so'm, 2020 yilda 161 milliard so'm qurilish ishlari bajarilgan, 2018 yilga nisbatan o'sish 50,9 milliardga ko'payganini ko'rishimiz mumkin. Deyarli barcha tumanlarda qurilish ishlari oshib borgan.

Quyidagi diagrammada 2020 yilda Nukus shahri va tumanlarda bajarilgan ishlarni ko'rishimiz mumkin (2-rasm).

2-rasm.



Biz quyidagi jadvalda qurilishda bajarilgan ishlarning o'sish sur'atlarini foizlarda ko'rishimiz mumkin.

3-jadval. Qurilish ishlari [4]. (o'sish sur'ati, %)

	2018 yil	2019 yil	2020 yil
Qoraqalpog'iston Respublikasi	125,8	128,0	107,0
Nukus sh.	132,7	111,0	99,7
<i>tumanlar:</i>			
Amudaryo	109,7	88,9	131,3
Beruniy	129,6	134,6	103,2
Bo'zatov	x	x	129,9
Qorao'zak	185,4	80,0	130,6
Kegeyli	127,7	174,7	83,6

Qo'ng'iro't	95,2	99,3	110,8
Qonliko'l	158,5	190,5	84,4
Mo'ynoq	93,5	631,3	214,8
Nukus	136,7	155,4	85,7
Taxiatosh	127,9	175,9	104,4
Taxtak'o'pir	294,6	77,4	139,4
To'rtko'l	113,6	159,4	109,8
Xo'jayli	180,9	264,9	60,1
Chimboy	91,9	126,7	136,6
Shumanay	182,2	111,4	199,5
Ellikqal'a	119,0	109,8	100,3

Yuqoridagi 3-jadval ma'lumotlari Qoraqalpog'iston Respublikasidagi shahar va tumanlardagi qurilish ishlarining o'sish sur'atlarini ko'rishimiz mumkin. Bo'zatov tumanidagi qurilish ishlari 2020 yil 129,9 % ko'rsatmoqda. Chimboy tumanida esa 2018 yil 91,9%, 2019 yil 126,7 %, 2020 yilda esa 136,6 %ga o'sganini ko'rishimiz mumkin. Shumanay tumanida 2019 yilda 111,4 %ni tashkil etib 2018 yilga nisbatan biroz tushgan bo'lsa, 2020 yilga kelib o'sish 199,5 %ni ko'rsatmoqda. Qurilish milliy iqtisodiyotning mustaqil alohida tarmog'i bo'lib, yangi asosiy fondlarni yaratish hamda faoliyat yurgizayotgan ishlab chiqarish va noishlab chiqarish obektlarini qayta qurish, kengaytirish ta'minlash va texnik qayta jihozlash uchun mo'ljallangan. Qurilish mamlakat iqtisodiy taraqqiyotini ta'minlash, yangi ish o'rinlarini yaratishdagi rolini inobatga olgan holda quyidagi xulosalarni qilish mumkin: Qurilish korxonalarini mamlakat tomonidan soliq yukida imtiyozlar berilishi; Qurilish korxonalarining bajarilgan ishlari sifatini oshirishda ularga yangi zamonaviy texnikalarni jalb qilish; Qurilishning o'sish sur'ati past bo'lgan tumanlarda qurilish korxonalarini tashkil etish va faoliyat yuritishi uchun davlat tomonidan qo'llab quvvatlanishi kerak.

ADABIYOTLAR

1. Экономика строительства : Учебник для СПО / п од общ. ред. Х. М. Гумба. — 4-е изд., пер. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 20198 — 449 с. — (Серия : Профессио нальное образование). С – 5-14.
2. Экономика строительства: Учеб. пособие / И. В. Брянцева, Н.В. Воронина, З. Г. Любанская, С. Ю. Стеклова ; под общ. ред. И. В. Брянцевой. – Хабаровск : Изд-во Тихоокеан. гос. ун-та, 2010 – 198 с. С- 72-74
3. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/construction-2>
4. <https://www.qrstat.uz/uz/rasmiy-statistika/construction-2>

Qurilish sohasining iqtisodiyotga ta'siri

Aytmuratova U. J., Kayrullaeva B. S. Qoraqalpoq davlat universiteti

Резюме. Бу мақолада қурилиш соҳасининг иқтисодий ҳаётидаги роли, шунингдек қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар ҳақида ёзилган. Шунингдек бу мақолада мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар ва уларнинг халқ фаровонлигига таъсири ҳақида ёзилган.

Kalit so'zlar: qurilish sohasi, qurilish korxonalari, qurilish ishlari, zamonaviy texnikalar, iqtisodiy islohotlar, infratuzilma, taraqqiyot

Влияние строительного сектора на экономику

Айтмуратова У.Ж., Кайруллаева Б.С. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В этой статье идёт речь о роли строительного сектора в экономике, а также о проводимых реформах в сфере строительства. Также рассказывается о проводимых в нашей стране экономических реформах по обеспечению устойчивого экономического роста и их влиянии на благосостояние народа.

Ключевые слова: сфера строительство, строительные компании, строительные работы, современные технологии, экономические реформы, инфраструктура, развитие

The impact of the construction sector on the economy

Aitmuratova U.Zh., Kayrullaeva B.S. Karakalpak State University

Summary. This article describes the role of the construction sector in the economy, as well as ongoing reforms in the construction sector. This article also describes the economic reforms carried out in our country to ensure sustainable economic growth and their impact on the welfare of the people.

Key words: construction industry, construction companies, construction work, modern technologies, economic reforms, infrastructure, development

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Шихиев Р.М.

Қорақалпоқ давлат университети

Кириш. Ҳозирги кунга қадар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ аҳолиси, мамлакатимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ. Инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва

ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини кучайтиради. Глобал миқёсда инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Президент фармонлари ва қарорларига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор механизмларини кенгайтириш, Кластер ва фермер хўжаликларининг қизиқишини ошириш мақсадида давлат пахта ва ғалла учун бозор тартибини бекор қилмоқда. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари 2020 йил 28 январдаги «2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида» ги фармонни имзолади.

Таҳлилларга қараганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи мавсум давомида (қиска муддатларда) 40 тадан ортиқ турли ечимларни қабул қилишига тўғри келади. Унинг аксарияти рақамлаштириш объекти ҳисобланиб, бевосита ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Ҳисоб-китобга кўра, экиш, етиштириш, сақлаш ва ташишда ҳосилнинг 33 фоизи йўқотилмоқда. Шундай бир шароитда мавжуд ер, сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи “smart” ёки “ақлли қишлоқ хўжалиги” технологиялари муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли қишлоқ хўжалиги» концепциясига асосланган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шакллари жорий этиш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорликни ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга қўмаклашиш каби вазифалардан иборат.

Адабиётлар таҳлили. Рақамли технологияларни қўллашда эришилган ютуқлар шунингдек янги материаллар ва биотехнологияларни яратишда эришилган технологик ютуқларнинг комбинациясидан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий ўсиш ва саноатни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади [1]. Табиий ресурсларнинг камайиши, глобал усиш шунингдек бошқа глобал офатларни енгиш учун, технологик тараққиёт ютуқларидан саноат ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш жамият фаровонлигига катта таъсир кўрсатади ва инсониятнинг келажақдаги фаровонлигини таъминлаб беришга хизмат қилади. Кейинги саноат инқилоби жараёнларни оптималлаштириш ресурслардан фойдаланишни, маҳсулот ва хизматларни оммавий индивидуаллаштиришни, саноатни автоматлаштириш, инсон ва машинанинг ўзаро таъсири орқали иқтисодий ривожланишни таъминлаб берадиган йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади [2]. Тўртинчи саноат инқилоби талабларига жавоб берадиган рақамли товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозоридаги улиши тахминан 773 миллиард долларга баҳоланмоқда [3]. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда рақамли трансформацияни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бирига айланди.

Қишлоқ хўжалигининг рақамли трансформацияси – бу қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти объектлари ва субъектлари тўғрисидаги рақамли маълумотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, чуқур таҳлил қилиш ва узатиш учун мўлжалланган рақамли воситалар – технологиялар ва платформа ечимларини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида иқтисодий фаолиятни ўзгартириш. Агросаноат мажмуаларида технологик ютуқ воситаларидан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳосилдорликнинг сезиларли ўсишига эришиш учун рақамли технологияларнинг бизларга тақдим этадиган имкониятларини амалий қўллаш ҳар қандай давлат учун иқтисодий фаровонликни таъминлайди [4]. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш масаласида албатта ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Дунёда «ақлли» қишлоқ хўжалигига ўтиш секинлик билан, аммо ишончлик тарзда амалга ошириляпти. Бозорнинг катта қисми (53 фоизи) Шимолий Америкада жойлашган. IT-технологиялар ер майдонларида асосан дон экинлари етиштиришда фаол қўлланиляпти ва бу «аниқ деҳқончилик» номи билан аталаяпти. Умуман олганда, кўплаб мамлакатлар «аналог»дан «ақлли»га ўтиш орқали ўз қишлоқ хўжалигини фаол ривожлантириб бораётганини тасдиқлашяпти.

Масалан, АҚШнинг Жон Дир (Deere & Company) компанияси қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилардан бири. Компания ўз тракторларига IoT (Internet of Things - нарсалар интернет) датчиклари ва веб-интерфейслар билан қўллаб-қувватланган мажмуаларни жорий этишга киришган. Аграр техникалар соҳасида «ақлли» қурилмаларни қўллаш даражаси бўйича Европа ҳозирча АҚШдан ортда қолмоқда. Соҳанинг техник ва технологик базаси эса, асосан агросаноат мажмуасининг умумий ривожланишини белгилайди. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштиришни технологик такомиллаштириш, ер унумдорлигини ошириш ва қўл меҳнатини механизациялашган фаолият билан алмаштиришда намоён бўлади. Техникаларининг етишмаслиги кластер ва фермерларнинг имкониятларини чеклайди ва маҳсулот таннархида меҳнат сарфини оширади. Мавжуд техник воситалардан самарали фойдаланиш унинг қопланиш муддатини қисқартиради ва инновацион технологияларни қўллаш билан бирга, тақрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан рақамли технологиялар қўлланган ҳолда, республикадаги мавжуд барча қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларининг ягона электрон базаси ишга туширилди. Унда 295 минг дондан зиёд техника, жумладан, 12 минг донга ҳайдов, 49 мингдан ортиқ чопиқ, 71 мингга яқин транспорт

тракторлари, 5 минг 600 та ғалла ўриш комбайни, мингдан ортиқ замонавий юқори унумли пахта териш машиналари ва бошқа техникалар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ жамланган.

1 жадвал¹. Қорақалпоғистон Республикаси туманлари кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштиришда фойдаландиган техникалар (2021 йил сентябр ойи ҳолатига)

№	Номи	Амударё	Беруний	Чимбой	Элликқала	Кегали	Мўйнок	Нукус	Нукус ш.	Қанлиқўл	Қораўзақ	Қўнгирот	Шуманай	Тахтакош	Тахтақўпир	Пўртқўл	Хўжайли	Республика бўйича
1	юқори унумли техникалар	51	58	30	73	15	69	22	32	24	19	35	32	18	35	49	50	612
2	оддий қилдиракли тракторлар	13	10	4	15	4	2	9	3	11	13	10	7	6	23	17	11	158
3	оддий занжирли техникалар	43167	46726	60661	64443	37718	1512	19235	8024	22930	32429	21259	37031	24615	686	51318	37525	499
4	чоппик тракторлар	43167	46726	60661	64443	37718	1512	19235	8024	22930	32429	21259	37031	24615	686	51318	37525	499
5	транспорт тракторлари	51309	16593	26479	44461	8428	1188	24477	49290	19422	21311	28482	11569	6158	20268	25316	14238	5989
6	ғалла комбайнлари	51309	16593	26479	44461	8428	1188	24477	49290	19422	21311	28482	11569	6158	20268	25316	14238	5989
7	ем-хашак ўриш комбайнлари																	
8	шоли ўриш комбайнлари																	8
9	Трактор тиркамалари	103	467	520	571	279	174	400	158	353	152	484	570	199	132	322	336	5220
10	Механик чигит экиш сейалкаси	227	76	30	45	35	1	7	2	20	20	17	10	23	10	23	33	579
11	Дон экиш сейалкаси																	4
12	Пахтачилик култиватори	363	101	58	70	55	0	8	2	32	20	27	32	27	23	41	35	894
13	Кусак териш машиналари	0	0	5	0	3	0	0	0	0	0	1	0	1	0	0	0	10
14	Чизел																	21
15	Ер текислагич							3				6						58
16	Дискли борона																	24
17	Пуркагичлар	23	67	58	19	33	0	20	15	33	29	18	16	12	19	93	42	497
18	Минерал ўғит сепиш мосламаси	17	15	27	10	19	0	20	0	11	21	16	12	7	16	18	15	224
19	Картошка қозғич																	
20	Лазерли ер текислагич																	2
Жами		1662	1901	1919	2040	1289	467	1257	661	1198	967	1434	1674	726	626	1442	1188	20451

Хулоса. Ҳозирги кунда, инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш глобал миқёсда тез суръатлар билан ўсмокда. Қишлоқ хўжалиги бундан мустасно эмас, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам, сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида Президентнинг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган. Соҳа мутахассислари рақамли трансформациялар туфайли қишлоқ хўжалигининг умумий маҳсулдорлиги 2030 йилга келиб қарийб 60%га ошиши керак, шунда озиқ-овқат етишмовчилигига дуч келинмайди.

Рақамли технологиялар орасида веб технологиялар асосида ишлайдиган хизматлар жуда оммалашмокда, шунинг учун ҳам мазкур соҳага бўлган қизиқиш кундан-кунга ошиб бормокда. Кластер ва фермер хўжаликлари маҳсулотлар таёрлашда қолланидиган анъанавий усуллари ўсиб бораётган озиқ-овқат талабига жавоб бера олмайди, шу боисдан ҳам кластер ва фермер хўжаликлари ақлли қишлоқ хўжалигига тобора кўпроқ мурожаат қилишмокда.

Рақамли агротехнологиялар соҳасидаги ушбу тенденциялар ва янгиликлар билан боғлиқ ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги шароитида "Ақлли қишлоқ хўжалиги" ни амалга ошириш концепциясининг лойиҳаси умумий кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар порталида эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида юқори технологиялар ва бошқарувнинг рақамли усулини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимиз замини серҳосил, баҳорда таёқ суксак кузда мева беради. Лекин, аҳолимизнинг йилдан йилга кўпайиб бораётганини, сув, электр энергияси ва бошқа табиий захираларимизнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси бошқарма маълумоти.

чекланганини инобатга олсак, «ақлли» қишлоқ хўжалигининг нақадар аҳамияти катталигини англаб етамиз. Шундай экан, аграр соҳага замонавий тизимни татбиқ этиш муҳим вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. Balsmeier, B., and M. Woerter (2019). Is this time different? How digitalization influences job creation and destruction. Research Policy, vol. 48, No. 8.
2. Dutta, S. and B. Lanvin (2019). The Network Readiness Index 2019: Towards a Future-Ready Society. Portulans Institute.
3. Коновалова О.В., Фешина С.С. “К вопросу о трансформации экономической реальности в условиях цифровой экономики”.
4. Исследовательский отчет «Глубинное изменение— технологические переломные моменты и социальное воздействие» // Международный экспертный совет Всемирного экономического форума по вопросам будущего программного обеспечения и общества, ноябрь 2015 г.

Рақамли иқтисодиёт шароитда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати
Шихиев Р.М. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, ушбу соҳага “ақлли” техник қурилмалар ва инновацион технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

Таянч сўзлар: “Ақлли” қишлоқ хўжалиги технологиялари, рақамли технологиялар, рақамли иқтисодиёт, веб-сайт.

Современное состояние развития сельских районов в условиях цифровой экономики
Шихиев Р.М. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье анализируется текущее состояние развития сельского хозяйства в условиях цифровой экономики и показаны способы внедрения и эффективного использования «умных» технических устройств и инновационных технологий в этой сфере.

Ключевые слова: “Умные” сельскохозяйственные технологии, цифровые технологии, цифровая экономика, веб-сайт.

The current state of Rural Development in the conditions of the digital economy
Shixiev R.M. Karakalpak state university

Summary. The article analyzes the current state of agricultural development in the digital economy and shows ways to introduce and effectively use “smart” technical devices and innovative technologies in this area.

Key words: “Smart” agricultural technology, digital technology, digital economy, website.

УДК: 338.6/8

КОРХОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Айтмуратова У.Ж., Айтмуратова М.Ж.

Қорақалпоқ давлат университети

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги бутун ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борича кўпроқ фойда, қайтим келтириши асосий вазифа қилиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, қўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қурулантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби барча ҳолларда юзага келади. Баъзан маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблағлар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қилади [1, 70]. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда корхоналар иккита вазифани ҳал қилишлари лозим: Биринчидан, капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати ва даромадлилиги нуктаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш; Иккинчидан, мавжуд ишлаб чиқаришга киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш (қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, фойдани ошириш ва ҳоказо).

“Инсоннинг илмий-техник фаолияти натижасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки илгари мавжуд бўлган турларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган жараён инновацион фаолият ҳисобланади. Инновацияни жорий этиш натижалари компанияларга рақобатда муҳим устунликка эга бўлиш имконини берадики, бу, корхона учун муҳим рағбатлантирувчи омил бўлади. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, корхоналар илм фандаги илғор ресурс тежамкор ишланмаларни жорий қилишдан манфаатдор эканлигини, иккинчидан бу глобал тадбир натижасида республикамиз корхоналари салоҳиятини янада ривожлантириш орқали унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, учинчидан, корхоналарда чуқур диверсификациялаш тадбирларини амалга ошириш орқали барқарор ва сифатли товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда самарадорликни тубдан ошириш имкониятларини янада кенгайтиради” [2].

Корхона ривожлантиришнинг тизимли бошқарилиши, шакллантирилаётган хусусиятларнинг қуйидагича кетма-кетлигида амалга оширилиши мумкин: эгилувчанлик—мослашувчанлик— рақобатбардошлик. Корхоналарни фаолиятини ташкил этишда замонавий инновацион технологиялар топиш ва жорий этиш, стратегик ҳамда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини оширишга имкон беради. Олиб борилган тадқиқотлар

кўрсатадики, корхоналарда инновацион фаолият стратегик бошқарувини самарали ташкил шартларидан бири тегишли кадрларнинг билим ва малака даражаларини ошириш, кўникмаларни шакллантириш, бошқаришнинг марказлашувини камайтириш, маълумотларга бўлиш тизимига янги ахборот технологияларини жорий қилиш, рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланиш, ходимларни инновацияга бўлган кизиқишини ошириш ва бундай технологиялдан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, бошқарувчиларни замонавий фикрлаши, ўз вазифаларини тўғри ва тўлиқ англаши ва уларни ўз вақтида бажаришини таъминлаш, норасмий мулоқотлар даражасини камайтириш хизмат қилади.

Молиявий ресурсларни жалб этиш имконияти нуктаи назаридан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг икки усули: ташқи ва ички манбаларга асосланган молиялаштириш фарқланади. Молиялаштиришнинг ташқи манбаларига давлатнинг махсус имтиёзли кредитлари (Давлат мулк қўмитаси, Бандлик жамғармаси, Дехқон ва фермер хўжаликлари жамғармалари, Микрокредитбанкнинг махсус ресурси ва ҳ.к.); тижорат банклари кредитлари (Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси); қимматли қоғозлар чиқариш ва сотишдан тушган маблағлар; хорижий кредит линиялари маблағлари ва бошқалар киради. Молиялаштиришнинг ички усулидан фойдаланишда молиявий ресурслар ташкил топиш манбалари сифатида қуйидагилар майдонга чиқади: фойда, оборотдан ташқари активларни сотиш, мол этказиб берувчилардан олинган кредитлар, дебиторлик қарзларининг камайтириш, амортизация ажратмалари, тадбиркорларнинг жамғармалари ва бошқалар. [3] Айрим ҳолатларда муҳим молиялаштириш манбаи сифатида мол этказиб берувчилардан олинган кредитлардан фойдаланиш мумкин, бироқ, бунда мол этказиб берувчилар билан яхши муносабатлар сақланиши ва таъминотнинг барқарорлиги бузилмаслиги лозим. Ташқи молиялаштиришнинг ҳар қандай усулида корхона қарз олиш ҳисобига ёки акциялар чиқариш йўли билан молиялаштиришни ташкил этади. Ташқи манбалардан жалб этилган маблағлар қуйидаги уч хил баҳолаш мезонига асосланади: маблағлардан имкон борица фойдаланиш вақти, харажатлар миқдори (қарз капитали қиймати), корхона устидан назоратнинг даражаси.

Инвестиция лойиҳаларини қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш молиялаштиришнинг ссуда воситаларидан фоиз тўлаш ҳисобига фойдаланишни хусусиятловчи усулга асосланадики, унинг миқдори маҳсулот ҳажми ва корхона фойдаси билан бевосита боғланган. Ссуда ёрдамида молиялаштириш олинадиган қарз қайтарилиши таъминланиши учун мулкӣ актив бўлишини талаб этади. Акциялар чиқариш ёрдамида молиялаштириш унинг олдиндан таъминланишини талаб этмайди, бироқ, сармоячи учун корхона мулкига маълум миқдорда эгалик қилиш ҳуқуқини беради. Инвестор ўз улушига мос тарзда корхона фойдасида ва активларни бошқаришда қатнашади.

Кўпинча, корхонани молиялаштиришга бўлган эҳтиёж ҳам, қарз олиш ҳам акциялар чиқаришнинг бирлигида қондирилади. Корхонани молиялаштиришда акциялар чиқаришга рақобатдош бўлган манба банк кредитидир. Банк кредити фақатгина мулк ёки оборот активларининг гарови асосида берилади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни бу усулда амалга оширишда кредит учун фоиз тўловлари, кредитларнинг қайтарилиш муддати ва тартибини ҳисобга олиш лозимки, бу омиллар ўта қаттиқ шартларда қўйилади.

Қарз маблағларини банклардан ташқари яна турли молия-кредит институтлари (лизинг компаниялари, ипотека банклари, ишлаб чиқариш захиралари ёки дебиторлик қарзлари эвазига молиялаштириш билан шуғулланувчи улгуржи мол этказувчи ташкилотлар ёки факторинг компаниялари) ҳам беришлари мумкин.

Инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришнинг жами миқдорини аниқлаштиришда асосий капитал, яъни лойиҳа-қидирув ишлари, майдон, қурилиш, технология ҳамда ускуна-жиҳозлар олиш, монтаж қилиш, ходимларни ўқитиш ва бошқалар, шунингдек, айланма капиталга қилинадиган харажатлар, яъни хом-ашё, материаллар, четдан харид қилинадиган ярим фабрикатлар, ёқилғи, энергия, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатлари кабиларнинг бозор нархларидан келиб чиқадиган қиймати белгилаб беради.

Шундай қилиб, инвестиция фаолияти ўзининг аниқ таснифлаш мезонлари ва йўналишларига эга бўлган фаолият тури сифатида уни молиялаштириш қуйидаги: қимматли қоғозлар бозори орқали молиялаштириш; хорижий инвестициялар асосида молиялаштириш; тижорат банклари ва халқаро молия институтлар маблағлари ҳисобидан улуш қўшиш орқали молиялаштириш механизми ёки кредит линиялари орқали молиялаштириш; синдициялаштирилган кредитлар асосида молиялаштириш механизми; инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш механизми; венчурли молиялаштириш; корпоратив молиялаштириш; лизинг орқали молиялаштириш каби механизмлар мажмуи ҳисобига амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаларини венчурли молиялаштириш—юқори риск ҳолатида молиялаштириш ҳисобланади. Венчурли молиялаштириш, асосан, замонавий техника, технология ва янги турдаги ишлаб чиқаришларга жойлаштирилади. Венчур операциялари (рискли операция)—капитал қўйилмалар шаклидаги пул операциялари ҳамда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар—илмий-тадқиқотлар, лойиҳа-конструкторлик ишланмалари, кашфиётлар яратиш ва жорий қилиш, янги технологияларни жорий қилишни молиялаштириш билан боғлиқ бўлади. Бундай молиялаштириш, асосан, инновацион банклар ва венчур фирмалари (фондлари) томонидан амалга оширилади [4]. Шунингдек, инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларига хос бўлган аралаш шаклдаги молиялаштириш, хўжалик субъектлари ва аҳолининг бўш маблағларини тўғридан-тўғри инвестиция обектига йўналтириш, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари эвазига молиялаштириш кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Саноат корхонасини инвестицияларни стратегик бошқариш модели компаниянинг барқарор фаолиятига таъсир қилувчи асосий омилларни ҳисобга олиши ва инқироз шароитида фирманинг барқарор ривожланиш

параметрларини баҳолаш ва прогноз қилиш имконини берадиган кўрсаткичлар ва мезон тизимига асосланиши керак. Корхонанинг барқарор ва мувозанатли ривожланиши кўп жиҳатдан инвестицияларни оптимал бошқариш билан белгиланади. Компания раҳбарияти корхонанинг аниқ узоқ муддатли мақсадларини белгилашга, капитал қўйилмаларнинг энг фойдали йўналишларини танлашга, муқобил инвестиция лойиҳаларини баҳолашга ва нихоят, мустаҳкам инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган узоқ муддатли инвестиция сиёсати орқали эришиши керак.

Компаниянинг инвестиция фаолиятини стратегик бошқариш жараёнини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмининг оптималлаштириш доирасида биз компаниянинг эгалари учун мақбул бўлган дивидендлари миқдорини камайтириш доирасидан фойдаланиш амалиётига ўтмоқдамиз. Бу уларга инвестиция сиёсатини оптималлаштириш ва бир қатор муҳим вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Натижада қуйидаги вазифалар ҳосил бўлади: Корхона лойиҳаларига инвестициялар оралиғининг чегараларини аниқлаш. Инвестициялар сонини аниқ аниқлаш, молиявий ресурсларнинг максимал рентабеллигини таъминлаш. Асоссиз инвестиция харажатлари сонини камайтириш.

Дивидендларнинг пасайиши компанияга суғурта захираларининг етарлича катта миқдорини яратишга имкон беради.

$$Re = Ce - D \quad (1)$$

бу ерда Re - компаниянинг ўз молиявий захираларидан ҳосил бўлган суғурта пул захираси, Ce - бу капиталнинг қиймати, D - компания ўз акциядорларига тақдим этадиган дивидендлар миқдори.

Инвестиция стратегияси фирмани ўз ва қарз маблағлари билан бир қаторда фойдаланишни ўз ичига олади. Халқаро компаниялар амалиёти шуни кўрсатадики, корхоналар кўпинча қарз маблағларини жалб қилишга ҳаракат қилишган. Шундай қилиб, саноат корхоналари раҳбарияти ўзига хос тарзда корхонани мумкин бўлган маблағ етишмаслигидан суғурталашга ҳаракат қилдилар, ва кредит ташкилотлари, аксинча, ҳақиқатан ҳам корхонанинг асосий активлари билан таъминланадиган кредитларни беришга интилдилар.

$$C_1 \rightarrow A_{\max} \quad (2)$$

бу ерда C_1 - бу банк томонидан таклиф қилинган қарз маблағларининг чекланган миқдори, $A_{\max}$ - корхонанинг банк кредитлари учун гаров сифатида тақдим этувчи кредитлари ҳажми

Халқаро корхоналар фаолиятининг амалиёти шуни кўрсатадики, қарз маблағлари захирасини шакллантириш аксарият ҳолларда корхонанинг кўпроқ харажат қилишларига олиб келади, шунинг учун корхона банкдан қарз олиш манбаларини камайтириш бўйича чоралар кўриши керак.

$$R_1 \rightarrow C_{\lim} \quad (3)$$

бу ерда R_1 - бу кредит муассасаси ссудалари асосида шаклланадиган молиявий активлар захирасининг қиймати, $C_{\lim}$ - бу лойиҳа доирасида жалб қилинган инвестицияларнинг максимал миқдори.

Шундай қилиб, инвестиция фаолияти учун зарур бўлган компаниянинг рисксиз капитали (Sc) миқдори қуйидагича аниқланади.

$$Sc = R_1 + Re \quad (4)$$

Оптимал инвестиция стратегияси, саноат компаниясининг стратегик фаолиятини бошқариш бўйича таклиф этилаётган моделга мувофиқ, инвестиция лойиҳаси чегараларини аниқ белгиланиши таъминлайди. Бундай ҳолда, инвестиция стратегиясининг минимал чегараси компания томонидан амалга ошириладиган лойиҳанинг зарарсизлик нуқтасидан юқори бўлиши ва мумкин бўлган йўқотишларга олиб келмайдиган минимал инвестиция миқдорини кўрсатади.

$$Ci(\min) = Ci(E_{d.p.} \rightarrow 0), \quad (5)$$

бу ерда Ci - бизнес лойиҳага киритилган капитал миқдори, $Ci(\min)$ - бизнес лойиҳага киритилган капиталнинг минимал қиймати, $E_{d.p.}$ бу корхона фаолиятининг ҳисоб-китоб даври учун инвестиция лойиҳасига таъсиридир.

Бундай ҳолда, инвестициялар доирасининг юқори чегараси бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун жалб қилинган маблағларнинг максимал рухсат этилган миқдори асосида белгиланиши керак.

$$C_{\lim} < C_1 + C_e - S_c - D - C_c \quad (6)$$

бу ерда C_c - бу компаниянинг асосий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган капитал миқдори.

Шундай қилиб, тегишли бизнес лойиҳаларни амалга оширишда компаниянинг барқарорлигини таъминлашининг мумкин бўлган сармояларнинг энг мақбул доираси қуйидаги чегараларда бўлиши керак.

$$C_i(\max) < C < C_{\lim} \quad (7)$$

бу ерда C - бу бизнеснинг лойиҳасини молиялаштириш учун жалб қиладиган компаниянинг капитали.

Шу сабабли, халқаро компаниялар томонидан инвестиция стратегиясини амалга оширишда компания акциядорлари дивидендлари миқдорини камайтириш воситасидан мақсадли фойдаланишни ўз ичига олади, бу эса сўнгги йилларда корхонанинг бизнес муҳитига мос келади. Корхоналарнинг инвестиция фаолиятини стратегик бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар корхонанинг барқарор ривожланишининг назарий ва услубий концепциясига мос келади ва бозор муносабатлари элементларини енгиб ўтиш, мувозанат-прогрессив ривожланишни таъминлашга имкон беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, миллий иқтисодиётга йўналтирилган ички ва хорижий инвестициялар ҳажмининг ортишига, инвестицион рискларини пасайтиришга, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади

АДАБИЁТЛАР

1. Абдураулов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш. Иқт.фанлари доктори илм.дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф. –Тошкент, 2017.
2. Хонкельдиева Г.Ш. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. Иқт.фанлари доктори илм.дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф. –Тошкент, 2018.
3. Попова С.В. Совершенствование форм финансирования малого бизнеса в регионе : 08.00.10 Попова, Светлана Викторовна Совершенствование форм финансирования малого бизнеса в регионе (На примере Чувашской Республики) : Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.10 Б. г., 2006 195 с. РГБ ОД, 61:06-8/1523.
4. Ганичева У.Д. Способы финансирования инвестиционных проектов. // Аллея науки. 2018. 11 (27) 300-301 с.

Корхоналарда инвестицион фаолиятни стратегик бошқариш механизмини такомиллаштириш
 Айтмуратова У.Ж., Айтмуратова М.Ж.Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада корхоналарда инвестицион фаолиятни стратегик бошқариш механизмини такомиллаштириш ҳақида сўз этилади. Инвестиция фаолиятини стратегик бошқариш жараёнини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмини оптималлаштириш буйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Таянч сўзлар: инвестиция, иқтисодий самарадорлик, инвестиция лойиҳалари, капитал, ижтимоий самара, риск, синдициялаштирилган кредитлар, венчурли молиялаштириш, корпоратив молиялаштириш, лизинг орқали молиялаштириш.

Совершенствование механизма стратегического управления инвестиционной деятельностью на предприятиях

Айтмуратова У.Ж., Айтмуратова М.Ж. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматривается совершенствование механизма стратегического управления инвестиционной деятельностью предприятий. Разработаны предложения по оптимизации механизма разработки и внедрения процесса стратегического управления инвестиционной деятельностью.

Ключевые слова: инвестиции, экономическая эффективность, инвестиционные проекты, капитал, социальная эффективность, риск, синдцированные кредиты, венчурное финансирование, корпоративное финансирование, лизинговое финансирование

Improvement of the mechanism of strategic management of investment activities in enterprises

Aytmuratova U.J., Aytmuratova M.J. Karakalpak State University

Summary. The article discusses the improvement of the mechanism of strategic management of investment activities of enterprises. Proposals have been developed to optimize the mechanism for the development and implementation of the process of strategic management of investment activities.

2019 жылы 19 мартта Өзбекстан Республикасы Президенти Шавкат Мирзиёевтың басшылығында, жасларға итибарды арттырыу, жасларды мәдениетке, көркем-өнер хәм спортқа кең түрде қызықтырыу, ахборот технологиялардан пайдаланыу көникпелерин қәлиплестириу, жасларды китап оқыуға қызықтырыу хәм хайел-қызларды жұмыс пенен тәмийинлеу мәселелерине арналған видеоселекторлық кеңес өткерилди. Өзлериңиз билесизлер, усы видеоселекторда Мәмлекет басшысы социаллық, рухый-ағартушылық жұмысларды жаңа система бойынша шөлкемлестириу бойынша бес тийкаргы басламаны илгери сүрди. Бул бес басламаның бириншиси – жаслардың музыкаға, көркем-өнерге, әдебиятке, театрға хәм көркем-өнердің басқа да түрлерине деген қызығыушылығын арттыру, олардың талантын әмелде көрсетиуіге хызмет етеди. Жаңа Өзбекстанды курыуда биз педагоглар жаңаша пикирлеуши, креатив дөретиуши жасларды тарбиялап шығарыуымыз шәрт.


Тарийхты билмей турып келешек курылмаиды деген сөз бар, сол себебли биз жасларға ата-бабаларымыздан қалған мийрас қол өнерлери, әмелий көркем өнерине нәзер салып, халық әмелий көркем өнериндеги нағысларды жаңаша формаларда, стилде, көркем сулыу нағыс элементлерин жаратыуымыз керек. Қарақалпақ халқының әзел-әзелден әмелий қол өнерлеринде қолланып киятырған миллий нағыслары қарақалпақ әмелий көркем өнеринде үлкен орын тутады. Себеби бул нағыслар қарақалпақ әмелий көркем-өнериндеги тоқымашылық, зергерлик, ағаш оймакерлиги хәм қару(отау) безеуинде қолланылатуғын буйымларда өзине тән формасы хәм дузилиси менен сәулеленеди.

Бул нағыслар бойынша А. Алламуратов «Каракалпакская народная вышивка» китабында Т.А. Жданко, Г.И. Саурова, В.В. Ванслов, С.В. Ивановлардың жұмысларын айтып өтип қарақалпақ тоқымашылығындағы ислетилген нағысларды, табиый қусаслығына қарап 4 группаға бөледі. 1. Өсимликлер нағысы, 2. Зооморф нағыслары, 3. Геометриялық нағыслар, 4. Буйымлардың суўретлениуи. Бул нағыслар қусаслығына қарап өз атамаларына ийе болған. Өсимликлер группасындағы нағыслар көринисине қарап мотивлерге бөлінген: гуллер, жапырақлар, тамырлар, тереклер, қамыслар, айғабағар, «ерик гул», «ғаўаша гул», «қарели гул». Гуллер крест тәризли, жулдыз тәризли, жапырақ тәризли хәм қоралы болып бөлінген.

Зооморф нағыслары группасы хайуанат дуньясы менен байланыслы. Зооморф группасындағы нағысларда мотивлерге бөлинеди: муйизлер мотиви, шаян куйрық мотиви, қурбақа мотиви, ит табан, ғаз мойын мотивлери болып. Тийкаргы мотивдеги нағыслар, булар Орта Азия еллериниң көпшилигинде ушырасытуғын «қошқар муйизлери» мотиви болып есапланады. Л.И. Ремпель, «муйиз» нағыслар шаруашылық пенен шуғылланған халықларда көп ушырайды деп жазған. Муйиз нағыслар график хәм схематик формаларда сызылған. Оннан тысқары зооморф нағыслар группасына S-тәризли «қумырсқа бел», «омыртқа», «қой тиси», «тышқан изи», «қус тили», «бөри көз», «жылан баўыр», «ғарға тырнақ», «бақаншақ», «ит табан» атлы нағысларда киреди. [1. 84.]

Геометриялық нағыслар группасына кириуши ромб, шеңбер, төртмуйешлик, ушмуйешлик, туўры сызық, ийрек сызық формасындағы нағыслар әмелий көркем өнериниң барлық түрлеринде ислетилген. Геометриялық

нағыстар группасына «шубал нағыс», «ырғақ», «айыл нағыс», «қалта гул», «шахмақ», «еспе», «суў нағыс», «хәрдем қиял», «ханым түкирик» атлы нағыстар киреди. Бұйымлардың суўретленіуі - бул нағыстар группасына кунделикли турмыста қолланылатуғын бұйымлардың, хожалық бұйымларының, хәйеллер тағыншақларының график хәм схематикалық формаларда сызылған нағыстар киреди. Бул группаға «сырға», «тусак», «солак», «ткеш», «пискекше» атлы нағыстар киреди. Будан тысқары тамғалар, свастикаларда киреди.[1.28-30.].[№1 суўрет]



№1- суўрет.


Бул нағыстар қарақалпақ миллий тоқымашылық өнеринде көп ислетиледи, усы нағыстар тийкарында қарақалпақ миллий нағыстар жаратылған. Бирақ бул нағыстар дым әпиўайы хәм сулыўлық жақтан азғын көринеди. Хәзирги техника хәм технология раўажланыў дәуиринде бул нағыстарды сызыў, безеў методын пайда етип оны жас өспиримге уйретиў ушын қанийгелестирилген суўретлеў өнери мектеплериниң оқыў системасына енгизиў зәур деп ойлайман.

Бул методтың абзаллығы. Бириншиден бул метод нағыстарды сызыў процессин әпиўайыластырады, жеңиллестиреди, хәм тәртипли қалиплестиреди. Екиншиден бул метод жас өспиримге нағыстарды сызыўда хәм өз нағыс композициясын жаратыўда кең мүмкиншиликлер жаратады. Үшиншиден бул метод әмелий көркем-өнер бұйымларын безеўде геометриялық шешим таўып береді. Хәр қандай әмелий көркем өнери бұйымы геометриялық формаға ийе, демек оған түсирилетуғын нағыстарда геометрик композицияны қураўы керек. Қарақалпақ миллий нағыстары ийемек сызықлы хәм сынық туўры сызықлы схематик элементлерден ибарат. Соның ушын нағыстарды еки турге ажратып сызылыў методларының техникаларын жаратамыз.

Қарақалпақ миллий нағыстарын геометриялық формалар тийкарында сызыў техникалары нағыс сызыў процессин жеңиллестиреди хәм әпиўайыластырады. Хәр бир нағыс өз формасына ийе, биз оларды симметрик хәм ассиметрик формаларға бөлеміз. Өсимликлер группасындағы нағыстарды сызыўдың геометриялық шешими. Нағыс элементиниң формасына қарап қайсы геометриялық формаға қуаслығын анықлаймыз, мәселен, «қаўаша гули» нағыс элементи формасы жағынан геометриялық ромб формасына сәйкес келеді, демек биз биринши ромб формасын сызып оны диагоналарға бөлеміз. Сол диагоналар кесилискен жер ромбтың орайы болады, ал хәрбир диагонал сызық қаўаша гулиниң жапырақларының орта сызығы ұазыйпасын атқарады. Сол ромбтың контур сызығынан шығып кетпей, диагонал сызықлар жәрдемінде қаўаша гул жапырақлары сызылады. Барлық нағыс элементлери усындай геометриялық шешим мысалында сызылады.

Бул техника оқыўшыға нағыстарды сызыўда қолайлық, жеңиллик туўдырып, нағыс сызыўды әпиўайыластырады. [№2-суўрет].

Ғаўашагул:



2-суўрет


Туўры мүйешли төрмүйешлик ишинде «сегиз мүйиз» нағыс орнаментин сызыў техникасы. [№3- суўрет]

1-басқыш

2-басқыш

3-басқыш

4- басқыш



№ 3 суўрет

№ 4 суўрет

Оқыўшылар усы метод техникалары аркалы нағыс элементлерин сызыўды хэм композиция дузиўди уйренип өзлестире алады. Бул метод аркалы арттырган көникпелерин, билимлерин әмелий көркем өнер буйымларын безеўде кеңнен қолланыўға жәрдем береді. Биз жас өспиримди тарбиялаўда мәдений-көркем саўатлығын, мәнаўиятын, дәретиўшилиқ қабилетин раўажландырыўымыз зарур. Сол аркалы келешек әўлад ата-бабамыздан қалған мийрас, әмелий көркем өнери тараўын раўажландырыўда өз улеслерин қоса алады. Оқыўшылардың креатив ойлаў, пикирлеўине жол ашып береді. Декоратив әмелий көркем өнериндеги гулалшылық, тоқымашылық, зергерлик, ағаш оймакерлиги сыяқлы тараўларының буйымларын безеўде нағыс көркем өнери улкен орын тутады, нағыс өнери буйымларға көркемлик шырай береді. Соның ушын нағыс көркем өнерин оқытыўды қанийгелестирілген мектептердің оқыў дәстурине киритиў мақсетке муўапық болады.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Алламуратов А. «Каракалпакская народная вышивка». «Каракалпакстан». –Нукус-1977 г.
2. Жданко Т.А. «Изучения народного орнаментального творчества Каракалпаков». «Советская этнография» 1955. №4.
3. Булатов С.С. «Узбек халқ амалий безак санъати». –Тошкент.; «Мехнат».1991.

Қанийгелестирілген мектептерде суўретлеў өнери сабақларында қарақалпақ миллий нағысларын сызыў техникаларын қолланыў

Исмаилов А., Акимниязов З., Абатов Ж. Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Резюме. Бул мақалада қарақалпақ миллий нағысларының сызылыў техникасын қанийгелестирілген мектептерде суўретлеў өнери сабақларында қолланып, оқыўшылардың нағысларды сызып уйрениў методын көрсетип бердик. Бул метод техникалары оқыўшыға нағысларды сызып өзлестиріўде жеңиллик хэм қолайлық жаратып береді.

Таяныш сөзлер: орнамент, геометрик форма, ромб, зооморф.

Применение техники рисования национальных каракалпакских узоров на уроках изобразительного искусства в профильных школах

Исмаилов А., Акимниязов З., Абатов Дж. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В этой статье мы использовали технику рисования каракалпакских национальных узоров на уроках изобразительного искусства в специализированных школах, а также показали ученикам, как рисовать узоры. Эта техника упрощает и делает более удобным обучение ученика рисованию узоров.

Ключевые слова: орнамент, геометрическая форма, ромб, зооморф.

Application of the technique of drawing national Karakalpak patterns in fine arts lessons in specialized schools

Ismailov A., Akimniyazov Z., Abatov J. Karakalpak State University

Summary. In this article, we have used the technique of drawing the Karakalpak national patterns in fine arts classes in schools, and have shown students how to draw patterns. This technique makes it easier and more convenient for the student to learn to draw patterns.

Keywords: ornament, geometric shape, rhombus, zoomorph.

FUTBOL BO'YINSHA TO'RESHILERDI TAYARLAWDIN' O'ZGESHELIKLERI

Tulepov S.K., Abdimuratov M.U.

Qaraqalpaq ma'mleketlik universiteti

Bugungi kunda sayyoramizda O'zbekiston madhiyasi yangramagan, muzaffar bayrog'i hilpiramagan mamlakat qolmadi hisob. O'zbekistonning tan olinishiga futbolchilarimiz ham munosib hissa qushayotganligi shu soha kishilarida faxr tuyg'ularini uyg'otadi. 1994 yilgi Xirosimada o'tkazilgan XII Osiyo o'yinlarida O'zbekiston milliy terma jamoasi Osiyoda birinchi bo'ldi. Osiyo futbol jamoalari o'rtasida o'tkaziladigin, Osiyo chempionlar Kubogi jamolari o'rtasida o'tkaziladigan, Osiyo chempionlar Kubogi va Osiyo kubok egalari kubogi musobaqalarida, O'zbekiston futbol jamoalari yetakchi klublari bilan tengma-teng bahs olib borishdi. Vazirlar Mahkamasining 1996 yil 17 yanvardagi 27-sonli «O'zbekiston futbolini rivojlantirishning tashkiliy asoslari va prinsiplarini tubdan takomil-lashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarorning chiqarilishi O'zbekiston futbolining yanada rivojlanishida katta ahamiyat kasb etdi. UEFA va OFK ma'murlarining hududiy seminarlarini Toshkentda uyushtirilishi, xalqaro musobaqalarni o'tkazilishini yurtimizga ishonib topshirilayotganligi fikrimiz dalilidir.

Adabiyotlarda berilayotgan ma'lumotlarning tahlili shuni ko'rsatadiki, sportning rivojlanishi sport musobaqalarida, xususan, hakamlik ishida yangi muammolarni yuzaga kelishiga sabab bo'lyapti. Hakamlarning professional ta'limining tashkil etilishida, mazmunida, mutaxassislarni sifatli tayyorlashning yangi uslublarida tamomila yangicha vaziyat vujudga keldi. Nazariy va amaliy faoliyatni amalga oshirayotgan mutaxassislar hakamlar tayyorlashdagi o'zgarishlarni amalga oshirilish masalasini ko'tarishyapti. Sport musobaqalaridagi natijalarni qayta

ishlashning mavjud bo'lgan uslubiyati yetarli darajada tezkor bo'lmaganligi va xatolarga yo'l qo'yilishi mumkin bo'lganligi va oxir-oqibat yakuniy natijalarga ta'sir ko'rsatishi tufayli zamo-naviy talablarga javob bera olmayapti.

Yakuniy hukm hakam tomonidan chiqariladigan sportning ba'zi turlarida, masalan, akrobatika, sport o'yinlari va boshqalarda, sportchilar hakamlarining noxolisligi va malakasizligidan juda ko'p aziyat chekadilar. Ba'zi olimlarning fikricha, hakamlar o'tmishdan qolgan befoyda yuk bo'lib qolgan, ularning o'rniga barcha xato va noaniqliklarni nazaridan qochir-maydigan va belgilab bera oladigan kompyuter dasturlarini yaratish kerak. Istalgan professional faoliyatni amalga oshirish uchun inson bir qator shaxsiy-ishchanlik sifatlariga ega bo'lishi kerak. Bu futboldagi hakamlikka ham taalluqlidir. Lekin, hakamlar tayyorgarligi jarayonida tanlov tizimining bu sohadagi qabul qilingan ko'rinishini o'rganib turib, mutaxassislarning aksariyati uning qoniqsiz ishlayotgani haqida fikr yuritishmoqda. O'z mohiyatiga ko'ra tanlov va tayyorgarlik o'yin qoidalarini o'rgatishga yo'naltirilgan seminarlar doirasida amalga oshirilyapti. Bu masalaga bo'lgan aynan shunday yondashuv, turli darajadagi musobaqalarda hakamlar ishinining past baholanishiga asosiy sabab bo'lmoqda. Shu bilan birga, bugungi kunga kelib, shaxsning hakam sifatida profes-sional jihatdan shakllanishi, uning professional yaroqliligining pedagogik-psixologik asoslari juda sayoz ishlab chiqilgan. Jiddiy va muhim masalalar yuzasidan tadqiqotlar olib borilmayapti va ular bo'yicha amaliy natijalarni berish darajasigacha ko'tarilmayapti, ularning amaliyotda tatbiq qilinishi juda sust kechayapti. Buning asosiy sabablari shundaki, aksariyat hollarda tadqiqotlar rasmiy, hakamlik faoliyatining o'ziga xosligi va sportning doimiy ravishda rivojlanishini hisobga olmagan holda bajarilmoqda.

Hozirgi kunda hakamlikdagi faollik, musobaqani boshqarishdagi vakolat doirasining kengligi katta ahamiyatga ega bo'lmoqda. Ular sportchilar faoliyatini, sport musobaqasining muayyan qoidalariga rioya qilishini nazorat qiladilar. Hakamlik institutining rivojlanish jarayonida uning funksiyalari ham shakllanib bordi. Bugungi kunga kelib ana shunday funksiyalardan biri – bu musobaqa g'olibini va boshqa ishtirokchilarning egallagan o'rinlarini aniqlashdir. Shuning uchun sportning ba'zi turlarida nafaqat ko'rsatilgan natijalarni, balki musobaqa jarayonini to'liqligicha baholash zarur bo'ladi. Shuning uchun ham yakuniy hukmni hakamlar chiqaradigan va e'lon qiladigan sport turlarida, masalan, boks, sport va badiiy gimnastika, akrobatika, suvga sakrash, batutda sakrash, figurali uchish va sport o'yinlarining barchasida sportchilar hakamlarning noxolisliklaridan ko'p aziyat chekadilar.

Yu.F. Kuzetsovning (2000) fikricha, sportning aksariyat turlarida hakam-larning ishtirok etishi shart emas. U monitor ekranlarida bokschilarning kurashini kuzatadigan, tahlil qiladigan, berilayotgan zarbalarni hisoblaydigan va ularning yakuniy summasini chiqaradigan yoki figurali uchishda sportchi texnikasidagi barcha ko'z ilg'amas kamchiliklarni hisobga oladigan, keyincha-lik esa musiqa va dastur hamohangligini baholab, yakuniy natijalarni e'lon qilish imkoniyatiga ega kompyuter dasturini ishlab chiqish kerak deb ta'kidlaydi.

V.V. Timoshenkovning (2001) fikricha, sport musobaqalaridagi natijalarga ishlov berishning hozirgi kunda qabul qilingan uslubiyati zarur bo'lgan tezkorlikka ega bo'lmagan va yo'l qo'yiladigan xatolarning mavjudligi sababli zamonaviy sport talablariga javob bera olmaydi. Futboldagi hakamlik evolyutsiyasiga razm soladigan bo'lsak, holda FIFA faoliyatidagi uchta asosiy yo'nalishga e'tiborimizni qaratishimiz zarur bo'ladi: a) aksariyat hollarda bahslarga sabab bo'luvchi vaziyatlardan chetiroqda bo'lishga intilish; b) hakamlikdagi sub'ektivlardan holi bo'lishga intilish; c) futbol o'yining tomoshabinlik darajasi yuqoriroq bo'lishi uchun yo'l qo'yilgan "xato" o'yinning borishiga ta'sir ko'rsatmaydigan vaziyatlarda hakam xushtagi chalinishi iloji boricha kamaytirish.

Bu o'yin qoidalariga kiritilgan bir qator o'zgartirishlar misolida tasdiq-lanyapti. Musobaqa qoidalariga bo'lishi mumkin bo'lgan o'zgarishlar o'yin vaqtini qisqartirishga va bundan ham muhimroq bo'lgan yana bir jihat, ya'ni muayyan belgilangan vaqt oraliqlari bilan cheklantirishga qaratilishi ehtimoldan holi emas. O'zi uchun juda muhim ahamiyatga ega bo'lgan talabni televideniya olg'a suryapti. Holbuki, zamonaviy sportda televideniya bilan hisoblashmas-likning hech ham iloji yo'q. Futbol o'zida eng yaxshi sifatlarini mujassam etgan: oddiylilik, tomoshaboblik, ommaboplik, hissiyotlarga boyligi va eng asosiysi, istalgan odamni, uning yoshi va kasbidan qat'iy nazar, o'ziga qiziqitirish olishligi, bu o'yin millionlab insonlarning sevimli mashg'ulotiga aylanganini izohlab beradi. Futbol, bu jasur, serg'ayrat, qat'iyatli, jismoniy rivojlangan, tezkor reak-siya va topqirlikka ega bo'lgan kishilar o'yini. Oddiy o'yin, ko'ngil ochar mashg'ulot bo'la turib, futbol inson jismoniy barkamol xizmat qiluvchi eng yaxshi vositalardan biri sifatida tan olinadi. Afsuski, rasmiy musobaqalarning ochiq havodagi maydonchalardan zallarga o'tishi futbolning ommaviy ravishda rivojlanishiga ta'siri sezilarli darajada bo'ldi. Lekin buning oqibatida futbol o'zining ommabopligini yo'qotdi deyish to'g'ri emas. Suv havzalarining bo'yida, turar-joy binolarining hovlilarida, istirohat bog'larida futbol turli yoshdagi odamlarning sevimli sport o'yini va sog'lomlashtirishning eng maqbul vositalaridan biri bo'lib kelmoqda.

Futbolning afzalliklari – bu o'yin qoidalarining nisbatan soddaligi va tomoshabopligidadir. Turli taktik kombinatsiyalarning serobligi kurashning hissiyotlarga boyligi, jamoaviylik – futbolning ana shu jihatlari turli yoshdagi, turli kasb odamlarini o'ziga jalb qiladi.

Futbol bilan shug'ullanish – salomatlikni mustahkamlash va jismoniy rivojlanish uchun juda yaxshi vosita hamdir. Futbol bo'yicha mashg'ulotlarni to'g'ri tashkillashtirish suyak-mushak apparatining mustahkam va organizm barcha funksiyalarining mukammal bo'lishiga yordam beradi.

Harakatlanish ko'nikmalarining xilma-xilligi, o'zaro muvofiqlangan va shiddat bilan bajariladigan harakatlarning turli tuzilmalari barcha jismoniy sifatlarining – kuch, tezkorlik, ephillik, chidamlilik va h.k. rivojlanishiga sabab bo'ladi. Sport bellashuvining keskinligi, g'alabaga erishish maqsadida qiyinchiliklarni yengishga bo'lgan intilish, jasurlik, matonat, qat'iyatlilik, fidokorlik, tashabbuskorlik, intizomlilik kabi ijobiy psixologik sifatlarining rivojlanishiga yordam beradi.

O'yin vaqtida umumiy maqsadga yetishish uchun kelishilgan holda harakat qilish zarurati o'yinchini jamoa bilan bir tan, bir jon bo'lishga o'rgatadi, unda do'stlik va hamjihatlik hissini tarbiyalaydi.

O'zining hissiyotlarga boyligi tufayli, futbol nafaqat jismoniy rivojlanish, balki faol dam olish vositasi hamdir. Mazmunan turli harakatlarga boy bo'lgan futbol sportning eng qiziqarli va ommalashgan turi bo'lib, bejiz xalq muhabbatiga sazovor bo'lmagan. Futbolni ommaviy rivojlanishi mahoratning o'sishiga, o'yin texnikasi va taktikasi, shuningdek, musobaqalar qoidalarining takomillashishiga yordam beradi. Futbol, dastlab, ko'ngilochar o'yin hisoblanar edi. Mamlakatimizda, 30-yillarning boshlarida, boshqa sport turlari bilan bir qatorda futbol ham targ'ib qilina boshlandi.

Xalqaro musobaqalarning qoidalariga mos ravishda ichki musobaqalarning ham qoidalari o'zgarib turdi. Futbol va uni tashkil etuvchi bo'limlarning barchasi, ya'ni quyidagilar doim rivojlandi: 1. Qoidalarning o'zgarishi. 2. O'yinchilarning bo'y ko'rsatkichlarining o'zgarishi. 3. Zamonaviy futboldagi o'yinchilarning yoshiga xos fazilatlar. 4. Texnikadagi o'zgarishlar. 5. Taktikaning rivojlanishi. 6. Sportchilar jismoniy tayyorgarligining mukammallashuvi. 7. O'yinchilar psixologik tayyorgarligining mukammallashuvi. 8. Ilmiy ta'minot. 9. Futbolning tijoratlashuvi.

Futbolning ommaviy rivojlanishi va keng ravishda tashviqot qilinishida istirohat va madaniyat bog'larining maydonchalarida o'tkaziladigan musoba-qalarning ahamiyati juda katta bo'ldi.

Futbol o'zining mohiyatiga ko'ra sport o'yinlari doirasiga kiradi. O'yin jarayoni texnika, taktika va strategiya bilan belgilanadi. Bu tarkibiy qismlarsiz futbol bo'yicha musobaqalarda jamoalarning o'zaro kurashi mumkin bo'lmay qoladi. Taktika – uchrashuv davomida vujudga keluvchi masalalarni hal qilishga qaratilgan himoya va hujumda bajariladigan harakatlar tizimidir. Strategiya – jamoani musobaqalarga tayyorlanishini tashkil qilish va musobaqa vaqtida jamoani boshqarish san'ati.

O'yin jarayonida sportchilarga bir qator omillar ta'sir qiladi: to'p raqib jamoasida bo'lishi, to'pning murakkab trayektoriya bo'ylab uchishi, yomon yoritilganlik, o'yinlarning noqulay vaqtda boshlanishi, jamoa ichidagi munosabatlarning keskinligi va h.k. Musobaqalar muxlislar ishtirokida o'tadi va jamoalarga bo'lgan xayrixohlik bir xilda bo'lishi yoki asosan o'z jamoalarini, yoki eng kuchli, yoki eng kuchsiz jamoani qo'llab-quvvatlashlari mumkin, Muxlislarning sportchilarga ko'rsatadigan ta'siri ancha kuchli: ikkala jamoa ham mazmunli va hissiyotlarga to'la o'yin ko'rsatishiga yoki bir jamoa o'yin-chilariga salbiy ta'sir ko'rsatib, boshqa jamoa o'yinchilarini ilhomlantiradi. Yuqori natijalarga qaratilgan futbolning asosiy maqsadi – birinchi navbatda oliy razryadli futbolchilarni va sport zahiralarni tayyorlashdir [4, 5, 6]. Oliy razryadli futbol – terma va klub jamoalarida olib boriladi. O'zbekistonning terma jamoalari (erkak va ayollar) ko'pgina xalqaro musobaqalarda ishtirok etadilar. O'zbekistondagi klublarning jamoalari – oliy ligada qatnashuvchi va O'zbekistan birinchiligi uchun kurashuvchi jamoalardir. Eng kuchli jamoalar Osiyo kuboklari va boshqa xalqaro musobaqalarda ishtirok etadilar. Oliy razryadli futbol yuqori malakali futbolchilarning model ko'rsatkichlarini shakllantiradi. Undan tashqari, ijtimoiy funksiyalarni ham bajaradi. Xalqaro musobaqalarda yuqori o'rinlar uchun kurashayotgan jamoalar xalqimizda o'z vatanidan g'ururlanish hissini uyg'otadi. Yoshlarni futbol bilan shug'ullanishga undaydi, ular orasida tashviqotchi rolini bajaradi. Odamlarning bo'sh vaqtini tashkil etishga va hordiq chiqarishiga ko'maklashadi. Musobaqalar muxlislarda hissiyotlarga boy va intellektual reaksiya uyg'otadi va ko'ngil ochishning ushbu ijtimoiy shaklida idrokliroq ishtirok etishga undaydi. Xalqlar o'rtasidagi do'stlik g'oyalarini keng tarqalishiga yordam beradi, shuningdek, davlat obro'sini ko'taradi. Dunyoda, sport sohasidagi yutuqlar, xalq va mamlakatning madaniy qadriyatlarga bo'lgan munosabati sifatida baholanadi. Sport zahiralarni tayyorlash to'liq ravishda oliy razryadli futbolga yo'naltirilgan. Yoshlar va o'smirlarning jamoalari xalqaro musobaqalarda ishtirok etishadi, BO'SM jamoalari esa hududiy musobaqalarda, O'zbekiston birinchiligida muntazam qatnashadilar va klub jamoalarini to'ldirish uchun asosiy baza hisoblanadilar.

Xulosalar. Musobaqalarda hakamlik qilish – sharaflı va mas'uliyatli majburiyat bo'lib, u ko'ngilli ravishda bajariladi. Futbol bo'yicha musobaqalarning zamonaviy qoidalari xalqaro qoidalar bilan deyarli bir xil, lekin o'yinning dastlabki qoidalaridan ancha farqlanadi. O'yindagi texnik-taktik harakatlarning jadal rivojlanishi bilan birga futbol qoidalari ham o'zgarib bordi, bir qator tuzatishlar kiritildi. O'zgarishlardagi ahamiyat ancha muhim bo'lgan. Hakam musobaqa qoidalarini yaxshi bilishi, amaldagi izohlarni va hakamlikka taalluqli barcha so'nggi o'zgarishlarni, shuningdek, musobaqalar bo'yicha nizomlardan boxabar bo'lishi kerak.

Ba'zi futbolchilar musobaqalarning o'tmishdagi qoidalari bilan tanish bo'la turib, qoidalardagi so'nggi o'zgarishlarni hisobga olmasdan xatoliklarga yo'l qo'yadilar. Qoidalar deganda, eng so'nggi qabul qilingan qoidalar va tegishli izohlarni bilish nazarda tutiladi. Musobaqa qoidalarini faqat hakamlar emas, balki o'yinchi va murabbiylar ham yaxshi o'rgangan bo'lishlari zarur. A.V. Dukalskaya, A.V. Zenoviya (2000) sportning *istalgan* turida hakamlik qilishni san'at deb hisoblashadi.

Musobaqalarni yuqori darajada o'tkazish – har bir hakamning vazifasi. Hakamning vazifasi juda sharaflı va shu bilan birga juda mas'uliyatlidir.

Har bir hakam, birinchi navbatda, tarbiyachi bo'lishi kerak. U o'yinchi-larda jamoadoshlari, raqiblari, musobaqa tashkilotchilari va hakamlarga nisba-tan hurmat hissini shakllanishiga yordam berishi lozim.

Ammo, hakamlarning obro'si buyruq vositasida orttirilmaydi.

Bunday obro'-e'tibor, birinchi navbatda, hakamning a'lo darajada bajargan ishi tufayli qozoniladi. Futbolni juda yaxshi tushunadigan, lekin noxolis, tashqi ko'rinishi ozoda va sarishta bo'lmagan hakamni tasavvur qiling – bunday hakamning obro' qozonishiga ishonish qiyin. Obro' va e'tiborga loyiq hakam doimo hakamlik sifatini oshirishga intilishi, futbol rivojlanishiga ko'mak-lashishi va o'yinchilar mahoratini oshirishiga yordam berishi lozim. Agar, yuqori toifa hakamligiga erishgan hakam o'z ustida ishlamay qo'ysa, hakamlik amaliyotini bajarib turmasa, misqollab erishgan

mavqeini yo'qotib qo'yishi mumkin. Doimiy mashg'ulot va amaliyotlarsiz tajribali hakam ham musobaqalarni juda sifatsiz o'tkazishi ehtimoldan xoli emas.

Futbol bo'yicha hakamlikni istalgan odam amalga oshirishi mumkin, lekin hakam futbol o'yini uzoq davom etishi va taktik vaziyatlarning turlicha bo'lishi tufayli diqqat-e'tibor doimo yuqori darajada bo'lishi, uni sport bellashuvi mobaynida samarali ravishda jamlash, turli chalg'ituvchi omillarga e'tibor qilmaslik qobiliyatiga ega bo'lishi shart.

Hakam musobaqani uzoq va keskin davom etishiga tayyor bo'lishi lozim. Agar, yaxshi tayyorgarlikka ega bo'lmagan sportchini o'yin vaqtida almashtirish mumkin bo'lsa, hakamni almashtirish chegaralangan (bitta zahira hakami). Buning ustiga, aksariyat hollarda o'yinning yakunlovchi pallasida hakamga bo'lgan talab kuchayadi, sababi taym so'ngida ustunlik u yoki bu jamoaga g'alaba keltirishi mumkin bo'lganda hakamlar jismoniy jihatdan juda yaxshi tayyorlangan bo'lishlari kerak.

Malakali hakam musobaqa davomida o'yinni boshqaradi, lekin buni maydondagi o'yin kechishiga xalaqit bermasdan, deyarli sezilmaydigan darajada amalga oshiradi. O'yin jarayoniga faqatgina jiddiy xatolarga yo'l qo'yilganida yoki qoida buzilganida aralashishi zarur.

O'yin vaqtida hakam diqqat-e'tiborli va vazmin bo'lishi, tezkor reaksiya va matonatga ega bo'lishi kerak. Sport bo'yicha barcha hakamlardan talab qilinadigan eng asosiy xususiyat – bu xolislik. Hakam o'yin vaqtida sportchilar tomonidan vaziyatlarning muhokama qilinishiga, bahslashishga mutlaqo yo'l qo'ymasligi zarur. Hakam xotirjam, qat'iy va bir so'zli bo'lishi kerak. U o'z yurish-turishini ham turmushda, ham o'yin maydonlarida doim nazorat qilib turishi zarur. O'yinchilarning sport kiyimlarini toza va sarishta bo'lishini talab qila turib, o'zining tashqi ko'rinishiga ham e'tibor qaratishni unutmasligi lozim. Hakamlar kollegiyasi o'z a'zolarini doim bir namunadagi kiyimlarda bo'lishiga intilishlari zarur.

O.O. Korneyevaning (1999) fikricha, musobaqalar o'tkazilishida ishtirok etayotgan har bir hakam sportchilarning tarkibini hisobga olishi lozim. Ba'zida yosh sportchilarga xotirjam va vazmin ohangda o'yin qoidalaridan zarur bandlarni tushuntirib berish, musobaqalardagi tartib va qoidalarni eslatib o'tish zarar qilmaydi. Musobaqalarda ilk bor ishtirok etayotgan yosh sportchilarning o'zlarini tutishiga nisbatan hakamlarning to'g'ri, mavridli reaksiyasi juda muhim tarbiyaviy ahamiyatga ega. Hakam sportchilarning kiyimlari ozoda va sarishta, maykalarda tartib raqamlari bo'lishiga va h.k.larga e'tibor qaratishi lozim. Musobaqalarni o'tkazayotgan tashkilot hakamlarni alohida belgilar bilan ta'minlashi zarur. Belgilar hakamlar kollegiyasi tomonidan ta'sis etilib, musobaqa vaqtida hakamlarga berilishi lozim. Oddiy qog'ozdan, tayyorlanishi oson, lekin chiroyli belgilar bir musobaqa mobaynida xizmat qiladi va hakamlar uchun o'ziga xos yodgorlik bo'lib qoladilar. Futbol bo'yicha eng taniqli hakamlardan biri, xalqaro toifadagi hakam R.S. Ermatovning (2000) ta'kid-lashicha, hakamning asosiy tayyorgarligi nafaqat nazariy bilimlardan, balki ana shu bilimlarni ishlata bilishdan iborat. Hakamlik tajribasi – bu vaqt mobaynida o'ttiriladigan xislat, lekin bu tajribani turli darajadagi o'yinlarga hakamlik qilmay turilsa, juda tez yo'qotib qo'yish mumkin.

ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 1997 й (33-50).
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 1999 й. (60-74).
3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по коренному совершенствованию организационных основ и принципов развития футбола в Узбекистане” // Народное слово, 1993, 17 января.
4. Акрамов Ж.А. Керимов Ф.А. Инновационные педагогические технологии в управлении системой подготовки спортсменов к Олимпийским играм 2012 года // Фан-спорта, № 3, 2009.
5. Талипджанов А.И. Климов А.А. Основные тенденции развития футбола и реальное состояние футбола в Азии // “Футбол ва кўл тўпи” кафедрасининг 40 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. Т., ЎзДЖТИ, 2007.
6. Талипджанов А.И. Современная система подготовки высококвалифицированных футболистов. Учебное пособие. Т., 2011.
7. Спирин А., Будогосский Б. Практикум инспектора. М., 2002, 290 с.
8. Arnot R., Gaynes S. Tratado de la actividad fisica. Selikione su deporte.- Barselona: Paidotribo, 1992
9. Learmouth J. Soccer fundamentals Basic Techniques and Training for Beginning Players / J. Learmouth. - New York : St.Martin's P

*Tulepov S., M.Abdimuratov. Qaraqalpaq ma'mleketlik universiteti
Futbol bo'yicha hakamlarni tayyorlashning o'ziga xos xususiyatlari*

Rezyume. Xalqaro musobaqalarda yuqori o'rinar uchun kurashib etilayotgan xalqimizda o'zlar vatanidan g'ururlanish hissin uyg'otadi. Yoshlarni futbol bilan shug'ullanishga to'rashilerdi orasida hal etishga rolini bajaradi. Odamlarning bo'sh vaqtini tashkil etishga va ta'tiliga ko'maklashadi. Musobaqalar ishkibozlarda hislarga boy va intellektuallik reaksiya uyg'otadi va rudalargil ochishib bu ijtimoiy tarzida o'zlar hissasini qo'shgan.

Tayanch so'zlar: O'yin jarayoni texnika, taktika va strategiya bilan belgilanadi. Bu tarkibiy qismlarsiz futbol bo'yicha musobaqalarda jamoalarning o'zaro kurashi mumkin.

*Tulepov S., M.Abdimuratov. Qaraqalpaq ma'mleketlik universiteti
Особенности подготовки футбольных судей*

Резюме. Наши люди, борющиеся за высокие места на международных соревнованиях, гордятся своей Родиной. Он играет решающую роль в привлечении молодежи к футболу. Помогает людям организовать свое свободное время и расслабиться. Соревнования вызывают у болельщиков эмоциональную и интеллектуальную реакцию, а открытие руд способствовало формированию этого социального стиля.

Ключевые слова: Игровой процесс определяется техникой, тактикой и стратегией. Без этих компонентов команды не смогут участвовать в футбольных соревнованиях.

Tulepov S., M.Abdimuratov. Qaraqalpaq ma'mleketlik universiteti

Resume. Teams competing for prizes in international competitions make our people proud of their homeland. Encourages young people to play football, acts as a promoter among them. Helps people organize their free time and have fun. The competition elicits an emotional and intellectual response from fans and encourages them to participate more intelligently in this social form of entertainment.

Key words: The gameplay is determined by technique, tactics and strategy. Without these components, teams will not be able to participate in football.

УДК-75.715.

ТАЙЁРГАРЛИК ДАВРИДА СПОРТЧИЛАРНИНГ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Нажимов И., Нажимов П.

Қорақалпоқ давлат университети

Кириш. Мамлакатимизда мураббий спортчилар тайёргарлигини самарали амалга ошириш учун машғулотлар режасини тузишни, микро, мезо, макроциклларни ва тайёргарлик даврларини тузилишини, машғулот воситаси ва услубларини ҳамда машғулот юкламларини тўғри меъёрлашни билиши жуда ҳам зарур ҳисобланади. Спорт машғулоти бу шуғулланувчиларнинг жисмоний, техник-тактик, рухий-иродавий ва маънавий қobiliятларини юқори спорт натижаларига айлантиришга қаратилган педагогик жараёндир. Спорт машғулотининг мақсади шуғулланувчиларнинг зарур ҳаракат сифатларини ривожлантириш, техник-тактик усулларни ва функционал имкониятларни ошириш, соғлиғини мустаҳкамлаш, ахлокий ва иродавий сифатларни тарбиялаш ва мусобақа фаолиятида намоён қилиш, зарур назарий билим ҳамда амалий тажрибани эгаллашдан иборат. Машғулот вазифалари тайёргарлик даври ва босқичлари, спортчининг тайёргарлиги, унинг маҳорат даражаси ҳамда бошқа омилларга қараб кетма-кет, спорт машғулоти тамойилларига асосланиб амалга оширилади. Бу вазифаларни амалга оширишда машғулот жараёнини пухта режалаштириш энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган режаларга ўқув-машғулоти ва мусобақа жараён-ларидаги кўрсаткичлар, кузатув ҳамда илмий-тадқиқот натижалари асосида ўзгартиришлар ёки қўшимча тадбирлар киритилиши мумкин. Шу сабабли машғулот тузилмасини оптималлаштириш ва оптимал режаларни тузиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир [1].

Методология. Машғулот жараёнини режалаштириш бу биринчи навбатда турли тайёргарлик даврлари учун режалар тизимини яратиш ҳисобланади. Бу даврларда ўзаро боғлиқ бўлган мақсад ва вазифалар амалга оширилиши лозим: 1. Тайёргарликнинг мақсади ва асосий мусобақаларда эришиладиган спорт натижаси ва машғулот жараёнининг устувор йўналишлари. 2. Мусобақаларда иштирок этиш ва тайёргарлик кўришга қаратилган вазифаларни амалга ошириш. Асосий ва оралик мусобақаларга тайёрловчи моделлаштирилган машғулотлар ташкил қилиш. 3. Машғулот юкламалари ва ҳажмини, шиддатини тайёргарлик вақтлари бўйича режалаштириш. 4. Тайёргарликнинг даврийлиги. Йиллик тайёргарлик цикли ва тузилиши бўйича вазифаларни режалаштириш. Тайёргарлик даврлари, босқичлари, уларнинг муддати ва мазмуни белгилаш. 5. Тайёргарлик воситалари ва даражаси. Вазифалар ва ҳар бир тайёргарлик тури бўйича машғулотлар йўналишини режалаштириш. 6. Ҳисобот, педагогик ва тиббий назорат. Назорат синовлари, тиббий қўрик ва бошқа барча назорат муддатларини белгилаш.

Машғулотлар кунидан микроцикллар, бир нечта микротцикллар бирлашмаси янги, нисбатан мустақил, тренировка жараёнининг бутун бўлаги бўлган мезоциклни ҳосил қилади. Бир нечта мезоциклларнинг бирлашмаси янада йирик ва нисбатан тугалланган тузилма макроциклни ташкил этади. Машғулотнинг бундай даврларга ажралишига қараб юкламалар меъёри, ҳажми, шиддати, тайёргарлик воситалари ҳамда услублари белгиланади [2]. Спорт машғулотлари жараёнини режалаштириш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин: истиқболли, босқичли, даврий, бир йилга, бир неча йиллар учун; кундалик, машғулот микроцикллар учун; тезкор, бир машғулот учун.

Спортчиларнинг кўп йиллик машғулотларига мўлжалланган режаларни тузишда спорт турининг ривожланиши ҳамда мусобақалар қоидаларидаги ўзгаришларга амал қилиш лозим. Шу билан бирга машғулот воситалари, ҳажми ва шиддати бўйича ўзгаришларни назарда тутиш лозим. Спорт ютуқлари у ёки бу даражадаги кашфиётдир. Яъни спортчи имкониятларидан фойдаланишнинг янги усулларини, машғулотнинг янги методларини кашф этиш демакдир [3]. Режалаштириш ишларининг асосий ҳужжатларидан бири бу – машғулот олиб бориш учун тузиладиган (йиллик, ойлик, ҳафталик) режа ҳисобланади. Режа тузишда қатор талабларга риоя қилиш зарур. Буларга: вазифаларни ва иш шароитларини ҳисобга олиш; аниқлик ва мумкин қадар вариативлик; изчиллик ва истиқболлик киради. Вазифани белгилаб олишда асосий эътиборни шуғулланувчиларни ёши, жинси, жисмоний ривожланиш даражасига, тайёргарликнинг даражасига, ажратилган вақтга олдинда турган мусобақаларни кўлами ва кўзланган вазифаларга, асосий ҳужжатларга ва спорт машғулотларини ташкил қилишнинг бошқа шартларига қаратиш зарур.

Режалар аниқ бўлиши керак. Унда кўзланган ишнинг мазмуни ва ҳажми аниқ кўрсатилган, вақт ва муддат аниқ ҳисобга олинган, шу билан бирга аниқ натижа кўзланган бўлиши керак. Режа тузишда ишнинг шарт-шароитларига ва мусобақаларда қатнашишга тўла аниқлик киритиш лозим. Режаларни тузишда олдинги

режаларни таҳлил қилиш, уларнинг вазифалари, мазмуни, бажарилиш даражаси, йўл қўйилган ҳатоларни ўрганиш, ишнинг кейинги даврларида вазифаларни катта муваффақият билан ҳал қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишни эътиборга олиш лозим [4].

Спорт амалиётида машғулотларни асосан уч даврга бўлиб олиб борилади. Булар, тайёргарлик даври, мусобақавий ва ўтиш даври бўлиб, булар катта бир тциклни (макроциклни) ташкил қилади.

Муҳокама. Йил давомида иккита спорт мавсуми бўлади (қишки ва ёзги). Шунга боғлиқ равишда иккита катта тцикл кўзда тутилади. Катта разрядчилар жамоасида тайёргарликни иккита йиллик тциклга ажратиб режалаштириш мақсадга мувофиқдир, кузги-қишки (таҳминий сентябр-октабр) ва баҳорги-ёзги (таҳминий май-август). Бу иккита катта йиллик цикл бир ёки иккита тайёргарлик давридан, календар мусобақаларга боғлиқ ҳолда иккита мусобақавий давр ва иккита (ёки битта) ўтиш давридан иборат бўлади. Таҳминан биринчи даври кўзланган мақсадга мувофиқ ҳолда тайёргарликни аниқ режалаштиришга имкон берувчи мос босқичларга бўлинади. Давр ва босқичларнинг давомийлиги ва мuddати тайёргарликнинг вазифалари, календар мусобақаларга боғлиқ бўлади. Тайёргарлик даври машғулотнинг ҳар бир янги тцикли бошланиши билан бошланади ва асосий мусобақалар бошланиши билан якунланади. Бунда келгуси муваффақиятларга замин яратилади, шунинг учун ҳам бу давр имкон қадар узоқ давом этиши керак. Бу даврда спорт турини усллари ва ҳаракатлари таҳлил қилинади, спортчиларнинг тайёргарлиги текширилади, янги техник усуллар ва тактик ҳаракатлар эгалланади.

Тайёргарлик даврида олдиндаги бўладиган йилнинг муҳим мусобақаларини эътиборга олиб, асосий эътиборни махсус жисмоний тайёргарликка қаратиш керак. Техник тактик тайёргарликда эса асосий мақсад ўрганилган усул ва ҳаракатларни такомиллаштиришдан иборат бўлади. Иродавий тайёргарликда эса спортчиларнинг ўз ҳаракатларига бўлган ишончини тарбиялаш муҳим ўрин тутди. Индивидуал ва мусобақавий тайёргарликга вақт аста-секин оширила боради. Машғулотларда машқларнинг ҳажмини камайтириб жадаллигини ошириш мумкин. Шундай қилиб тайёргарлик даврида йилнинг асосий мусобақаси билан тугалланади.

Тайёргарлик даври уч босқичга бўлинади. Биринчи босқич, умумий ёки базавий тайёргарлик ҳисобланади. Унинг асосий мақсади спорт формасига эга бўлиш учун замин яратишдан иборат. Бу вазифани ҳал қилиш учун тайёргарликнинг барча бўлимлари муҳим аҳамиятга эга (жисмоний, техник, тактик мусобақавий, руҳий ва назарий тайёргарлик). Аммо уларнинг ҳажми бир хил бўлмайди.

Жисмоний тайёргарликнинг устунлиги, тайёргарликнинг биринчи босқичида унга умумий вақтнинг 40% ажратилади. Жисмоний тайёргарлик организмнинг функционал имкониятларини ошишини таъминлаш ва спортчиларнинг ҳаракат кўникма ва малакалари диапазонини кенгайтириш, шу билан бирга махсус жисмоний тайёргарликни кўникма ва малакаларини шакллантириш, махсус жисмоний тайёргарлик воситаларини яратишдан иборат. Бунинг учун енгил ва оғир атлетика воситалари, акробатика ва бошқа спорт ўйинларидан фойдаланилади. Машқларни танлаганда спортчи учун зарур бўлган махсус кучини ошириши ва мусобақада бажариладиган ҳаракатларга мос машқлар танланади.

Бу босқичда техник тайёргарлик ҳам асосий ўрин тутди. Унга умумий вақтнинг 40% ажратилади. Спортчилар техник усулларни ўрганадилар, ўз камчиликлари (ҳатоларини) тўғирлайдилар. Кейин эса техник усуллар такомиллаштирилади.

Тактик тайёргарлик ва ўйин тайёргарлиги босқичда умумий вақтнинг таҳминан 20% ажратилади. Унинг умумий йўналиши – спорт тури малакаларини, жумладан якка тартибдаги ёки гуруҳ бўлиб бажариладиган тактик ҳаракатларининг кўникма ва малакаларини эгаллаш ва такомиллаштиришдан иборат бўлади.

Барча босқичларда тайёргарлик турлари билан бир қаторда асосий эътиборни руҳий тайёргарликка қаратилади. Бунда биринчи навбатда ўйинчиларда спортда меҳнатсеварликни тарбиялаш, спортда муваффақиятларга эришишни таъминловчи иродавий имкониятларни янада оширишга эришиш лозим.

Назарий тайёргарлик, тайёргарликнинг барча босқичларида олиб борилиши лозим. Шу билан бирга ўйинчилар биринчи навбатда спорт фаолиятининг асосини ташкил қилувчи билимларни эгаллайдилар ва чуқурлаштирадилар. Ўтган мусобақаларнинг якуни таҳлил ва муҳокама қилинади. Спортчилар келгуси йил иш режаси, мусобақалар календари билан танишадилар, кундалик юритиш методикаси, индивидуал режа ва назорат топшириқларини (ва бошқалар) ўрганадилар.

Ўтилган машғулотлар бўйича назорат синовлари ва тестлар ўтказилади. Бу босқичда ўтказиладиган машғулотларнинг асосий шакли жисмоний ва техник тайёргарлик бўйича махсус ва комплекс машғулотлардир. Бунда машғулот юкламаларининг умумий ҳажми кам жадаллик билан аста-секин оша боради.

Иккинчи босқич махсус тайёргарлик бўлиб, бу босқичдаги асосий вазифа юкламаларни ошириб боришга қаратилади. Спортчи учун зарур бўлган махсус сифатлар ва малакаларни ривожлантиришдан иборат. Бу вазифа тайёргарликнинг барча бўлимлари учун бир хил бўлиб, ажратилган вақт турлича бўлади.

Жисмоний тайёргарлик умумий вақтнинг 20% ни ташкил қилади. У умумий тайёргарликнинг кейинги ривожланиши ва ҳар томонлама ўсиши билан боғлиқ бўлиб махсус тайёргарликнинг ўсиши билан узвий боғлиқдир. Бунда иш қобилиятини тез ва тўла тиклашга ёрдам берувчи қўшимча воситалардан, шу жумладан, кросс ва спорт ўйинларининг айрим турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Махсус жисмоний тайёргарликка ажратилган вақт ошади. Техник тайёргарликка умумий вақтнинг 30% ажратилади. Бунда асосий эътибор турли шароитларда ўйин вазиятларига яқин ҳолатларда, спортчининг бажарадиган вазифасини ҳисобга олиб тўп билан ўйнаш техникасини эгаллаш ва такомиллаштиришга қаратилади.

Бу босқичда тактик тайёргарлик ва мусобақавий тайёргарликка умумий вақтнинг 50% ажратилади. Бунда асосан спортчиларнинг мусобақада бажариши лозим бўлган вазифаларидан келиб чиқиб индивидуал ҳаракатларни эгаллаш ва ривожлантиришга эришиш зарур.

Машғулотнинг мусобақавий ва ораликлар услубига ажратилган вақт кўпроқ бўлади. Юкламаларнинг умумий ҳажми барқарорлашади ва машқларнинг бажарилиши жадаллашиши давом этади. Учинчи босқич мусобақадан олдинги босқич бўлиб, бу босқичнинг асосий вазифаси спорт формасини шалланишини якунига етказиш ва спортчиларнинг махсус мусобақавий фаолиятни ўзлаштиришга эришишдан иборат. Тайёргарликнинг ҳар бир бўлимларида ажратилган вақт турлича бўлади.

Бунда махсус жисмоний тайёргаликка умумий вақтнинг 10% ажаратилиб, у асосан умумий машқланаганликни сақлаб туриш ва махсус машқланганлик ва иш қобилиятини ўстиришга эришиш билан узвий боғлиқдир. Бунда асосий эътиборни иш қобилиятини тез ва тўлиқ тиклаб олишга ёрдам берувчи воситаларга қаратиш лозим.

Техник тайёргарлик умумий вақтнинг 30% ини ташкил қилади. Техник усуллар эса янада мураккаброк шароитларда бажарилади. Тактика ва мусобақавий тайёргарликка умумий вақтнинг 60% ажратилади. Бунда асосий эътибор ўйин тайёргарлиги ва мусобақавий тайёргарликни ривожлантиришга қаратилади.

Рухий тайёргарликда асосий эътиборни мусобақаларга бевосита рухий тайёрлашга, ғалабага бўлган ишонч ҳиссини ошириб, жисмоний ва рухий кучни энг юқори даражасига эришиш лозим.

Учинчи босқичда жисмоний ва техник тайёргарлик бўйича назорат синовларга, назорат мусобақалари ўтказилиши мумкин. Унда спортчи-ларнинг техник-тактик маҳорати назоратдан ўтказилади.

Мусобақавий давр асосий календар мусобақаларнинг биринчисидан охиригисигача чўзилади. Бу тайёргарлик давридан фарқ қилиб мусобақавий давр ягона ички структурага эга бўлмайди. Мусобақавий давр шу даврда ўтказиладиган мусобақалар сони ва календар мусобақаларнинг тузилиши принципларига боғлиқ.

Бу давр айниқса ўзига хос қуйидаги уч вариантга бўлинади. Биринчи вариант – бунда мусобақавий давр бир хил бўлиб, барча ҳафталар бир бирига ўхшаш бўлади. Бу тузилишдаги даврга шу нарса хоски, битта мусобақани ўтказиб, ораликлар билан. Навбат билан календар ўйинларни ўтказиш мумкин.

Иккинчи вариант – бунда мусобақавий давр бир хил бўлмайди, унинг ўзи мусобақавий босқичлардан иборат бўлиб, улар ораликлари бир неча ҳафталарга бўлинади. Бундай календар режа бир неча турлар тамойили асосида тузилиб бир неча мусобақа ўтказилади ва улар оралиги бир неча ҳафтадан иборат бўлади.

Учинчи вариант – бунда мусобақавий даврнинг тузилиши биринчи ва иккинчи вариантларнинг алоқадорлигидан иборат. Бу даврда бир неча мусобақаларни ўтказишдан фойдаланилади, масалан бир мусобақа учрашув тариқасида ўтказилади. Оралик интервал билан навбат билан календар мусобақа билан алмаштирилади, иккинчи мусобақа тур шаклида ўтказилади.

Хулоса. Мусобақавий даврнинг асосий вазифаси – энг юқори барқарор натижага эришишдир. Буни амалга ошириш учун эса фақатгина спорт формасини ушлаб туриш эмас, балки танланган спорт формаси доирасида спортчиларнинг тайёргарлигини такомиллаштириш зарур. Жисмоний тайёргарлик юқори даражадаги машқланганликка эришиш ва уни шу даражада ушлаб туришга қаратилган техник, тактик тайёргарлигига ажратилган вақт барча даврда мусобақа олди босқичи даражасида сақланиб туради.

Ўтиш даври мусобақа даврдаги мусобақалар тугашидан иккинчи микроциклдаги машғулотлар ёки янги йиллик цикл бошлаш кунгача чўзилади. Унда спортчилар жисмоний ривожланиш даражасини сақлаб қолган ҳолда дам олишни ҳам амалга оширадилар. Йилнинг янги цикли бошланиши учун замин тайёрланади. Шу мақсадда фаол дам олиш учун ўйин методидан фойдаланиш мумкин. Ўтиш даврида машғулотлар сони камаяди, юкламаларнинг умумий ҳажми, айниқса жадаллиги камаяди.

АДАБИЁТЛАР

1. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. – Киев, “Олимпийская литература” 1999.
2. Керимов Ф.А., Спорт кураши назарияси ва усулияти. Дарслик. ЎзДЖТИ, 2005, - 342 б.
3. Платонов В.Н. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Учебник. Киев.: Олимпийская литература. 1997, - 566 с.
4. Машарипов Ф.Т. Волейбол машғулотларини олиб бориш ва бошқаришнинг педагогик асослари. Ўқув-услубий қўлланма. Урганч.: 2012, - 72 б.

Тайёргарлик даврида спортчиларнинг машғулот жараёнини режалаштириш
Нажимов И., Нажимов П. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада спортчиларнинг йиллик тайёргарлик даврида машғулотларининг режалаштириш ва унинг мазмун моҳияти ёритиб берилган. Машғулот жараёнини режалаштириш бу биринчи навбатда турли тайёргарлик давлари учун режалар тизimini яратиш ҳисобланади. Бу давларда ўзаро боғлиқ бўлган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш лозим.

Таянч сўзлар. спорт машғулотлари, тайёргарлик босқичлари, тайёргарлик турлари, машғулот жараёни.

Планирование тренировочного процесса спортсменов в подготовительные периоды
Нажимов И., Нажимов П. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В данной статье освещены содержание и значение планирования тренировок спортсменов в течение годичного цикла. Планирование тренировочного процесса это прежде всего создание системы планов на различные подготовительные периоды. В эти периоды необходимо реализовывать взаимосвязанные цели и задачи.

Ключевые слова. спортивные тренировки, подготовительные периоды, подготовительный период, виды подготовки, тренировочный процесс.

Planning the training process of athletes in preparatory period
Najimov. I.I., Najimov.P.I. Karakalpak State University

Summary. This article deals with the annual training period of the sportsmen and planning their practical trainings. The planning of the training process is, first of all, the creation of a system of plans for various preparatory periods. During these periods, it is necessary to realize interrelated goals and objectives.

Key words: sport activities, training periods, competition period, activity period, level of training, types of training, process of training.

ГАНДБОЛШЫЛАРДЫ ТАЯРЛАҰ СИСТЕМАСЫНДА ФИЗИКАЛЫҚ ТАЯРЛЫҚТЫҢ ӘХМИЙЕТИ

Кураббаев А.К.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Хұрметли Президентимиз Шавкат Мирзиёевтың хәр бир шығып сөйлеген сөзлеринде жасларымызды саламат хәм де бәркәмал етип тәрбиялаў, буған байланыслы шараытлар жаратыў мәселесине айрықша итибар қаратылып келинбекте. Себеби, ертеңги күнги, келешек қандай болыўы, бүгинги өсип киятырған перзентлеримиз тәрбиясына байланыслы.

Буның айқын мысалы, Өзбекстан Республикасының 2015 жыл 4-сентябрде тастыйықланған жаңа редакциядағы “Дене тәрбия хәм спорт ҳақында” ғы ЎРҚ-394-сан Нызамы [1]. Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2020 жыл 24 январдағы “Өзбекстан Республикасында Дене тәрбия хәм спортты жәнеде жетилистириў хәм ғалабалығын асырыў ис-иләжлары ҳақында” ғы ПП-5924 санлы Пәрманын атап өтсек болады [2]. Түрли дәрежедеги спортшыларды таярлаў системасын жетилистириў ҳәзирги ўақытта актуал мәселе болып қалмақта.

Көплеген белгили илимпазлар тәрәпинен спорт тренировкасының теориялық хәм методикалық тийкарлары жаратылып берилгени менен, бул бағдарда конкрет спорт түрлери бойынша елге шекем системалық түрде раўажланыўды, жаңа билимлер менен байытыўды, қала берсе спортшылардың шеберлик дәрежесин, соның менен бирге техникалық-тактикалық, физикалық хәм психикалық таярлықларын жетилистириў талап етилетуғынлығы мәлим.

Заманағөй спортшылардың жоқары дәрежедеги жетискенликлерин жәнеде асырыў, оларды таярлаўдың пүткил системасын түптен жақсылаўды талап етеди[5]. Спорт тренировкалары мазмунында физикалық, техникалық, тактикалық хәм психологиялық таярлықты парықлаў әдеттегидей жағдай болсада, спорт нәтийжелери олардың көзге тасланатуғын бирлиги менен тәмийинленеди, әсиресе бәсекиге шыдамлы искерлигиниң хәр бир жағдайында бул спортшының таярлығы бир-бири менен тығыз байланыслы.

Ең ири жарыс қатнасыўшыларының спорт жетискенликлериниң тығызлығы асқаны менен байланыслы жарыслардың оғада жоқары кескинлиги физикалық таярлықтың сапасы хәм турақлылығына болған талапты жүдә үлкен дәрежеде асырды. Спортты раўажландырыўдың бул басқышында физикалық таярлық оның нәтийжелелигин жәнеде асырыў жүдә қыйын ўазыйпа болып қалабереди. Спортшылардың физикалық таярлығының жетекши әҳимийети жоқары функционал потенциалға мүтәж болған физикалық шынығыўлар процесинде пайдаланыў менен байланыслы.

Физикалық таярлықтың орайлық бөлими, соның менен бирге, спортшылардың таярлығының басқа тәрәплери (техникалық-тактикалық, психологиялық) бир ўақыттың өзинде хәм физикалық таярлықтың мазмунын белгилейтуғын қурал сапасы, физикалық раўажланыў хәм денениң функционал потенциалының раўажланыў дәрежесине қарай әмелге асырылыўы менен белгиленеди. Спортшы таярлығының барлық тәрәплери арасында мүнәсибетти есапқа алған ҳалда, техникалық таярлықтың тийкарын қурайтуғын хәр қыйлы ҳәрекет көнликпелерин табыслы раўажландырыў физикалық таярлық дәрежесине байланыслы деп айтыў мүмкин.

Хәр тәрәплеме физикалық таярлықты нәтийжели әмелге асырыў хәм тактикалық ўазыйпалары ушын әмелий тийкар жаратады. Булардың барлығы айрықша жағдайдағы спортта соның менен бирге гандболдада жүдә зәрүрли болып табылады: Хәрекетли көнликпелердиң кең шеңбери ойыншылардың ҳүжим хәм қорғаныў хәрекетлеринде зәрүр болған жаңа қурал ўазыйпасын шешиўге мүмкиншилик береді.

Физикалық таярлық улыўма жұмыс искерлигин белгилейди. Физикалық таярлықтың жоқары дәрежесин менен спортшы үлкен муғдардағы жұмысты орыналаў қәбилетине ийе болыўы менен бирге күшли физикалық жүклемеден соң нәтийжелилик хәм тиклениў тезлигин сондай-ақ, олар арасындағы интервалларды асырады [5].

13. Левитов Н. Д. Психическое состояние агрессии // Вопр. психологии. 1972.
14. Ламнек С. «Теории девиантного поведения» Мюнхен, 1993.
15. Гоффман И. «Стигматизация-это процесс, когда реакция других портит нормальную личность» 1979

Insan hám jámyettegi agressiyani úyreniwdiń social-filosofiyalıq tiykarları.

Alimbaeva L. A. Qaraqalpaq Mámleketlik Universiteti

Rezyume. Bul jazılǵan maqalada adamzat sonıń menen bir qatarda jámiyettiń rawajlanıwında kelip shıǵatuǵın agrissivlik qásiyetlerdiń úyreniliwiniń áhmiyeti, agressivliktiń jámiyet turmısı ushın tásiiri haqqında máseleleri keńnen súwretlengen. Insan hám jámiyet qatnasıqlarında júzege keliwshi ha'r tu'rli agressiya kórinisleri boyınsha ilimpazlardıń kóz-qarasları social- filosofiyalıq tárepten analizlengen.

Tayamış sózler: jámiyet, insan, agressiya, mádeniy jantasıw, ruwxıylıq, adaptatsiya protsessi, civilizaciya, psixologiya, globallasıw processleri, pedagogika.

Социально-философские основы изучения агрессии в человеке и обществе

Алимбаева Л.А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В данной статье широко выражается важность изучения особенностей агрессии, возникающих в развитии человеческого общества, а также человечества, влияние агрессии на жизнь общества. Взгляды ученых на различные проявления агрессии в человеческих и социальных отношениях анализируются с социально-философской точки зрения.

Ключевые слова: общество, человечество, агрессия, культурное возрождение, духовность, процесс адаптации, цивилизация, психология, процессы глобализации, педагогика.

Socio-philosophical foundations for the study of aggression in humans and society

Alimbaeva L.A. Karakalpak state university

Resume: This article broadly expresses the importance of studying the features of aggression that arise in the development of human society, as well as humanity, the impact of aggression on the life of society. The views of scientists on various manifestations of aggression in human and social relations are analyzed from a socio-philosophical point of view.

Key words: society, humanity, aggression, cultural revival, spirituality, adaptation process, civilization, psychology, globalization processes, pedagogy.

БОЛАНИ АЛМАШТИРИБ ҚҰЙЫШ ВА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ СИРИНИ ОШКОР ҚИЛИШ

Нажимов М.Ш

Қорақалпақ давлат университети

Жиноят кодексининг 124-моддасида тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Худди шунингдек, ЖК 125-моддада эса қонун чиқарувчи оилага ва ёшларга қарши қаратилган бошқа бир жиноят - фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилганлик учун жавобгарликни назарда тутган. Мазкур жиноят таркиблари объекти масаласида олдинги зикр этилган жиноятларга ўхшаш бўлганлиги сабабли, мазкур жиноят таркибларининг субъектив белгиларини қўриб чиқамиз.

Маълумки, жиноят таркибида субъектив томон муаммоси муҳим жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Ушбу тушунчанинг мазмунини аниқлаш бир қатор назарий ва амалий саволларга (жиноят таркиби тузилиши, унинг субъектив томони ҳажми ва мазмуни) тўғри жавоб беришга имкон беради. Жиноят моҳияти, унинг ижтимоий хавфи кўп жиҳатдан жиноят содир этишга бўлган субъектив мотивация, интилиш, истак, майл билан белгиланади. Жиноят таркибининг бошқа элементларидан фарқли ўлароқ, жиноят ҳуқуқи нормалари деярли ҳар доим жиноят таркибининг субъектив томонига ишора беради. Қонун чиқарувчи, қоид тарикасида, ушбу элементнинг аломатларини айбдор шахснинг мотивацияси, ҳис-туйғулари ва ҳ.к. орқали ифодалайди.

Жиноятларнинг субъектив томони жиноят қонунида белгиланган, ижтимоий хавфли тажовузнинг ички (руҳий) томонини тавсифловчи белгилар мажмуида намоён бўлади, улар айбнинг аниқшаклида, мотивда, тажовузнинг мақсади ва жиноят субъектининг эмоционал ҳолатидан иборат.

Қасддан содир қилинган жиноятларни квалификация қилиш учун нафақат айбнинг шакли, балки ниятнинг йўналиши ҳам муҳим аҳамиятга эга, бунда муайян ижтимоий хавфли оқибатларга конкрет усуллар орқали эришиш учун субъектнинг маълум майл-истаклар, мотивлар билан тақозо этилган иродавий ҳаракатларини йўналиштириш тушунилади керак.

Айтиш лозимки, мотив дефиницияси жиноят қонунида берилмаган. Ваҳоланки, алоҳида жиноят таркибларини тузишда қонун чиқарувчи турли тушунчаларни мотив ишораси сифатида қўллайди. Шу билан бирга, қарийб барча қўлланадиган мотивацияни белгилловчи тушунчалар тўғридан-тўғри ва қонунни қўлловчи учун мотивни англаб етиш, идрок этиш, талқин этишда муаммо туғдирмайди (тамагирлик, иркий ёки миллий душманлик ёхуд адоват, диний таассублар ва ҳ.к.). Айни чоғда жиноят мотивини тушуниш, конкрет жиноят таркиби мотиви ўрнида қўлланадиган тушунчага қонун чиқарувчи қандай мазмун сингдираётганига боғлиқ [1].

Тадқиқотчи У.Закирова барча мотив ва мақсадларни жамлаган ҳолда уларни 1) ғаразли; 2) ғаразли бўлмаган; икки гуруҳга ажратишади [2]. Бироқ, назаримизда, мотив ва мақсадларни бу каби фақат икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Боиси У.Закирова ғаразли мотив ва мақсадларга қонун чиқарувчи томонидан аниқ-равшан кўрсатилган мотив ва мақсадларни киритади (тамагирлик йўли билан; ғаразғўйлик ниятларида; ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб; безорилик мотиви; миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирида; ўч олиш мотиви мол- мулкни талон-торож қилиш ва бошқалар).

Бугунги кунда “паст ниятлар” тушунчаси ЖКнинг айрим жиноят таркибларида мавжуд. “Паст ниятлар” атамаси жиноят қонунчилигида анча кенг қўлланилади, у масалан, ЖК 124, 125, 131, 133, 137, 139, 141², 227, 230¹-моддалар таркиби конструктив тузилишига субъектив томоннинг белгиси сифатида қўшилган. Кўп ҳолларда у ғаразли ниятлар билан бирга келади (бунда ғаразли ва бошқа паст ниятлар деб қайд этилади). Демак, ғаразли ният шак-шубҳасиз, паст ниятлардан бири ҳисобланади, лекин, қонун чиқарувчи наздида, бошқа паст ниятлар ҳам мавжуд. Бинобарин, паст бўлмаган мотивлар ҳам кўзда тутилган.

Афсуски, мазкур илмий-назарий ва амалиёт муаммоси, унга юридик адабиётда деярли эътибор қаратилмагани сабабли, янада чуқурлашади. Ҳанузгача жиноят ҳуқуқи доктринасида шахснинг паст ниятлари тўғрисида барқарор илмий қарашлар ишлаб чиқилмаган, қайси мезонларга кўра ва нима учун у ёки бу мотивни паст деб топиш лозимлиги мавҳум. Бугунги жиноят қонунчилигида ҳам мазкур тушунча мазмунини конкрет нормада очмасдан фойдаланилади, олимлар ва мутахассислар томонидан паст мотивлар рўйхати, анча ўзбилармонлик билан, субъектив равишда тузилади.

Юридик адабиётларда пастлик (шухратпарастлик, тубанлик, разиллик, кўрқоклик, бурчни нотўғри тушуниш ва бошқ.) жуда кенг тушунилади [3, 243]. А.Отажонов эса жиноят субъектив томони мотивининг “паст ният” тушунчаси жиноят таркибининг ўзига хос мазмунидан келиб чиқади ҳамда у жиноят таркибининг зурурий белгисига киритилган бўлса, фақат айбдорнинг қасди паст ниятларда содир этилган тақдирдагина келиб чиқиши тўғрисида мулоҳаза билдиради. Хусусан, болани алмаштириб қўйиш (ЖК 124-м.) ёки фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (ЖК 125-м. 2-қ. “б” банди) жиноятларида бошқа паст ниятлар деганда, айбдорнинг бола қариндошларидан, боладан ёки фарзандликка олган шахслардан ўч олиш, уларни кўролмаслик, зарар етказишни хошлаш каби ахлоқсизлигидан далолат берувчи ҳулқ-атвори тушунилади [4, 151].

Бундан ташқари, С.И.Никулин фикрига кўра, “паст ниятлар - бу шундай мотивларки, улар одоб-ахлоқ қоидаларини қўпол равишда бузади (масалан, ўч олиш, миллий ва ирқчилик замирида) [5, 301]”. Худди шунга ўхшаш позицияга тадқиқотчи А.И. Чучаев ҳам эгаллайди. Унинг назарида, бошқа паст ниятлар остида ўч олиш, рашк, соғлом болани касалга алмаштириб қўйиш [6, 348]. Бу ерда, сўз одоб-ахлоқ, жамият қадриятларига зид бўлган мотивлар ҳақида боради.

Айрим олимлар, масалан А.Н.Игнатов, конкрет мотивларни паст деб тан олиш масаласини судваколатига киритади. Унинг фикрига кўра, паст ниятлар сифатида тамагирлик, ўч олиш, рашк, ҳасад ва бошқа суд паст деб топган мотивлар бўлиши мумкин [7]. Бу фикрни қўллаб-қувватлаш қийин, боиси, жиноят таркиби конструктив элементини талқин қилиш, шарҳлашни судьянинг субъектив ихтиёрига топшириш амалиётда ўзбошимчалик ва судга ишончсизликни келтириб чиқариши аниқ.

Ўз навбатида тадқиқотчи Е.Гиль паст ниятларга, жиноят қонунида жиний жавобгарлик асоси бўлган, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи, конкрет жиноят таркибларини квалификация қилишда конструктив аломат сифатида қуйидагиларни қўшади. Унга, мисол учун тамагирлик, безорилик, ўч олиш, миллий, ирқий ёки диний адоват замиридаги мотивлар маъқул кўринади. Унинг наздида жиноят қонунида жавобгарликни белгилаш, уни кучайтириш билан боғлиқ бўлмаган барча мотив ва мақсадлар, паст мазмунга эга бўлмаган мотивация ҳисобланади.

Биз бу фикрга ҳам қўшила олмаймиз, сабаби, Е.Гиль асоссиз равишда барча жиноят-ҳуқуқий мотивларни паст мотив туркумига киритиб юбормокда. Бу эса, назаримизда жиноят қонунини қонунчилик йўлида эмас, балки фалсафа, одоб-ахлоқ ва маданият каби конкрет бўлмаган, баҳоловчи ва мавҳум категорияларга эга соҳаларга тортиб кетмокда.

Паст ният остида қонун чиқарувчи томонидан конкрет мақсад ва мотивация кўрсатилмасдан, қонун қўлловчининг субъектив ихтиёрига топшириб қўйиши, амалиётда анча мураккабликлар ва турли хил қонунни қўллаш амалиётини шаклланишига олиб келиши мумкин. Фикримизча, юридик матнда қўлланиладиган ҳар бир атама бир маъноли, синонимия ҳодисасидан холи, расмий сўзлардан иборат бўлиши лозим. Келинг, юқоридаги муаммоларни масалаларни конкрет жиноят таркиблари мисолида кўриб чиқамиз.

Жиноят кодексининг 124-моддасида **болани алмаштириб қўйиш** учун жавобгарлик белгиланган. Болани алмаштириб қўйишнинг субъектив томони айб билан тавсифланади, башарти унинг шакли Жиноят кодексининг нормасида белгиланмаган бўлсада, моддани талқин қилишда аниқ белгиланади. Тамагирлик ёки **бошқа паст** ниятларга ишора қилиш жиноятда айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжудлигини истисно қилади.

Алмаштириб қўйиш фақат қасддан амалга оширилиши мумкин, қолаверса жиноят таркиби формал шаклда тузилганлиги сабабли, қасдни тўғри ёки эгри шаклга ажратиш имкони йўқ. Оқибатлар жиноят таркибининг объектив томони доирасига киритилмаганлиги сабабли, уларга нисбатан руҳий муносабатни қасд таркибига киритиш учун ҳеч қандай асос мавжуд эмас. Демак, болани алмаштириб қўйишдаги қасд формал таркиблар учун хос бўлиб, шахснинг бир болани бошқасига алмаштириб қўйишнинг ижтимоий хавфлилигини англашидан иборат.

Қонун жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида мотив - **тамагирлик ёки бошқа паст ниятни** кўрсатади. Тамагирлик жиноят содир этишдан сўнг моддий манфаат кўриш ёки моддий харажатлардан халос бўлиш истагида, бунда, моддий фойдани олиш бирдан ёки келгусида, масалан, шантаж натижасида, кўзланиши мумкин.

М.Х.Рустамбаев фикрича, болани алмаштириб қўйишда паст ниятлар сифатида ўч олиш, ҳасад бўлиши мумкин [8, 218]. Бизнингча, болани алмаштириб қўйишда паст ниятлар нафақат ўч олиш, ҳасад, балки жисмонан ногирон туғилган фарзанди ўрнига соғлом фарзандли бўлиш истаги ва бошқаларда намоён бўлади. Улар, шунингдек, камситиш, болани жинси ёки ташқи киёфасига қараб, болани алмаштириш истагида ифодаланиши мумкин. Болани маълум тиббий тажрибаларни ўтказиш, унинг органлари ёки тўқималарини трансплантация қилиш учун фойдаланиш, жинсий ёки турли ноқонуний диний маросимларда фойдаланиш истагини ҳам паст ниятларга киритиш мумкин (албатта, бунда тегишли ЖК моддалари билан жиноятлар жами вужудга келади).

Тадқиқотчи У.Закирова тўғри қайд этганидек, паст ниятлар юридик атама ҳисобланмайди, маъно ва мазмун жиҳатдан паст ниятлар номоддий кўринишга эга [9]. Масалан, паст ниятларда фарзандликка олиш сирини ошкор этишда, фарзандликка олиш сирини ошкор этган шахс, фарзандга масалан, “Сенинг отанг ўлган, бу ўғай отанг” дейиши фарзандга руҳий азоб бериши, ўзини камситилгандек ҳис этиши, шарманда бўлиши кабиларни юзага келтириши мумкин. Буэса айбдорга номоддий (кўнгли тинчиши, қилган ишидан қониқиши, хурсанд бўлиши ва ҳ.к.) кўринишидаги манфаатларга эришишига туртки бўлиши мумкин.

Кўриб турибдики, паст ниятлар категориясига аксил ижтимоийлик даражаси турфа бўлган ниятларнинг жуда кенг доираси қиради. Аммо ЖК ушбу субъектив омилнинг мазмунига қараб жавобгарликни алоҳида индивидуаллаштиришга имкон бермайди, бизнингча бу Жиноят кодексидаги камчилик ҳисобланиши мумкин. Ҳозирги вақтда алмаштириб қўйиш ниятлари ўртасидаги фарқлар фақат жазони тайинлашда ўз аксини топиши мумкин, зотан мотивация жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига таъсир қилади.

Ота-оналар ўзаро ихтиёрий равишда фарзандларини алмаштиришга рози бўлиши, масалан, бошқа жинсдаги фарзандга эга бўлишни хоҳлашида намоён бўлган хатти-ҳаракатлар, моҳиятан ахлоқсиз, аммо ноқонуний тусга эга эмас. Шу билан бирга, амалиётда бундай ҳаракатлар “вояга етмаган шахсларни олди-сотдиси” деб баҳоланиши ҳам мумкин. Аммо, бизнинг фикримизча, бундай ҳаракатларни вояга етмаганларни одди-сотдиси билан боғлиқ битимларга киритиш мақсадга мувофиқ эмас, боиси ўз фарзандини эвазига бошқа болани олишни ушбу ҳаракатлар натижасида бирон моддий фойда ёки наф олишга тенглаштириб бўлмайди.

Оила институтига қарши навбатдаги жиноят – бу Жиноят кодексининг 125-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш.

Кўриб чиқиладиган қилмишнинг субъектив томони фақат тўғри қасд шаклида намоён бўлиши мумкин. Шахс фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилаётгани англаб туради ва бу ҳаракатларни амалга оширишни истади.

Таҳлил қилинадиган жиноятнинг 2-қисми “б” бандининг субъектив томони зарурий белгиси – бу ғаразғўйлик ёки **бошқа паст** ниятларнинг мавжудлиги. Ғаразғўйлик ниятига маълум мулккий фойда олиш истаги билан боғлиқ мотивлар қиради. Бошқа паст мотивлар ҳасад, ўч олиш ва бошқаларда ифодаланиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, қонун чиқарувчи ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларни фақат бошқа шахслар учун белгилаган, чунки қасб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан сирни ошкор этиши ўз-ўзидан катта ижтимоий хавфга эга.

Бошқа паст ниятларга Жиноят кодексининг 125-моддасига ҳам маълум бўлган мотивлар бўлиши мумкин (масалан, ўч олиш, кўролмаслик, душманлик). Масалан, суд-тергов амалиётига 11 ёшли неварасига яқинда ўғли билан ажрашган келинидан ўч олиш ниятида унинг асраб олингани ҳақидаги бор “ҳақиқатни” айтган бувининг иши маълум. Болаасраб олингани ҳақида бувиси унинг синфдошларига айтиб берган.

Мазкур жиноятлар мотивларини таҳлил қилишда уларнинг пастлиги моҳиятини белгилаш айниқса муаммоли бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари “ўзбошимчалиги” учун имкониятларни сезиларли даражада кенгайтиради. Ушбу масалада тадқиқот олиб борган олимларнинг таъкидлашича, жиноят қонунида паст мотиви таърифи ва мазмуни кўрсатилмагани, жиноят-ҳуқуқий нормани қўллашда хатолар ва ноаниқ ҳолатларни келтириб чиқаради, охир-оқибат, бу жиноий қилмиш учун одилона жазо тайинлашда ва жиноятларни профилактика қилишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатади [10]. Дарҳақиқат, қонун нормасида жиноий ниятларни аниқлаштириш, жиноятни тўғри квалификация қилишнинг бош талабидир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларни таклиф қиламиз: биринчидан, Жиноят кодекси 124 ва 125-моддаларида “паст ниятлар” категориясини диспозициядан чиқариб ташлаш ва уни **“бошқа шахсий манфаатдорлик”** мотиви билан алмаштириш; иккинчидан, жиноят ҳуқуқи доктринасида мавжуд ишланмалардан фойдаланган ҳолда, паст мотивларни норматив тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида, ҳар бир паст мотив кўрсатилган жиноят таркибини танқидий қайта кўриб чиқиш, ва имкон қадар таркибконструкциясида очиб бериш; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан судларга паст ниятларда содир этиладиган жиноятларни тўғри квалификация қилиш бўйича махсус тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсоннинг барча ҳаракатлари аниқ мақсадга йўналтирилган муайян мотивлардан иборат. Исталган хулқ-атворга мотив ва мақсадни ҳисобга олмай тўғри баҳобериб бўлмайди. Шу сабабли жиноят мотиви ва мақсадни тўғри англаш ва аниқлаш, хусусан жиноят қонунчилигида “паст ният” мавҳум категориясини чиқариб, ўрнини конкрет жиноят таркибидан келиб чиқиб, мотивацияни ёйиқ ҳолда тавсифлаш, амалиётда қонунни қўлловчига жиноятни очиш, квалификация қилиш, жазо тайинлаш ва келгусида жиноятларнинг олдини олишга самарали хизмат қилади.

ЖК 125-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қилмишнинг ижтимоий хавфи юкори эмаслиги, қилмиш эҳтиётсизлик орақасидан ҳам содир этилиши мумкинлиги, жиноий оқибат назарда тутилмаганлиги, норма санкциясида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо назарда тутилмаганлиги ва бошқа шу қабила билан изоҳланади.

Шунингдек, статистик маълумотлар таҳлили суд амалиётида мазкур тоифадаги ишлар кам қўрилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, судлар томонидан 2014 йилда 1 та жиноят иши юзасидан 1 нафар шахсга нисбатан амнистия акти асосида иш тугатилган, 2015 йилда 3 та жиноят иши юзасидан 3 нафар шахсга нисбатан, шундан 1 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган, 2 нафар шахсга нисбатан тарафлар ярашганлиги туфайли жиноят иши тугатилган, 2016 йилда 2 та жиноят иши юзасидан 4 нафар шахсга нисбатан, шундан 3 нафарига (1 нафарига жазо (жарима) тайинлаб) ҳукм чиқарилган, 1 нафар шахсга нисбатан жиноят иши тугатилган.

Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги таҳлили Россия (ЖК 155-м.), Қозғистон (ЖК 135-м.), Молдова (ЖК 204-м.), Арманистон (ЖК 169-м.), Озарбайжон (ЖК 175-м.), Тожикистон (ЖК 173-м.) давлатларида фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш учун жиноий жавобгарлик фақат “қасб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан, шунингдек бошқа шахс томонидан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган” бўлсагина вужудга келишини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖК 125-моддасидан фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи биринчи қисмни чиқариб, МЖТКни ушбу қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи 48¹-модда билан тўлдириш таклиф этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ибрагимов С.М. К вопросу о низменном мотиве преступления // <https://wiselawyer.ru/poleznoe/25821-voprosu-nizmennom-motive-prestupleniya>.
2. У.Закирова. Значение преступного мотива и цели при квалификации деяния // Review of law sciences. 2018. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/znachenie-prestupnogo-motiva-i-tseli-pri-kvalifikatsii-deyaniya> (дата обращения: 27.06.2021).
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Тошкент. – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти, 2018. – Б.243.
4. Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2012. Б.151.
5. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. В.И. Радченко. М., 2000. С. 301.
6. Постатейный комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. А.И. Чучаева. М., 2004. С. 348.
7. Гиль Елизавета Александровна Классификация и значение мотивов и целей преступления // Наука и образование сегодня. 2019. №5 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-i-znachenie-motivov-i-tseley-prestupleniya> (дата обращения: 27.06.2021).
8. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 3. Тошкент. – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти, 2018. – Б.218.
9. Закирова У. Значение преступного мотива и цели при квалификации деяния // Review of law sciences. 2018. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/znachenie-prestupnogo-motiva-i-tseli-pri-kvalifikatsii-deyaniya> (дата обращения: 27.06.2021).
10. Ибрагимов С.М. Уголовно-правовая и криминологическая характеристики низменных мотивов в преступлениях против личности. // <http://lawtheses.com/ugolovno-pravovaya-i-kriminologicheskaya-harakteristiki-nizmennyyh-motivov-v-prestupleniyah-protiv-lichnosti#ixzz6xUgKupJf>; Карасёва М.Ю. Мотив и цель как факультативный признак субъективной стороны преступления // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – № 10-1. – С. 158-161; URL: <http://applied-research.ru/article/view?id=10309> (дата обращения: 27.06.2021).

Балани алмастырып қойыў ҳәм перзентликке алыў сырын эшкаралаў

Нажимов М.Ш. Қарақалпақ мамлекетлик университети

Резюме. Бул мақалада балани алмастырып қойыў ҳәм перзентликке алыў сырын эшкаралаў жынаяты түсиниги, оның ушын жынаят нызамшылығында нәзерде тутылған жуўапкершилиқ мәселелери үйренилген. Бул түрдеги жынаятлар ушын жазаларды жетилистириў бойынша усыныслар келтирилген.

Таяныш сөзлер. Шаназақ, бала, балани алмастырып қойыў, перзентликке алыў, қайырхомлық ҳәм қәўендерлик, сырын эшкаралаў, пәс нийет, дәмәғәйшилиқ, көреалмаўшылық, ала аўызлық, жынаят мотиви

Болани алмаштириб қўйиш ва фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш

Нажимов М.Ш. Қарақалпақ давлат университети

Резюме. Ушбу мақалада болани алмаштириб қўйиш ва фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш жинояти тушунчаси, унинг учун жиноят қонунчилигида назарда тутилган жавобгарлик масалалари ўрганилган. Бу турдаги жиноятлар учун жазоларни такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

Таянч сўзлар. Оила, бола, болани алмаштириб қўйиш, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, сирини ошкор қилиш, паст ният, тамағирлик, ҳасад, адоват, жиноят мотиви

Подмена ребенка и разглашение тайны усыновления

Нажимов М.Ш. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В данной статье исследуются понятие преступления подмены и разглашения тайны усыновления, вопросы ответственности за него согласно уголовному законодательству. Предлагаются улучшения наказаний за этот вид преступлений.

Ключевые слова. Семья, ребенок, обмен детьми, усыновление, опека и попечительство, разглашение тайн, низкие намерения, жадность, зависть, неприязнь, мотив преступления

*Substitution of a child and disclosure of the secret of adoption
Najimov M.Sh. Karakalpak State University*

Summary. This article examines the concept of the crime of substitution and disclosure of the secret of adoption, the issues of responsibility for it in accordance with criminal law. Improvement of punishments for this type of crime is proposed.

Keywords. Family, child, exchange of children, adoption, custody and guardianship, divulging secrets, low intentions, greed, envy, dislike, motive

ЖИЗНЬ ПОСВЯЩЕННАЯ ТОПОНИМИКЕ

(экскурс по страницам научных трудов Календера Абдимуратова) Посвящается к 100-летию ученого.

Турсева Г., Абдирова Г.С.

Каракалпакский государственный университет

Истоки топонимии Каракалпакстана теряются в глубине веков, и трудно сейчас ответить, когда появились первые географические имена на земле наших предков.

Географические названия городов и сел, рек и озер весьма разнообразны по происхождению. Одни из них отображают особенности природных условий местности, другие характеризуют состав населения и его занятия, третьи определяют местоположение села, озера или другого географического объекта. Есть на территории Каракалпакстана и названия, происходящие от персидских, арабских и тюркских корней слов. Очень многие географические названия являются своеобразными историческими памятниками, свидетельствующими о распространении старинных промыслов, о направлении старых транспортных путей.

На эти и другие вопросы топонимики Каракалпакстана впервые обратил свое внимание в научно-исследовательских работах Календер Абдимуратович Абдимуратов (1922-1989 гг.). Еще в далеком 1964 году он пишет об этимологии слова «кят», через год публикует свою статью о происхождении названия Нукус, в том же году он обращает внимание на вопросы каракалпакской топонимики и ее исследования. В 1965 году он публикует брошюру на каракалпакском языке под названием «Неге усылай аталган?», которая легла за основу его диссертации. И, 15 июня 1966 года он успешно защищает диссертацию на соискание ученой степени кандидата филологических наук по теме «Топонимика Каракалпакии».

Заслуженный работник культуры Каракалпакстана, кандидат филологических наук, доцент Календер Абдимуратович является автором более 30-ти крупных научных трудов, посвященных актуальным проблемам топонимики каракалпакского языка. Помимо этого он активно участвовал в составлении «Русско-каракалпакского словаря» и «Каракалпакско - русского словаря».

Круг его научных интересов составляли вопросы происхождения и этимологии некоторых топонимических названий, их орфографии, насущные вопросы каракалпакской терминологии. В исследовании «Неге усылай аталган?» (Нукус, 1966) автор на основе богатого фактического материала всесторонне анализирует актуальные вопросы каракалпакской топонимики, этимологию отдельных топонимических названий. Этой работой им были заложены основы научного исследования каракалпакской топонимики.

В работе «Почему так названо?» (Нукус, 1970) исследователь останавливается на вопросах топонимики вообще и каракалпакской, в частности. Для специалистов, занимающихся изучением различных проблем топонимики, является полезным справочником «Краткий словарь топонимов каракалпакского языка», которая была приложена к вышеназванной работе. В нем охвачено свыше 520 топонимических названий, функционирующих на территории нашей республики.

Календер Абдимуратович внес большой вклад в деле упорядочения написания названий отдельных топонимов. В научных кругах известны его статьи «Вопросы орфографии и транскрипции местных географических названий», «О принципах составления словаря топонимов Каракалпакии», «О структуре каракалпакских топонимов» и т.д.

Популяризации среди населения различных топонимических названий служат работы ученого «Чему учит топонимика?», «К вопросу этимологии Хорезма», «Топонимические легенды», «Путешествие в страну имен» и т.п.

В творческом наследии Календера Абдимуратовича занимает особое место его кандидатская диссертация по теме «Топонимика Каракалпакии», которая была выполнена под научным руководством А.Кдырбаева и которая была успешно защищена 15 июня 1966 года в Институт языка и литературы АН УзССР. Диссертация состояла из введения, трех глав и заключения. К диссертации приложен краткий словарь топонимических названий Каракалпакстана, содержащий более 600 названий.

В начале своей работы автор отмечает, что любой географический объект (река, гора, овраг, озеро, урочище, город, село и т.д.) имеет название, присвоенное ему человеком и таящее в себе определенный смысл. Бессодержательных названий в природе не существует. Имеются лишь названия, смысловые значения которых еще не раскрыты. Это относится, главным образом, к тем именам, которые возникли на языках древних, ныне вымерших или ассимилированных народов[1]. На территории Каракалпакстана встречаются названия иранского, арабского, монгольского происхождения, древнехорезмского субстрата, русские названия,

смешанные названия, названия узбекского, казахского, туркменского происхождения и, наконец, исконно каракалпакские.

Отдельные сведения о местных топонимах встречаются в трудах некоторых авторов-путешественников, исследователей: Бутакова А.И., Каульбарса А.В., Берга Л.С., Бартольда В.В., Аристов Н., Толстова С.П., Мурзаева Э.М., Гулямова Я.Г., Жданко Т.А. и др.

Задачей диссертационной работы К.Абдимуратова явилось систематическое описание топонимов Каракалпакстана и их лингвистическая характеристика на уровне современных достижений топонимики. Далее, во введении рассмотрено место топонимики в ряду смежных наук. Лингвисты обычно считают, что эта наука – чисто лингвистическая. Некоторые географы и историки относили ее из-за специфических особенностей, к ряду вспомогательных дисциплин. Топонимист не должен быть только лингвистом, или географом, или историком он обязан быть топонимистом[2]. Следовательно, топонимика начала выделяться из других наук и постепенно становится самостоятельной комплексной наукой.

В первой главе диссертации, которая называется «Структурно-семантический анализ топонимов Каракалпакии», автор отмечает, что топонимические названия не появляются случайно, они возникают закономерно, системно. Чтобы выяснить происхождение названия, необходимо прежде всего знать, что оно возникло не изолированно, а лишь в определенном ряду других названий. Например, таковы названия Акдарья, Аксу, Актуба, Акжагыс, Акбулак, Акжап с компонентом ак (белый), составляющие ряд гидронимических названий.

По способу образования топонимы можно разделить на простые и сложные. Простые топонимы – это или существительные в основном падеже или производные прилагательные. Сложные топонимы составляют местные географические названия, которые характерны вообще для тюркской топонимики. Они отличаются многообразием типов и характеризуются наличием двух или более корневых морфем и единством грамматического оформления.

Сложные топонимы по способу образования делятся на три группы: топонимы словосложения, топонимы словосочетания и парные топонимы.

Топонимические словосложения образуются путем слияния двух основ. Они почти всегда определительны, т.е. в них соединены определение и определяемое: Акбулак, Кызылжар. Их легко расчленишь на составные части: так как там каждый компонент составной части имеет самостоятельное лексическое значение. Топонимы такого типа являются наиболее распространенным видом сложных названий.

Большую группу местных названий составляют топонимы словосочетания, отличающиеся некоторыми специфическими признаками: компоненты топонима словосочетания, еще не слившиеся полностью в единой форме и по смыслу, и поэтому пишутся раздельно; географические термины тау, кыр, тобе, жар, ой, кала, аул, кол, дарья в топонимических словосочетаниях пишутся в составе названий, а иногда опускаются; компоненты топонима невозможно подменить другими словами как это делается в свободных и некоторых фразеологических словосочетаниях, а также невозможна и перестановка компонентов. Таким образом, слова, входящие в состав топонима, становятся как бы связанными, теряя свою нарицательную значимость; слова, входящие в состав топонимов, теряют конкретные значения и становятся знаками данного объекта. Например, конкретное значение топонима Кызылжар (Красный обрыв) передавало цвет обрыва, а стало выражать теперь только знак объекта, т.е. населенного пункта.

Устойчивость топонимических названий не следует отождествлять с неподвижностью, ибо в обществе постоянно происходят разного рода переименования, изменения названий в процессе деятельности людей.

Особую группу сложных названий составляют парные топонимы, образованные разными корнями, имеющими равную значимость (пишутся через дефис): Нокис-Чимбай жолы, Петро-Александровск каласы и др.

В основе каждого топонимического названия, возникающего посредством парных и сложных сочетаний, лежит синтаксический способ образования. По семантике местные названия К.Абдимуратов разделил на следующие группы: 1. Топонимы, связанные с именами людей. К этой группе относятся названия объектов, принадлежащих когда-то одному лицу; 2. Топонимы, связанные с названиями родов и другими этнонимами, именами которых названы десятки кишлаков, сел, и т.д.; 3. Топонимы, в основе которых лежит хозяйственная деятельность людей; 4. Местные названия, отражающие растительный и животный мир; 5. Названия, отражающие исторические события; 6. Топонимы, характеризующие социальные различия и уровень материальной жизни деревни; 7. Названия населенных пунктов отражающие характер поверхности; 8. Гидронимы, характеризующие цвет воды, глубину воды, соленость воды, поверхность почвы, величину и размеры, определенные события, быстроту течения; 9. Оронимия, характеризующая горную и песчаную поверхность, по цвету, по протяженности и виду, по наличию полезных ископаемых, по особенностям рельефа; 10. Названия характеризующие родники.

Вторая глава диссертации была названа «Историко-этимологический анализ топонимов Каракалпакии», здесь автор приходит к выводу, что топонимы Каракалпакстана в основной массе являются тюркскими. Многие местные названия построены на базе современного каракалпакского языка. Наиболее древними названиями являются редкие топонимы дохорезмского субстрата, затем ирано-арабского происхождения и этнонимы тюркско-монгольского происхождения.

Большую группу каракалпакских топонимов составляют возникшие из этнонимов и родоплеменных названий. Это названия городов и местностей. Среди топонимов Каракалпакстана имеется и относительно небольшой арабско-персидский пласт.

К данной главе автор делает вывод, что основная масса местных топонимов составляется из слов тюркской основы, незначительное количество гидронимов, этнонимов являются по происхождению арабо-иранскими, монгольскими, русскими. В заимствовании и освоении этих названий каракалпакским языком большую роль сыграла тесная культурная связь каракалпаков с другими народами.

Третья глава диссертации названа «Вопросы орфографии и транскрипции топонимики Каракалпакии», где автор поднимает проблему, что многие географические названия Каракалпакстана в различных источниках зачастую пишутся по-разному, что в свою очередь создает путаницу и большие неудобства.

Одной из главных причин искажения транскрипции, Календер Абдимуратович утверждал, что большое количество географических наименований тюрко-язычных республик вошло в русскую литературу и картографию с середины XIX века, когда еще не сложились общенациональные литературные языки, и не была еще разработана орфография языков этих народов.

Автор подчеркивал, что топонимы Каракалпакстана образуются чаще путем сложения двух, а иногда трех компонентов, при этом большинство из них выступает как одна лексическая единица. Поэтому К. Абдимуратов предлагал слитное написание их. Он также указывал, что не все сложные названия пишутся слитно. При этом автор указывал, что необходимо учитывать смысл самого названия, и тогда решать вопрос, писать ли данное слово слитно или раздельно. Наиболее правильным принципом написания названий должен быть принцип индивидуального подхода к географическим названиям и смысловым транскрипциям[3].

Исходя из этого, автор предлагал следующие правила написания сложных названий: 1. Все названия, состоящие из словосложения и номенклатурного термина, писать слитно; 2. Раздельное написание допускать в следующих редких случаях: если собственное имя имеет впереди себя определение; если название стоит в косвенном падеже притяжательного существительного; 3. Через дефис должны писать такие слова, как например, Нокис-Чимбай жолы, Барса-Келмес коли и т.д.; 4. Названия русского происхождения на каракалпакском языке должны писаться в русской форме.

В заключении диссертации автор делает выводы и рекомендации, которые состояли из следующих пунктов: 1. Каракалпакстан располагает большим количеством гидронимов (название рек, озер, протоков, арыков, каналов, водоемов), оронимов (названий гор, возвышенностей, холмов, седловин, урочищ), названий населенных пунктов и микропонимов (колодцев, домов и т.п.), представляющих ценные сведения не только для изучения истории народа, но и для выявления географических особенностей края; 2. Данная диссертационная работа является первой попыткой исследования в области каракалпакской топонимики и охватывает такие основные вопросы топонимики, как структуру, семантику, этимологию, орфографию и транскрипцию географических названий; 3. Топонимика Каракалпакии по структуре не отличается от топонимов тюрко-язычных народов, но тем не менее она имеет своеобразные специфические особенности; 4. Большое количество местных названий построено на базе каракалпакского языка. В каждом компоненте составных частей топонимов заключены своеобразные черты, отражающие фонетику и грамматический строй данного языка; 5. В составе местных топонимов имеются названия иранского, арабского, монгольского происхождения, древнехорезмского субстрата, русские названия, смешанные названия и названия узбекского, казахского, туркменского происхождения – яркое свидетельство социально-экономической и культурно-исторической связи каракалпакского народа с соседними странами; 6. Большое количество названий связаны с переселением каракалпаков с низовьев Сырдарьи в конце XVIII и начале XIX веков на правобережные территории Амударьи и Аральского моря, в основном отражающих хозяйственную деятельность людей (ирригация, рыболовство, животноводство); 7. Местные топонимы по структуре бывают простые, сложные и аффиксальные. Из них особую категорию составляют сложные названия, образованные сочетанием двух и более слов, характерных вообще для всех тюркских топонимов; 8. Лингвистический анализ и изучение топонимов позволяют установить, что они имеют одно-, двух и трехкомпонентный состав, в основе их лежат лексический, морфологический и синтаксический способы образования; 9. Компоненты сложных названий как правило состоят из географических номенклатурных терминов, которые всегда являются определяющими словами в составе названий; 10. В передаче местных географических названий по-русски часто встречаются разноречия и искажения. В диссертации рекомендуются предложения по устранению этих недостатков; 11. Исследования, проведенные при выполнении данной работы, носят прежде всего лингвистический характер, но при этом определенное освещение получили вопросы географического, исторического и этнографического характера; 12. Приведенными в диссертации фактами не исчерпывается всесторонний анализ топонимов Каракалпакии, это только первая попытка автора осветить лишь некоторые вопросы на уровне современной топонимической науки.

Таким образом, делая экскурс по страницам научных трудов Календера Абдимуратовича Абдимуратова, останавливаясь на его автобиографическом прошлом, анализируя его фундаментальный труд – кандидатскую диссертацию можно сделать вывод, что до него топонимике Каракалпакстана не было отведено должного внимания со стороны, как филологов, географов, этнографов, так и историков. Что этот вопрос до сегодняшнего дня во всех этих науках является очень актуальной.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Мельхеев М.Н. Географические имена. Топонимический словарь. М., 1961, с.5.
2. Мурзаев Э., Никонов В. Топонимика сегодня. Географические названия. М., 1962.
3. Мурзаев Э. К вопросу транскрипции географических названий в тюркских языках. Географическое Общество. Вып.5, 1934. Волостнова М.Б. Состояние работы по транскрипции географических названий Советского Союза и зарубежного Востока. «Топонимика Востока». М., 1962, стр. 100.
4. Абдимуратов К. Топонимика Каракалпакии: Автореферат дис. на соискание учен. степени канд. филол. наук / Каракалп. филиал АН УзССР. Институт истории языка и литературы им. Н. Д. Давкараева. - Нукус : 1966. - 24 с.
5. Абдимуратов К. Неге усылай аталган? Нөкис. 1966.
6. Абдимуратов К. Почему так названо? Нукус.1970.

Топонимикага бағишланган өмір

Туреева Г.А., Абдирова Г.С. Қарақалпақ мәмлөкәтлик университети

Резюме. Мақалада Қарақалпақстанда топонимика илимининң раўажланыўына өзинин салмақлы үлесин қосқан алым Календер Абдимуратовнын илимий дәретиўшилиқ жолына, илимий мийнетлерине экскурс, фундаментал мийнети есапланған кандидатлық диссертациясына анализ жасалады.

Таяныш сөзлер: топонимика, структура, семантика, этимология, орфография, транскрипция.

Топонимикага бағишланган ўмир

Туреева Г.А., Абдирова Г.С. Қарақалпақ дәвлат университети

Резюме. Мақалада Қарақалпақстанда топонимика илим-фанининг ривожланишига ўз хиссасини қўшқан олим Календер Абдимуратовнын илимий ижодий йулига, илимий ишларига экскурс, фундаментал меҳнати ҳисобланган номзодлик диссертациясига таҳлил берилади.

Таянч сўзлар: топонимика, структура, семантика, этимология, орфография, транскрипция.

Жизнь посвященная топонимике.

Туреева Г.А., Абдирова Г.С. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье анализируется диссертация Календера Абдимуратова, ученого, внесшего значительный вклад в развитие топонимической науки в Каракалпакстане, дается экскурс по его научной деятельности.

Ключевые слова: топонимика, структура, семантика, этимология, орфография, транскрипция.

A life dedicated to toponymy.

Tureeva G.A., Abdirova G.S. Karakalpak State University

Summary. The article analyzes the dissertation of Kalender Abdimuratov, a scientist who made a significant contribution to the development of toponymic science in Karakalpakstan, gives an excursion to his scientific activities.

Key words: toponymy, structure, semantics, etymology, spelling, transcription.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХИГА ОИД ХОРИЖ АДАБИЁТЛАРИГА ШАРҲ

Генжемуратов Я. Б.

Қарақалпақ дәвлат университети

Ўзбекистон ва Қарақалпоғистон замонавий тарихининг ўзига хос хусусияти шундаки, у гуё янги давр ва замонавийликнинг иссиқ нафаси билан ёритилаётгандек. Мазкур яқин тарих турли фикрлар тукнашган, тадрижий йўлнинг чоррахасидан ўтиб, ривожланишнинг навбаттаги босқичига қадам ташлаётган каби. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг яқин тарихи суверен Қарақалпоғистон Республикаси тарихи билан биргаликда, бутун инсоният ривожланишининг янги поғонасига туғри келади. Ҳозирда кўз унгимизда тубдан фарқланувчи дунё тартиблари шаклланмоқда. Ўз навбатида янги дунё тарихининг ажралмас бўлаги ҳисобланган Ўзбекистоннинг яқин тарихи ҳам замонавий глобал воқеалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Хорижий тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, замонавий Ўзбекистон мураккаб тузилмали бозор иқтисодиёти, ҳуқукий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлидан ишонч билан ўтиб, минтақанинг ривожланган давлатларидан бирига айланди. Эски сохта йўналишларнинг ўрнини янги юксак идеаллар эгаллади, уларнинг асосини бой миллий тарих ва маданият, бутун дунё цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган шахсларнинг маънавий мероси ташкил этди. Халқаро майдонда ҳам - Ўзбекистон Республикаси тажрибаси кўпчилик учун ўрнак бўлиб хизмат қилиши тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йиллари давомида Қарақалпоғистоннинг маънавий ва маданий ҳаётига оид тадқиқотлар олиб бориш хорижий олимлар тарафидан амалга оширилмоқда. Масалан, бугунги кунда чет эллик олимлар ва сайёҳларнинг И.В.Савицкий номидаги Давлат санъат музейига бўлган катта қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Жумладан, ушбу музей экспозицияларини синчиқлаб ўрганган Сусанна Аннанинг Германияда «Рус авангарди. Қарақалпоғистон Нукус санъат музейи коллекциясидан графикалар» номли китоби нашр этилди [1]. Ушбу воқеа Қарақалпоғистон тарихига қушилган катта ҳисса бўлиб, қарақалпоқ халқи маданияти, тарихи, бугунги кунги яшаш шароитларига деган эътиборни кучайтиб, уни янада кенгрок ўрганишга имкон берди.

Қарақалпоғистонда кўплаб тарихий ва маданий ёдгорликлар саёҳатчиларнинг тасаввурларини жалб эта олди. Япониядан келган сайёҳлик гуруҳи раҳбари Йохео Сабан Қарақалпоғистонга ташриф буюриб, «Японияда бизни ҳайратга солган Буюк Ипак йўли, унинг асосий шаҳарлари ҳақида кўп ўқиймиз. Ва биз Қарақалпоғистонда кўрган нарсаларимиз – унинг музейлари, тарихий жойлари жуда ғайриоддий!» [2], - деди иштиёқ билан.

Дэвид ва Сью Ричардсонларнинг кўплаб фото-расмлар билан тасвирланган катта форматдаги китоби инглиз тилида сўзлашадиган аҳолига қорақалпоқларнинг санъати билан яқиндан таништиради [3]. Мазкур асар Қорақалпоғистон ва Россиядаги музейлар архивидан олинган ва илгари нашр қилинмаган кўплаб расмларни ўзида акс эттирган. Мақола муаллифи Дэвид ва Сью Ричардсонлар ҳақида «Дэвид и Сью Ричардсоны о современной истории Каракалпакстана» [4], деб номланган алоҳида илмий иш ёзиб, у ерда инглиз саёҳларининг Қорақалпоғистон замонавий тарихини ўрганишда тўтган роли ва ўрнини теранг таҳлил қилган.

Франция олимлари бир неча йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институниининг илмий ходимлари билан қорақалпоқ халқининг тарихи, археологияси ва этнографиясига оид масалаларни тадқиқ қилиб келмоқда. Бу борада Франция нашрининг бир сони махсус қорақалпоқлар тарихи, этнографияси ва маданиятига бағишланган [5]. Истиклол йиллари қорақалпоқ халқи бутун дунёга ўзининг миллий маданияти, ўзига хос санъати, мумтоз адабиёти, маънавий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари билан танилганлигини кўрсатди. Хорижий тадқиқотчилар қорақалпоқ халқи маданиятига катта эътибор берди. Ўз ўтмишини тиклаш жараёнида қорақалпоқ халқнинг нафақат тарихини, балки маданиятини ҳам ўрганиш катта аҳамиятга эга бўлди.

Немис олими – филолог Карл Рейхл қорақалпоқ халқининг «Шарьяр», «Қоблан», «Едиге» дostonларини Жумабай жирова Базаровдан ёзиб олди ва немис, инглиз тилларида нашр этди. Карл Рейхлнинг таклифига биноан, бизнинг ҳикоячimiz 1996 ва 1997 йилларда Германияда бўлиб, қорақалпоқ халқ dostonлари ва халқ амалий санъати асарларидан парчалар билан концерт берди.

Мустақил давлатлар ҳамдустлиги вакиллари ҳам Қорақалпоғистоннинг замонавий тарихи, унинг маданиятини тадқиқ қилишда жараёндан ташқарида қолаётгани йўқ. Шундай қилиб, Озарбайжон олими Низомий Мамедов қорақалпоқ халқининг тарихи, этногенези, маданияти билан қизиқиб, унинг адабиётига алоҳида эътибор қаратади. «Қорақалпоқ адабиёти» [6] асари 2007-йил олимнинг олиб борган тадқиқотларининг натижаси сифатида ёриқ кўради. Марказий Осиёда «Ислomий давлат» деб номланувчи мамлакат шаклланиши ҳавфи шаронтида Адиб Холид китобида эслатиб утилганидек, Ислomнинг Қорақалпоғистонга тарқалиши бўйича ишлар катта аҳамиятга эгадир. Муаллиф ўз асарида Марказий Осиёдаги, шу жумладан Қорақалпоғистонда дин ва сиёсатнинг ўз-аро муносабати, коммунистик мафкурадан кейинги ислom динининг ўрни ва ролига оид аксарият масалаларни таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар.

Хулоса ўрнига шуни айтиш жоизки, яқин тарих кўп хиррали муваффақиятли ислomотларнинг гувоҳи бўлди. Ўзбекистонда, унинг ажралмас бўлаги бўлган Қорақалпоғистон тажрибаси ислomот истовчи мамлакатлар учун тайёр андазаларни юзага келтирди. Бироқ энг муҳими, ўша – яхши натижа берган ислomотлар иқтисодий самарага омил бўладиган илмий асосланган иқтисодий қонуниятларни, тамойилларни ишлаб чиқишга ёрдам бериши лозим.

Ушбу тадқиқотлардан келиб чиқиб, бугунги кунги асосий вазифалар ва йўналишларни аниқлаш мумкин. Жумладан, жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳолат катта илмий, маданий ва маънавий ҳиссаси ҳақида мамлакатimiz аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини кенг қўламда хабардор қилиш мақсадида тарихимизга оид катта илмий асарларни таржима қилиш, ҳар бир воқеанинг мазмун-моҳиятини изчил ва тизимли очиб бериш орқали буюк тарихимизнинг барча даврларини чуқур илмий тадқиқотларнинг ҳолисона натижалари асосида кўрсатиб берувчи саёргохлар учун услубий-амалий буклетлар таёрлаш, шунингдек, буюк ватандошларимизнинг бебаҳо меросини кенг қўламда ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида уларнинг ҳаёт йўли ва қаҳрамонлиги тўғрисида, шунингдек, дунё аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон энг янги тарихининг ҳолат ёрқин ва унутилмас саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи илмий-оммабоп нашрлар туркумларини яратиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Susanne Anna. Russische Avantgarde. Aus dem Kunstmuseum Nukus Karakalpakstan Zeichnungen, Aquarelle, Gouachen. Published by Daco-Verlag G. Blase (1995) ISBN 10: 3871350265 / ISBN 13: 9783871350269.
2. Karrar H. The New Silk Road Diplomacy: Chinas Central Asian Foreign Policy since the Cold War. - Vancouver: UBC Press, 2010.
3. Richardson David; Richardson Sue. Qaraqalpaqs of the Aral Delta. Prestel Verlag. 2012.
4. Генжемуратов Я. Дэвид и Сью Ричардсоны о современной истории Каракалпакстана. «Қарақалпақстан ең жаңа тарийхының әҳмийетли машқалалары» темасындағы Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. - Нөкис, 2018. -46-48 бб.
5. Karakalpak et autres gens de L'Aral. Entre rivages ET deserts // Cahiers d'Asie Centrale. IFEAC/EHESS. Paris. 2002. №10.
6. Мамедов Н. Қорақалпоқ адабиёти. Боку: Баки Славян университети, «Китоб олами» нашриёт-босмаҳона

*Қорақалпоғистон маданиятининг замонавий тарихига оид хориж адабиётларига шарҳ
Генжемуратов Я. Б. Қорақалпоқ давлат университети*

Резюме. Мазкур мақолада муаллиф Қорақалпоғистон маданиятининг замонавий тарихини хорижий тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши масаласини ёритиб беради. Хорижий адабиётлар таҳлили асосида (монографиялар, тўпламлар, мақолалар, тезислар ва бошқалар), Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидаги Қорақалпоғистоннинг маънавий-маданий ҳаётини ўрганиш масалалари кўриб чиқилади. 1991-2021 йиллар Қорақалпоғистон халқининг ўз миллий маданияти, бетақор санъати, мумтоз адабиёти, маънавий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари билан бутун дунёга танилганини кўрсатди. Ушбу давр оралиғида хорижий тадқиқотчилар қорақалпоқ халқи маданиятига катта эътибор бердилар. Ўз ўтмишини тиклаш жараёнида қорақалпоқ халқининг нафақат тарихини, балки маданиятини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Чет эл адабиётига шарҳ ушбу асарлар муаллифларининг Қорақалпоғистон тарихига қўшган катта

хиссаларини кўрсатди. Улар қорақалпоқ халқининг маданияти, бугунги турмуш шароитига эътиборни ошириб, тарихимизга бошқача назар билан қарашга имкон берди.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, мустақиллик, қорақалпоқлар, тарих, маданият, адабиёт.

Обзор зарубежных литератур о современной истории культуры каракалпакстана

Генжемуратов Я. Б. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В данной статье автор проливает свет на историю изучения современной истории культуры Каракалпакстана зарубежными исследователями. Основываясь на анализе зарубежной литературы (монографии, сборники, статьи, тезисы и т.д.) рассмотрены исследования духовной и культурной жизни Каракалпакстана в годы независимости Республики Узбекистан. 1991-2021 годы показали, что народ Каракалпакстана известен всему миру своей национальной культурой, уникальным искусством, классической литературой, духовными ценностями, обычаями и традициями. Зарубежные исследователи уделяли большое внимание культуре каракалпакского народа. В процессе восстановления их прошлого большое значение имело изучение не только истории, но и культуры каракалпакского народа. Обзор зарубежных литератур показывает большой вклад авторов этих работ в историю Каракалпакстана, которые усилили внимание к культуре, истории каракалпакского народа, к условиям жизни сегодняшнего дня и позволили посмотреть на них с другого ракурса.

Романда бағ образы еки мәнисте: реал бағ мәнисинде хәм Жәннет бағы (муқаддес орын) мәнисинде қолланылған. Дәслеп, шығармада бағ образы бас қахарман Артурдың жеккеликти күсеп қалғанында барып дем алатуғын «Үмит отлары» мийманханасының жазғы шайханасында, оның ең төринде жайласқан бир бөлөкше орында (жабық кеңисликте) отырғанда айна дийўалға тутылған пердени жылыстырып әтирапы көк шөп хәм хәр түрли дарақлардың жасыл жапырақлары менен оралған сулыў жайды (Артур қыялында бул жайды Жәннет деп есаплайды) тамашалағандағы ишки ойлары (монологы)нда бериледи [2, 57]. Бунда айна дийўал шегара кеңислиги ашық хәм жабық кеңислик ортасындағы шешиўши аралық мөкан хызметин атқарады.

Шығармада бас қахарманды қол созым жердеги «жәннеттен» тек аралық мөкан – айна дийўал (айна хронотопы, дийўал хронотопы әдебияттаныўда әзелден ашық хәм жабық кеңислик ортасындағы аралық (шегара) мөкан мәнисин билдиреди), яғный жердеги өмирдиң ләззетлери, тән рәхәти (мазалы тағамлар, ишимликлер – көк шай, джин)нен ажыратып турады.

Деген менен, шығармада сүүретленген қахарманлардың өзін қоршаған орталық, өмір хақында түсиниклери өзгеше. Мәселен, шығарманың бас қахарманы художник Артур өмиринше: *«Бизди қоршаған шексиз әлемде орнымыз қандай? Азлы-көп өмиримизде тийкаргы мақсетимизди белгилеп алмай, өмиримиздиң көп бөлегин бийхұда өткерип қоймаймыз ба? Жасамақтағы мақсет не?»* [2, 53] деген сораулар үстінде тынымсыз ойланады хәм усы сорауларға жууап табыу ушын бул пәний дүньяда бәрше инсанларды сыртқы дүньядағы ипласлықлардан, хәр кыйлы жауызлықлардан, гүналардан хәм нәпси бәлелеринен сақлап қалатуғын, адамлар ушын руўхый пәклик тымсалы болған муқаддес мәкан – «Жәннет бағы»н излеп табыуға жан-тәни менен умтылады.

Романда бас қахарман Артурдың бул нийетиниң әмелге асыуына оның қасында күтилмегенде пайда болған ақ сақаллы, басына сәлле ораған, аққубадан келген ғарры (Пир образы) жәрдем береді. М.Бахтин «... Әдебиятта ушырасыу хронотопы, көбинесе, композициялық функцияларды атқарады: ол сюжеттиң түйинин (завязка), гейде кульминациясын яки хәтте сюжеттиң шешими (финалы) болып хызмет етеди. Ушырасыу дәстанның (әсиресе, романның) ең әйемги сюжет шөлкемлестиріуши ўақыяларынан бири болып табылады... («... Весьма часто хронотоп встречи в литературе выполняет композиционные функции: служит завязкой, иногда кульминацией или даже развязкой (финалом) сюжета. Встреча – одно из древнейших сюжетобразующих событий эпоса (в особенности романа)...» [4, 248] деп атап көрсетеди. А.Халмуратовтың «Жәннет бағы» романында ушырасыу мотиви сюжеттиң басланыуы (завязка) хызметинде келип, ол жәннетти излеген бас қахарманның суфизм («ислам дининиң ишиндеги үлкен бир ағым» [5, 6]) тәлиматындағы Пир (руўхый устаз, жол көрсетиуши) менен ушырасыуы оның Асманий, Жәннет хәм Қақнус пенен төртеуиниң Жәннетке ерисиу жолындағы изленислерине жол ашып береді. Өзбек әдебияттануында Алишер Наўайы «Хамса»сында хронотоп поэикасын докторлық диссертациясы (DSc) көлеминде изертлеген илимпаз У.Жұрақұлов «Лисон ут-тайр»да қолланылған хронотоптың түрлерине арналған изертлеулеринде ушырасыу мотивиниң дәстанда тутқан орнын М.Бахтинниң мына пикирлерин силтеме келтиріу арқалы дәлилледейди: «Мифологиялық, диний тарауларда ушырасыу мотиви: әлбетте, жетекши ўазыйпалардан бирин атқарады: илахый нақылларда, илахый битиклерде (мәселен, масихийлер «Инжил»инде болғанындай буддизмде де), диний мәресимлерде ушырасыу мотиви «туўылыу» мотивлери менен уйғын келеди». («... Мифологик, диний соҳаларда учрашув мотиви: албатта, етакчи вазифалардан бирини бажаради: илохый нақлларда, илохый битикларда (масалан, масихийлар «Инжил»ида бўлганидек буддавийликда хәм), диний маросимларда учрашув мотиви «яралиш» мотивлари билан уйғун келади» (В мифологической и религиозной сфере мотив встречи играет, конечно, одну из ведущих ролей: в священном предании и Священном писании (как в христианском, например, в Евангелиях, так и буддийском) и в религиозных ритуалах; мотив встречи в религиозной сфере сочетается с другими мотивами, например, с мотивом «явления»...) [6, 117]. Усы көзқарастан, А.Халмуратовтың «Жәннет бағы» романында ушырасыу мотиви қахарманлардың суфизм тәлиматының руўхый талапларына бола бул дүньяның өткинши қызықлары хәм хәзликлеринен ўаз кешип, «қайта туўылыуы», руўхый пәкленіуине қарай өтиу «босаға»сы болып есапланады. Бунда ушырасыу мотиви хәм ўақытлық (хронос), хәм мәканлық (топос) хызметти атқарып келген. Себеби, бул сүүретлеулер М.Бахтинниң «Ўақыттың белгилери кеңисликте ашылады хәм кеңислик ўақыт арқалы түсиниледи хәм өлшенеди» деген теориялық пикирлерине сәйкес келеди [4, 235].

Романда Артур Пирдің жәрдемінде «Үмит отлары» ателиниң 610-ханасына барады. Шығарма сюжетинде Артур ол жерге дәслеппи барғанында, яғный биринши ақшамда өзиниң балалық хәм жаслық дәуірлерин қайтадан (ретроспектив – шолыу түрінде) көриуге миясар болса, екинши барған түнинде (проспекция – алдыннан көриу арқалы) сол ханада бир ер адамды хәм еки хаялды ушыратады. Олар Лилла, яғный Асманий лақаппы шайыр жигит, орта жаслардағы Жанна исмли (Артур оған «Жәннет» деп ат қоятуғын) хаял хәм Шахзада атлы (Асманий «Қақнус» деп ат қойған) жас сулыу қыз еди. Олар төртеуін бирлестирген нәрсе, *кеўиллердиң пәкленіуи, руўхый кәмалатқа ерисиу* нийети еди. Соның ушын да, бул төрт қахарман усы 610-ханада мәңгиге қалыуды, өзлерин руўхый пәкликке жеткізетуғын «Жәннет бағы»нан айрылып қалмауды қәлейди. Романда автор «Жәннет бағы» образы арқалы бир-биреуді түсинип, бир-биреуге меҳир қойып, бир-биреуді бирадар тутып жасау ушын зәрүр болған руўхый пәкликти, кеўил пәклигин тийкаргы идея етип көтереди.

Романда «– Бирадарлықтың жақсы шәртлериниң бири жығылғанды турғызыу хәм пәклеуден ибарат болады, – деди Артур исенимли даўыс пенен, сен қолыңды создың, мен қолыңнан тарттым, буннан бир мурад хасыл болды. Енди кеўил жәннетинен, пәклик жәннети босағасынан өтпегимиз зәрүр. Бул ушын қупыя гүналарымызды әшкара тән алыу арқалы пәкленіуден баслаймыз... Қалайда, үлкен мақсетке бирликте қол урмастан алдын өзимизди танып, кимлигимизди анықлап алайық» [2, 66] деген пикиринен кейин бөлмедеги төрт адамның хәр бири өзлериниң өмирде ислеген гүналарын тән алып, өзлигин табыуға хәрекет етеди, руўхый пәкленіуге жол алады. Бунда бөлме хронотопы қахарманлар ушын ислеген гүналарына пушайманлық сезимлерин билдиретуғын қупыя орынды билдирсе, босаға хронотопы қахарманлардың «пәклик жәннети босағасынан өтиу»инде көпир ўазыйпасын өтейди. Мәселен, романда устазының хаялы менен байланыс жасап аўыр гүнаға батқан Лилла Асманийдин, ислемен гүнасы (бир баслықтың кеўлин аўламағаны) ушын руўхый азапта жүрген Қақнустың, «биринши босағаның ықласына, улама қәйин атасының ғарғысына қалып» бахты келиспеген Жәннеттиң, «шексиз адасыулардан ибарат болған бул дүньяда усы тиришиликке қос қоллап асылып алып, гүналарға белшемизден батып жасаудан азарланбаслықтан, саўаплы ислеримизден үмитдар болып,

гүналы соқпақларда сергиздан болып жасап атырған»ын хұжданы алдында ең аўыр гүна деп есаплайтуғын Артурдың терең ишки толғаныслары «Үмит отлары» (бул жерде мийманхананың атамасы да шығарманың тийкарғы идеясы менен байланыслы аталған) мийманханасындағы 610-хана, түн, босаға хронотоплары арқалы ашып бериледи. Д.Хурсанов «Лирикалық шығарманың табиятында «түн», «ярым түн», «таң сәхәр» сыяқлы көркем ўақыт поэтикалық идеяны сәўлелендирип келиўи арқалы автор ўақты, сюжет ўақты, лирикалық кеширмелердиң де мазмунын сәўлелендирип келеди» [3, 13-14] (Лирик асар табиятида «тун», «ярым тун», «тонг сахар» бадий замони поэтик ғояни ифодалаб келиши асносида муаллиф вақти, сюжет вақти, лирик кечинма моҳиятини ҳам ифодалаб келади) деп пикир билдиреди. Ал, қарақалпақ прозасында, соның ишинде А.Халмуратовтың «Жәннет бағы» романында «түн», «таң сәхәр» көркем ўақты, бириншиден, сюжет ўақтын – қахарман руўхый пәкленетуғын ўақытты билдирсе, екиншиден, эпикалық қахарман руўхый толғанысларға берилетуғын психологиялық (өтмиш пенен байланыслы ретроспекциялық, келешек пенен байланыслы проспекциялық) ўақытты аңлатады.

Әсиресе, романда ўақыялардың қахарманлардың өзлериниң тилинен исенимли баянланыўы көркем психологизмди түрлендирип, автор идеясының тәсиршеңлигин арттырған. Романда «Ўақыялардың биринши беттен баянланыўы, көркем ўақыт хәм мәкан категорияларының романның баянлаў техникасында баслы орынды ийелеўи, автордың қахарманның ишки дүньясының елеспесиз өжирелерине шекем үңилиўи х.т.б. көркем қәсийетлер жазыўшының шеберлик сырларын пухта ийелегенлигинен дәрек береді. Буның үстине, оның улыўмаинсанийлық машқалаларды көтериўде суфизм тәлиматына, олардың жарқын ўәкиллериниң идеялары менен пикирлерине сүйениўи жазыўшының бурыннан сыйқағы шыққан дәстүрден қашыўға умтылып атырғанлығынан хәм бул жолда белгили дәрежедеги табысларға ерискенлигинен дәрек береді» [1, 53]. Ал, эпикалық шығармаларда «...биринши шахс тәрепинен гүрриң етилиўши (*ich – Erzählung*) шығармаларда... ўақыттың биригиўи гүрриңшиниң руўхый кейпиятына толық бойсынып, *психологиялық ўақытқа* айланады» [7, 24-25]. «Жәннет бағы» романының сюжетиңде бас персонаж Артурдың сыртқы дүньяда болып атырған кубылысларға (жеў, ишиў, материаллық байлық топлаў, физикалық ләззетлениў т.б.) емес, ал қахарманның ишки дүньяның тазаланыўына алып баратуғын ис-хәрекетлерге көбирек итибар бериўи биринши орынға шығады.

Демек, романда бас қахарман Артурдың бүгинги аласапыран дүньяда инсанның өзлигин сақлап қалыў, буның ушын руўхый пәкликке ерисиў сыяқлы идеяларының композициялық жақтан көркем ўақыт хәм көркем кеңислик категориялары көзқарасынан мийманхананың 610-ханасында (санлар әлеминде 6+1 санларының қосындысы қәсийетли 7 санын келтирип шығатуғынлығы ҳаққындағы тәлиматларды басшылыққа алып) бир ақшамда жүз берген ўақыялар арқалы сүўретлениўи, бириншиден, философиялық-психологиялық сыпатларды тәмийинлесе, екиншиден, рәмзий (символикалық) сүўретлеўлерди келтирип шығарады. Романда 610-хана көркем мәкан сыпатында (анығырақ айтқанда 7 саны менен байланыстырылып) символикалық образ болып табылады. Роман сюжетиңде Артур 610 санының мәнисин руўхый устазы – Пирдин жәрдеминде билип алады. Солай етип, шығармада бас қахарман Артурдың хәм оның досларының руўхый пәклениў ҳаққындағы нийетлери бир ақшамда, яғный қысқа бир түнде әмелге асады. Г.Н.Мухарлямова түн хронотопын 1920-30-жыллардағы татар прозасында, соның ишинде Г.Ибрагимованың «Терең тамырлар» романында бир неше мәнилик хызметлерде қолланылғанын жаза отырып, «Соның ушын, бул жағдайда, түн хронотопы босаға хронотопына сай келеди, бул қахарман өмиринде бурылыслы моментти билдиреди» деп келтиреді. «Следовательно, в данном случае хронотоп ночи соответствует хронотопу порога, который обозначает переломный момент в жизни героя» [8, 47]. А.Халмуратовтың «Жәннет бағы» романында түн хронотопы, бириншиден, шығармада босаға хронотопының мәнисине сәйкес қахарманлардың Жердеги материаллық дүньадан руўхый дүньяға – кеўилдиң пәклениўине өтиўиндеги бир басқыш сыпатында композициялық хызмет атқарса, екиншиден, бас қахарманның хәм оның бирадарларының руўхый ашылысыў пайытындағы терең толғанысларға, гүйзелислерге толы психологиялық ўақтын билдиреди.

Ал, шығармада қахарманлардың толық руўхый пәклениў нийетлери Пир көрсеткен Мәңги Сәхәр саярасында (ол жерде ҳеш қашан намазшам пайыты келип жетпейди) жүз бериўи романтикалық сүўретлеўлер арқалы бериледи. Илимпаз Қ.Жәримбетовтың «Ашық Зийўар» (1998) мийнетинде суўфий руўхый кәмилликке ерисиў жолында шариат, тарийхат, мағрипат, ҳақыйқат деп аталған төрт басқышты басып өтиўи зәрүрлиги айтылады [5, 7]. А.Халмуратовтың «Жәннет бағы» романында бас қахарман Артурдың хәм ол баслаған (шығармада оны жолдаслары Гуру – өзлериниң жол басшысы деп атайды) шайыр Асманий, Жәннет хәм Қақнуслардың ис-хәрекетлеринде усы диний тәлиматтың (биринши хәм екинши басқышының) белгилерин көриў мүмкин. Мәселен, биринши басқышта «... суўфийлар ҳадал менен ҳарамды, жақсылық пенен жаманлықты, мийрим-шәпәт хәм зулымлықты айырады...», ал екинши басқышқа өтиў ушын «... шариат басқышының барлық талапларын орышлап, ағла мусылман дәрежесине көтерилю керек. Суўфий (хақ дийдарына ашық болған мусылман) руўхый кәмалатқа ерисиўи керек. Буның ушын ол жол-жоба көрсететуғын, иләхият илиминен тәлим беретугын жетик устазға (кәмил пийирге) қол береді... Пийирге мурийд болған яки халық тили менен айтқанда суўпы болған мусылман өзін үлкен хәм машақатлы гүреске салады. Ол нәпси бәлелери болған уйқы, аўқат, байлыққа ҳәўес болыў хәм басқа да пәс қылықлар менен гүреске түсип, оларды жүўенлейди, иләхият илиминиң сырларын ийелеп, түнлерди кудаға ибадат етиў менен сергек болып өткереди» [5, 7]. Әдебиятшылар арасында А.Халмуратовтың «Жәннет бағы» романының «Әмиўдәрәя» журналында жәрияланған бул тексти [9] шығарманың толық нұсқасы емес екенлиги ҳаққында мағлыўматлар ушырасады.

Бул сўўретлеўлерде қаҳарманлардың суўфийлик тәлиматындағы тек дәслепки еки баскышты басып өтиў процесси ғана сәўленген. Усы тәреплерине көре шығарманың сюжети толық тамамланбағандай сезиледи.

Сондай-ақ, автор журнал вариантындағы текстиниң соңында бас қаҳарман Артурдың бул дүньяға иргелес бир дүньяның бар екенлиги, адамзат қашанлардур усы дүньяға (мәканға), (бизинше, бунда суфизм тәлиматындағы төртинши баскыш Ҳақ дийдарына ерисиў идеясы берилип турғандай) өтетүғынлығы ҳаққындағы философиялық, диний көзқарасларын берип өтеди. Қарапайым китап оқыўшысының түсинип қабыллаўы қыйын болған бул шығарманы журнал редакциясы алғы сөз бенен жәриялады. Онда келтирилиўинше: «Романда сөз стилген иргелес әлем ҳәм бул әлемлер менен руўхый қатнастың дәслепки кәдемлери ҳаққында айтылған ўақыя ҳәм пикирлер автор тәрепинен ойлап табылған нәрселер емеслигин де ескертемиз. Қәсийетли қураны кәримде Алла-таала он сегиз мың әлемди жаратқаны ҳаққында сөз этиледи. Ким бул хабардың ҳақлығына ийман келтирсе, бул әлемлердиң иргелеслигин тез түсинип алады. Лекин бул әлемлердиң иргелеслигин қандай көринисте көз алдыңа келтириў мүмкин? Ким бәрше жаратылыстың бирлигин, ондағы бәрше әлемлердиң өз-ара байланыслылығын түсингиси келсе ... бир адам тәрепинен исленген тәбиятқа, өзи менен қатнаслы ҳәр бир нәрсеге зулымлығы бәрше әлемлерге азар келтиретүғынлығын уғады. Олай болса тәрбияны кимнен баслаў керек? ... Ҳәр бир инсанның өзи бир дүнья, бир ашылмаған әлем екен, басқа иргелес әлемлерге жолды қайдан излеў керек? Әлбетте, ҳәр ким өзинен» [2, 54] деп түсиндириледі. Ю.М.Соколова Батыс Европа әдебиятында Джон Мильтонның «Жоғалтылған жәннет» поэмасында хронотоптың тийкары көркемлик хызметин былайынша түсиндиреди: «Таза, қорғалған Тәбият инсанның ишки дүньясы менен салыстырылады. Мильтон өз трактатларында жекке диний сезимниң раўажланыўы ушын ишки дүньяның раўажланыўы әҳмийетли екенлигин жазады. Демек, Мильтон өзиниң трактатларында Жәннет бағы образын сәўлендиреди ҳәм оның қолға киргизилиўи шығарманың соңында келтирилген сол ишки жәннет («paradise within») пенен байланыслы әмелге асырылады». («Чистый, защищенный мир Природы сравним с внутренним миром человека. В трактатах Мильтон писал, что развитие внутреннего мира является важным для развития личного религиозного чувства. Следовательно, в трактатах Мильтон говорит о том самом внутреннем рае («paradise within»), который олицетворяет образ Райского сада в поэме и обретение которого провозглашается в конце произведения» [10, 9]. Демек, «Жәннет бағы» романындағы усы атамдағы хронотоп инсанның бай ишки руўхый дүньясы, оның «руўхый жәннети» тымсалында сўўретленген поэтикалық образ деп алсақ болады [11, 558]. Улыўма, А.Халмуратовтың деретиўшилигинде инсан, оның бул дүньяда тутқан орны, тиришилик етиўдиң баслы мазмуны ҳаққындағы экзистенциал ой-пикирлери философ жазыўшының 1970-жыллардағы фантастикалық гүрриңлеринен баслап, 1980-1990-жыллардағы «Бир ақшам», «Тәғдирлеслер» сыяқлы психологиялық, фантастикалық повесттеринде өзиниң эволюциялық жолын басып өтип, автордың өмириниң соңғы жылларында дәреткен «Жәннет бағы» мистика-фантастикалық романында жаңаша көркемлик изленислерди ҳәм поэтикалық формаларды пайда еткенлигин көремиз.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Нуржанов П. Ҳәзирги қарақалпақ романы (сюжет ҳәм конфликт потикасы). – Нөкис. Билим. 2009. 128 б.
2. Халмуратов А. Жәннет бағы. Мистика-фантастикалық романнан үзинди. // Әмиўдәрә. – Нөкис. 1998. - № 5. – Б. 53-89.
3. Хурсанов Д.Б. Ҳәзирги ўзбек шеърятда хронотоп поэтикасы. Филол. фан. фалс. докт. (PhD) дис. ... автореф. – Самарқанд, 2020. 50 б.
4. Бахтин М. М. Формы времени и хронотопа в романе. // Вопросы литературы и эстетики. Исследования разных лет. – Москва. Художественная литература. 1975. 504 с.
5. Жәримбетов Қ. Ашық Зийўар (Әжинияздың ашықлық лирикасының жанрлық өзгешеликлери, образлар дүньясы). – Нөкис. Билим. 1998. 40 б.
6. Жўрақулов У. Михаил Бахтин кашфиётлари. // Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан Узоқ Жўрақулов таржимаси. Тошкент. Akademnashr. 2015. 288 бет.
7. Шодиев Н., Тўраева Б. Бадий вақт ва унинг системаси. – Тошкент, Fan va texnologiya, 2012, 64 б.
8. Мухарлямова Г.Н. Хронотоп в татарской прозе 20-30-х годов XX века. Монография. – Казан. 2018. 152 с.
9. Халмуратов А. Жәннет бағы. Мистика-фантастикалық романнан үзинди. // Әмиўдәрә. – Нөкис. 1998. - № 5. – Б. 53-89; - №6. – Б. 54-74.
10. Соколова М.Ю. Особенности пространственно-временных характеристик поэмы Джона Мильтона «Потерянный рай»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород. 2011. 23 с.
11. Sagidullaeva Dj.N. The chronotope of the «Jánnet bağı» (Garden of paradise) in the novel of the same name by Karakalpak writer Amangeldi Khalmuratov. International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, USA, issue 12, volume 104 published December 30, 2021. Impact Factor ESJI 9. – P. 556-559.

Амангелди Халмуратовнинг «жаннат боғи» романида хронотопнинг турлари

Сагидуллаева Ж. Н. Қарақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақола қарақалпоқ адабиётшунослигида жуда кам ўрганилган долзарб муаммоларнинг бири хронотоп (бадий замон ва макон) поэтикасига бағишланган. Унда XX асрнинг 90 йилларидаги қарақалпоқ насрида хронотопнинг ўрни истеъдодли ёзувчи Амангелди Халмуратовнинг «Жаннат боғи» романи мисолида тадқиқ этилган. Мақолада хронотоп турларининг роман поэтикасидаги ўрни қаҳрамон ички дунёси ва асар композицион хусусиятлари билан боғлиқ бадий таҳлил этилган.

Таянч-сўзлар: хронотоп (вақта ва макон), очик макон (ташки олам, Мангу сахар сайёраси), ёпиқ макон (устахона, меҳмонхона, 610 хона, боғ, Жаннат боғи, қаҳрамон ички олами), чегара макон (дераза, девор, бўсаға, расм), сюжет вақти (тун, тонг сахар), психологик (ретроспекция, проспекция) вақт.

Типы хронотопа в романе Амангелди Халмуратова «Райский сад».
Сагидуллаева Дж. Н. Каракалпакский государственный университет

Резюме. Статья посвящена поэтике хронотопа (художественного времени и пространства) – одной из наиболее малоизученных актуальных проблем каракалпакской литературы. Роль хронотопа в каракалпакской прозе 90-х годов XX века исследуется на примере романа талантливого писателя Амангельди Халмуратова «Райский сад». В статье дается художественный анализ роли видов хронотопа в поэтике романа применительно к внутреннему миру главного героя и композиционным особенностям произведения.

Ключевые слова: хронотоп (время и пространство), открытое пространство (внешний мир, Планета Вечного рассвета), закрытое пространство (мастерская, гостиница, комната 610, сад, Райский сад, внутренний мир героя), граница (окно, стена, порог, картина), время сюжета (ночь, рассвет), психологическое (ретроспективное, проспективное) время.

Types of chronotope in Amangeldi Khalmuratov's novel "Garden of Eden".

Sagidullaeva J. N. Karakalpak State University

Rezume. The article is devoted to the poetics of the chronotope (artistic time and space) – one of the most poorly studied topical problems of Karakalpak literature. The role of the chronotope in the Karakalpak prose of the 90s of the twentieth century is investigated on the example of the novel "Garden of Eden" by the talented writer Amangeldi Khalmuratov. The article provides an artistic analysis of the role of the types of chronotope in the poetics of the novel in relation to the inner world of the protagonist and compositional features of the work.

Key words: chronotope (time and space), open space (outside world, Planet of the Eternal Dawn), closed space (workshop, hotel, room 610, garden, Garden of paradise, hero's inner world), border (window, wall, threshold, picture), time plot (night, dawn), psychological time (retrospection, prospectus) time.

ЎЗБЕК ТИЛИДА “БОШ” КОМПОНЕНТЛИ ПОЛИСЕМАНТИК СОМАТИЗМЛАР

Абдуллаев Д.А.

Қорақалпоқ давлат университети

Фразеография (юнонча *phrasis* – ифода, *grapho* – ёзаман) фразеологик материални муайян тизимга солиш, иборалар махсус луғатини тузиш аниқ усуллари белгиланган, илмий асосланган танлов тамойилларини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланадиган тил сатҳи ҳисобланади. Амалий лексикография тажрибасига таянадиган истилоҳ ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этиб, луғатчилик таснифий жиҳатларини умумлаштиради. Сўзлик яратиш методологияси аслида синтактик конструкцияга бориб тақалади. Унинг объекти сифатида тўплам, маълумотнома, луғат, китоб, мажмуа қайд қилинади. Талкин ва шарҳ ёрдамида синтактик бирлик ҳажми, тузилиши ҳамда қўлланилиш доирасини белгилайдиган атамада нутқ шакли тадқиқот саҳнига чиқади. Тушунча изоҳи муаммо мағзини тавсифлайди.

Ўзбек амалий фразеографияси лексикография таркибида ҳосил бўлган сатҳ ҳисобланиб, луғат мақоласида иборалар қўлланмасини қамраб олиш устувор вазифа сифатида белгиланади. Айнан фразема шаклида туб сўз ва кўчма маъно ўзаро муносабатга киришувини инобатга олсак, жараён моҳияти луғавий бирликдан семантик бутунликка ўтиш даражаси билан боғлиқлиги аёнлашади. Жорий ҳолатда функционал мазмун қисман ёхуд яхлит тасаввурга кўчади. Тайёр конструкция сифатида тилда ифода ҳамда талқинни уюштирадиган иборада инсон жисмоний ва руҳий аҳволини акс эттириш муддао қилиб қўйилади. Иккинчидан, фразеологик бирликлар том маънода миллат дунёқараши ўзига ҳослигини сақлайди. Шундай экан, идиоматик салмоқ унинг асосини белгилайди. Масалага когнитив ёндашган ҳолда ўзбек фразеологик заҳирасида катта ҳажмни эгаллайдиган соматик ифода табиати, унинг луғат мақоласида тутган ўрнига эътибор қаратайлик.

Соматик фразема тил маърифати ҳалқасида ўзига хос ўрин тутадиган истилоҳ саналиб, маданиятлараро лисоний коммуникация тизими услуб вазифавий имкониятларини аниқлаштиришни мақсад қилиб қўяди. Луғавий бирлик этник маданият тўғрисида архетипик тасаввурларга таянадиган дунёқарашни шакллантириш, воқелик идроки интизомини расмийлаштириш, ахборотни сақлаш ва қайта ишлаш воситасида соматик ифодага айланади. «Инсон танасига кўчирилган тил бирликларини кодлаштириш соматик фразема хусусиятларини изоҳлайди. Уни шартли тарзда, маданий устқурма конструктлари: соматик-даврий-мақоний-моддий тамойилларга ажратиш мумкин», - дея ёзади рус услубиятчиси Л.А.Сайфи. Дарҳақиқат, одатий тил бирлигидан соматик ифодага ўтиш лисоний-маданий алоқадорликни тақозо этади. Аслида соматик фразема - ҳар бир миллат арсеналида алоҳида ўрин тутадиган хазина ва тил жозибасини намоён этадиган қадрият. Унда халқ турмуш тарзи, маънавий ва моддий фаолияти, руҳий маданияти ва эътиқоди, тарихи ва асрий тажрибаси худди яхлит акс этади. Унда инсон танасига кўчирилган туйғу, тасаввур ҳамда тимсол муайян қиймат касб этади. Ўз навбатида, истилоҳ нутқ маданияти ҳосиласи ҳисобланади. Бинобарин, атама тилни тараққиётда ва ўзгарувчан тизим сифатида англаш воситаси. Унда лисоний маърифат қадимий давр илдизлари - сўз, тушунча, шакл ва конструкцияларга қоришиб кетади. Айнан соматик иттифоқ тил жозибаси ва унинг қайта амалий ишланганлик даражасини намоён этади. Тўғрироғи, «белги ичида белги» семиологик марказ бутунлигини моделлаштириш тасвир қўлланмаси ўзига хос табиатини уюштириш вазифасини бажаради.

Тилшуносликда соматик фразема масаласи жуда кўплаб тадқиқотчилар (Ф.Вакк, Р.М.Вайнтрауб, В. М. Глухов, К.М.Гюлюмянц, Н. В. Джанелидзе, Ю.А.Долгополов, А.Исаев, Э.Кагайне, Н.Н.Кириллова, Н.В.Куницкая, Э.М.Мордкович, О.Назаров, М.Абилгалиева, Д.Сайпуллаева, У.Бибилейшвили, Г.Н.Прасад, Я.Ражабов, С.Райе, Э.Г.Саусверде, В.Ф.Скнар, Т.Н.Федуленкова, Л.И.Козирев, Ш.Р.Усмонова, кабилар) диққатини ўзига жалб этган ва ҳозирги кунда ҳам бу анъана давом этиб келади. Аслида “соматик фразема” доирасини кенг маънода тушунган маъқул. Жумладан, ҳайвонлар айрим тана аъзолари номлари (*шоҳ, тўғ, дум каби*) кишилар хатти-ҳаракатини ифодалайдиган фраземалар шакллантиришга хизмат қилса, бундай

фраземалар (*думини тутқизмаслик, думини тугмоқ, думи хуржунда, туёғини шиқиллатмоқ, шоҳи синди, шоҳи борми* кабилар)ни ҳам соматик фразема таркибига киритиш мақсадга мувофиқ. Айрим тилшунослар соматик фраземаларни тадқиқ этиш тилшуносликни алоҳида соҳаси, дея ҳисоблашади. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Негаки, соматизмлар асосида шаклланган фраземалар ҳам тил фразеологик тизимига киради ва у ёки бу тилдаги барча фраземалар яхлит фразеология фани томонидан ўрганилади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида айрим лексик соматизмлар бирикувчанлик хусусиятлари ҳам махсус ўрганилиб, уларнинг семантик тараққиёти ҳақида тадқиқотлар яратилди. Бу жиҳатдан Б.Бафоев Алишер Навоий асарларида *“бош”*, *“кўз”* каби соматизмлар қўлланиш хусусиятига доир илмий изланишлари ғоят характерли. Бу ишларда Алишер Навоий асарларида биргина *“бош”* соматизми ёрдамида шаклланган *“кўк тегирмон тоши айландурмак истар бошим”*, *“бошига қуш қўнғон”*, *“бош олиб кетмоқ”*, *“бошим синуқ тош ёғдурди”* сингари фраземалар ҳам маҳорат билан ишлатилганлигини таъкидлайди. Б.Жўраев эса *“бош”* соматизми семантик ҳажми 19 мустақил маънодан иборатлигини аниқлаган, бу сўз охири 20-маъноси эса кўмакчилик функциясини ўзида ифода этади. Ишда *“бош”* сўзи компонент метод ёрдамида таҳлил қилиниши унинг семантик ҳажмини мумкин қадар батафсил белгилашга имкон берган. Б.Жўраев ўз илмий изланишларини давом эттириб, номзодлик диссертациясида *“бош”*, *“огиз”*, *“юз”*, *“тил”* каби соматизмлар семантик мундарижаси, уларнинг кўчма маънода қўлланиб, бир қанча фраземаларни шакллантиришдаги фаол иштирокини изчил таҳлил қилган[7,46]. Ш.Назирова эса *юз, огиз, лаб, қўл, бурун, бош* каби соматизмлар семантик структураси ва бирикув имкониятларини инглиз, ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида қиёсий йўналишда тадқиқ этган. Ишда муаллиф ўзбек тилида учрайдиган айрим соматизмлар синонимларини белгилашда (*қўл - даст, эл, илки; кўз - қароқ, чаши, нигоҳ, дийда* каби) хатога йўл қўйган. Шунингдек, *“ўзбек тили учун соматизмларни норматив бўлмаган ҳолатларда {кумуш қўллар, олтин бош* каби) образлилик учун қўллаш унчалик характерли эмас”, деган фикрга қўшилиб бўлмайди.

“Ҳозирги ўзбек адабий тили” асари *“Лексикология ва семасиология”* қисмида *“бош”* сўзи асл маъноси гавда бўйиндан юқори қисми. Аммо у турли хил сўз бирикмаларида турли маънони ифодалайди: *йўлнинг боши, иш боши, бош вазифа*. Бу сўз фразеологик бирликлар таркибида ҳам келади: *бош кўтармоқ - қўзғалмоқ, ҳаракатга келмоқ; бош бўлмоқ - раҳбарлик қилмоқ; бош эгмоқ - бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ*”, - дея таъкидланган.

Рус тилшунослигида *“рука”* (*“қўл”*) ҳамда *“нога”* (*“оёқ”*) соматизмлари ёрдамида юзага келган уч юздан ортик фраземалар шаклланиш ва тараққиёт жараёни диахрон йўналишда махсус тадқиқ этилган. А.Исаевнинг аниқлашича, ўзбек тилида 86 та лексик соматизм бўлиб, шундан асосий қисми (76 таси) фраземаларни шакллантиришга бевосита хизмат қилади; *“болдир”*, *“бўкса”*, *“думгаза”*, *“ошқозон”*, *“ошиқ”*, *“сон”*, *“умуртқа”*, *“қизил ўнгач”*, *“қўймич”*, *“қовурға”* каби соматизмлар эса фраземалар таркибида учрамайди, чунки бу соматик лексемалар ўзбекча нуткий мулоқот жараёнида кам қўлланади[3,4]. А.Исаевнинг номзодлик ишида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *“бош”* ҳамда *“кўз”* соматизмлари асосида шаклланган фраземалар структурал-семантик жиҳатдан ўрганилган, бундай соматик фраземалар татар, туркман, озарбайжон тилларидаги муқобиллари билан қиёсланган. Олим фикрича, *“жон”*, *“кўнгли”* сингари сўзларни соматик лексемалар таркибига киритиш ва улар асосида шаклланган *“жони чиқди”*, *“жон кирди”*, *“кўнгли бор”*, *“кўнгли қолди”* сингари фраземаларни соматик фраземалар, деб ҳисоблаш маъқул эмас. Ш.Усмонова эса ўзбек ва турк тилларидаги *бош, кўз, қўл, оёқ* соматизмлари иштирок этган бирикмага (*кўзини олиб қочмоқ, бошини қотирмоқ* кабилар) ва гапга тенг соматик фраземалар (*кўзи очиқ, бош омон бўлса* кабилар)ни лексик-семантик ва структурал-грамматик жиҳатдан қиёсий аспектда умумлаштиради. Я.Ражабов рус ва ўзбек тилларидаги соматик фраземаларни семантик ва грамматик жиҳатдан тадқиқ этиб, муайян натижаларни қўлга киритади. Ш.Абдуллаев ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги *“бош қотирмоқ”* // *“бас қатырыу”* фраземалари семантик хусусиятларини ўрганиб, уларни таржима жараёнида муқобил шаклда ифодалаш усулларини аниқлашга интилади[1, 80]. Олим бундай изланиш натижалари кейинчалик химоя қилинган номзодлик диссертациясида маромига етади. Баъзи тадқиқотларда соматик фраземалар грамматик, семантик ва функционал хусусиятлари тадқиқ саҳнига чиқади.

Соматик фразема тийнатиини инсон коммуникатив ахлоқи ташкил этади. Тўғрироғи, одамзод шаклланиш тарзи барча босқичлари борлиқни англаш йўсинидаги изланишлардан иборат. Унда **паратил** (А.А. Реформатский, Е.И.Рогов) нуткий ифода тўлдирувчиси даражасига чиқади. Ахборот узатиш қўшимча узвлари маъно майдони кенгайиши ҳосиласи эканлигини ҳисобга олсак, ибора тил бирликлари таркибий қисми эканлиги аёнлашади. Айнан анатомик лексика олам лисоний манзарасини чизиш баробарида моҳият янгилашини далолатлайди ва нафақат ифода йўсини, балки тил ҳамда маданият жузвида тасаввур тизимини яхлитлаштиради. Руҳият, макон ва замонга дахлдорлик ҳисси унинг асосини ташкил этади.

Соматик компонентлар инсон тана аъзосини мантиқан урғулаш, унга ишора қилиш воситасида реал салмоқ касб этади. Уни шартли равишда соматик майдон ва соматик макон тарзида икки қатламга ажратиш мумкин. Агар дастлабки қатламда аниқ инсон тана аъзолари етакчи тасвир предметига айланса, иккинчи жузв сезиш, кўриш, ҳаётгий фаолият, ҳаракат ва нутқ хусусиятларини жамлайди. Хусусан, *тилини тишлади* бирикмаси соматик майдон ҳосиласи, *нигоҳ ташлади* фраземаси соматик маконда кенгайган луғавий бирлик саналади. *“Жон(и) ҳалқум(и)га келди”* ибора полисемияси маъно бир-бирига қўчиши усули билан тарақкий этган. Яъни бу фразема кейинги уч маъноси (чидами тугаб, яшашдан ҳам безор бўлиб кетмоқ; ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ; ниҳоятда қаттиқ қўркмоқ) биринчи маъноси (ўлар ҳолатга етмоқ) дан қўчириш усули

билан ўсиб чиққан, ривожланган. Бу маънолар орасида учинчи маъно (ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ) бошқаларидан ажралиб, янги бир семантик йўналиш ҳосил қилган. Буни учинчи маъно (ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ) ва тўртинчи (ниҳоятда қаттиқ қўрқмоқ) ўзаро тушунчалараро маъно зиддияти ифодаси табиатидан ҳам билиб олса бўлади. Лекин учинчи маъно (ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ) асосида мустақил иборанинг шаклланиши учун етарли асос йўқдек туюлади, чунки бу полисемантик ибора бошқа маънолари биринчи маъно (ўлар ҳолатга етмоқ)га қандай боғланса, унинг учинчи маъноси (ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ) ҳам шундай боғлам ҳосил қилади. Бу ўринда *"жони ҳалқумига келди"* ибораси таркибидаги ўзаро зид икки фразеологик маъно (ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ - ниҳоятда қаттиқ қўрқмоқ)ни бир полисемантик ибора маънолари сифатида қараш мумкин. Шундай бўлса-да, *"жони ҳалқумига келди"* полисемантик ибораси учинчи ҳамда тўртинчи маънолари орасида семантик муштараклик мавжуд, яъни ниҳоятда ғазабланиш ва қўрқиш ҳолати гарчи мантиқан бир-бирига зид бўлса-да, уларнинг ҳар иккаласини ҳам "ниҳоятда" семаси бирлаштириб туради. Шунга қўра, бу икки маънони бир-бирига туташтириш ҳам, қўшиш ҳам мумкин. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, *"жони ҳалқумига келди"* ибораси изоҳида ЎТИЎЛда тўғри йўл танланган кўринади. Бу ҳол луғатда *"жони ҳалқумига келди"* полисемантик ибораси қуйидаги уч маънони қайд этилган: 1) ўлар ҳолатга етди; 2) сабри тугаб, яшашдан ҳам безор бўлиб кетди; 3) ниҳоятда қаттиқ қўрқди [10, 23]. ҚЎРФЛда *"жони ҳалқумига келди"* // *"жони ҳиқилдоғига келди"* // *"жони бўғзига келди"* иборалари моносемантик гуруҳ тарзида изоҳланган [11, 110].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида "бош" компоненти асосида *бош тортмоқ*, *бош қотирмоқ*, *бош қўшмоқ*, *бош устига*, *боши очик*, *боши осмонда* сингари эллиқдан ортиқ фразеологизмлар шаклланган. Бу иборалар орасида кўп маънолилиқ хусусияти ҳам кенг тарқалган, улар лексикографик талқини ҳам бир хил эмас. Масалан, тилимизда "бош суқмоқ" ибораси бўлиб, уч маънолидир. Унинг дастлабки маъноси "гавдаси ташқарида қолиб, бошини тикқан ҳолда қарамок"қа мувофиқ келади: *«Эшикни очиб ичкарига бош суқди»* (Қ.Норқобил. Куёшни ким уйғотади. 144). Шу билан бирга "бош суқмоқ" ибораси "кирмоқ" маъносини ҳам билдиради, ана шу маъно билан ибора "бошини суқмоқ", "бошини тикмоқ" шакллари билан вариантдош, "бурнини суқмоқ" ибораси билан эса синоним саналади: *...трестга албатта киринг, план бўлимига бир бош суқиб ўртоқ Холмат Юнусовичга ...салом дейишни унутманг* (А.Мухтор. Туғилиш); *...эртадан бери ёлғиз ўтирибман. Сен ўлгур бу уйга бир марта ҳам бошингни тикмадинг* (Ойбек. Кутлуг кон).

Амалиётда кенг қўлланиладиган ибора учинчи маънони "аралашмоқ" бўлиб, бу жиҳатдан ибора "бош қўшмоқ 1" ва "бурнини суқмоқ 2" шакллари билан ўзаро маънодош ҳодиса саналади: *Собиржон бировларнинг гапига кириб, шунақанги ишларга бош суқмаса эди* (А.Мухтор. Опа-сингиллар); *Кечагина келган одам ишчи кучини тақсимлашдай масъулиятли ишга маслаҳатсиз-несиз бош суқса...* (С. Қаххор. Дайди кизнинг дафтари. 16.).

Тилимизда фаол қўлланиувчи *"бошидан кечмоқ"* ибораси ҳам икки маънолидир. Унинг дастлабки маънони *"ўз ҳаётида кўрмоқ, ҳис қилмоқ"* бўлиб, *бошидан кечирмоқ*, *бошидан ўтмоқ*, *бошидан ўтказмоқ* сингари иборалар билан вариантдош саналади (10, 47): *...шу кеча-ю кундузда бошидан кечаётган воқеалар унинг фикрини ҳамон аламли бир ноаниқлик билан чулғаб турарди* (А.Мухтор. Опа-сингиллар); *Бундай тўйлардан ўн-ўн бештасини бошидан ўтказган* (Ғ.Ғулом. Ҳикоялар);

Кўрсат ҳамма-ҳаммасини,

Қайта *бошидан кечирай*

Кўрсат ўша қизни яна,

Яна қасам ичирай.

(М. Жалил. Сайланма. 72.)

Бу иборанинг иккинчи маънони *"маълум бир муддат фикрламоқ"* бўлиб, бу маъно билан у *бошидан ўтмоқ*, *бошидан ўтказмоқ*, *миясидан ўтмоқ*, *миясидан кечмоқ* сингари иборалар билан вариантдош, кўнглидан ўтмоқ, кўнглидан ўтказмоқ, ҳаёлидан ўтмоқ, ҳаёлидан ўтказмоқ, фикридан ўтказмоқ каби бир қатор иборалар билан ўзаро маънодош саналади (10, 48): *«Зайнабнинг бошидан ўтганлари Муштарийга қоронғи эди»* (Тоҳир Малик. Шайтанат. 114.); *"Қайтиб кўраманми-йўқми?" - деган фикр бошидан ўтди-да, алақандай муҳкам ва оғритувчи сезгининг турткиси билан оғир хўрсиниб қўйди* (С. Қаххор. Дайди кизнинг дафтари. 221).

Полисемантик характердаги "бош эгмоқ" ибораси ҳам икки маъноли. Унинг дастлабки маънони "итоаткор бўлмоқ" тарзида "бошини эгмоқ" ибораси билан вариантдош, *бўйин эгмоқ*, *бўйини ҳам қилмоқ* иборалари билан эса ўзаро маънодош: [10, 56]: - *«Акмал ҳар ҳолда бўйин эгиб, жим қолаверишни лозим топмади»* (С.Қаххор. Дайди кизнинг дафтари. 244).

Ибора иккинчи маънони "итоат қилмоқ, бўйсунмоқ" бўлиб, *эгилган бош*, *бошини эгмоқ* сингари вариантдошлари ҳам бор (10, 56): *«Андишадан қизариб кетган Улғбек «хўп» дея бош эгди-ю, «яхши қолинглар» деганича шоша-пиша ишга жўнаб кетди»* (В.Мадаминов. Ўргимчак тўри. 35.).

Жумладан, истеъмолда фаол қўлланиладиган "бош қўшмоқ" ибораси ҳам полисемантик хусусиятга эга ҳисобланади. III.Раҳматуллаев луғатида жорий фразеологик бирлик икки маънони махсус таъкидлаб кўрсатилган, лекин *"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"*да жорий ибора фақат бир маънони келтирилиб, "аралашмоқ, қотишмоқ" тарзида изоҳланган [12, 1, 138].

Она элим

Минг шукурки, қолмадик тунда

Тилак шуки, кодир Оллоҳ ёнингни олсин,

Ҳар бир боланг Чўлпон бўлиб

бош кўтарсин-да.

Эрк байроғи азал-абад ўзингда қолсин! (Х.Худойбердиева. «Уйғон» сўзин айтгач. 624.)

"Бош кўтармоқ" ибораси семантик жиҳатдан анча мураккаб хусусиятга эга бўлган фразеологизмлардан бири, чунки ибора бир томондан кўп маъноли, иккинчи томондан, омонимик (шаклдошлик) хусусиятга эга. Шунга мос равишда, ибора семантик хусусиятларига кенг тўхталиш жоиз.

Бош кўтармоқ ибораси Ш.Раҳматуллаев луғатида тўрт хил маъноси кўрсатилган: 1. Қарамоқ, назар ташламоқ: «Муҳайёга нима керак ўзи? Наҳотки, мени бир умр ювса ҳам кетмас иснодга қолдирмоқчи? Энди қандай бош кўтариб юраман?» (М. Исмоил. Баҳорнинг энг сўнгги лоласи. 254.); «Агар унга биров зарра ишонч билдирса, бу ишончни оқлаш учун жонини ҳам беришга тайёр-ку. Шунча шармандалиқдан сўнг, энди бошимни қандай кўтариб юраман?» (М.Исмоил. Баҳорнинг энг сўнгги лоласи. 102.);

Сени излаб тополмадим,

Ўз жонимни қутқариб.

Эл ичида энди қандай

Юрайин бош кўтариб. (М. Жалил. 92-6.).

Шу ўринда таъкидлаш шарт, «бош кўтармоқ» ибораси кўшимча маъно тўлдирувчиси ҳам (иснод, шарманда бўлишдан қўриқш ҳисси) англашилади. Аслида ўзига ҳақ инсонгина тик боқа олади. Шундай экан, фраземани маъно кенгайтириш ҳосиласи сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Қилиб турган ишини тўхтатмоқ: Қандай қилиб ишни ташлаб кетаман. Ҳамма бош кўтармай ишляпти ахир. Уят! (П.Турсун. Ўқитувчи).

2. Қўзғалмоқ, ҳаракатга келмоқ: «Сочлари кўкрагига ёйилган хотинига бир суқланиб қаради-да, эрталабки дил ғашлиги бош кўтарди» (К.Аваз. 65.).

3. Курашга чоғланмоқ:

Сулаймон ўлди деб девлар қутурмиш,

Кўтариб бош ўзин ҳар ёнга урмиш,

Қилиб пайхон гулистонларга кирмиш,

Одамларни чўлу саҳрога сурмиш,

Сулаймон ўрнига тахтга ўтирмиш. (М.Жалил. 8.).

Шундай қилиб, ўзбек адабий тилида учрайдиган "бош" компонентли иборалар полисемантик хусусияти билан фарқланиб туради. Лекин бундай иборалар луғатлардаги изоҳи, лексикографик талқинида қатор нуқсонлар борки, уларни бартараф этиш, мустақилликдан кейинги давр талаблари асосида тилимизнинг янги фразеологик луғатини тузиш долзарб муаммолардан бири саналади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Ш. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги бош қотирмоқ ибораси ҳақида //Тил ва адабиёттаълими. 2005. № I. - Б. 80-82.
2. Исаев А. К сравнительному изучению соматической фразеологии (на материале узбекского, немецкого и английского языков) // Бюллетень по фразеологии. № 1. Труды СамГУ. Новая серия. Выпуск 234. - Самарканд, 1972. - С. 40-44.
3. Исаев А.И. Соматические фразеологизмы узбекского языка. Автореф. дисс.. канд. филол. наук - Ташкент, 1977. - С. 4-20.
4. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикасининг баъзи масалалари // Навоий ва ижод сабоқлари. - Тошкент: «Фан», 1981. - Б. 114-131;
5. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. - Тошкент: "Фан", 1983. - Б. 45-87.
6. Йўлдошев Б. Соматик фразеологизмларнинг айрим грамматик ва семантик хусусиятлари // Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари (ил.мий мақолалар тўплами). - Самарканд: СамДУ нашрм, 1985. - Б. 48-50;
7. Жўраев Б. Бош сўзининг маънолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982. № 3. - Б. 46-49.
8. Йўлдошев Б., Рашидова У. Навоий асарларида "бош" компонентли фразеологизмларнинг қўлланиш
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (5 томлик, 2006-2008 йй).
10. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.1978: Тошкент, -Б.401.
11. Содикова.М. Қисқача русча-ўзбекча фразеологик луғат.Тошкент. 1972. –Б.120

Ўзбек тилида "бош" компонентли полисемантик соматизмлар

Абдуллаев Д.А. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада "бош" компонентли иборанинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ҳақида сўз боради. Ҳамда соматик фразеологизмларни жаҳон ҳамда ўзбек тилшунослигида ўрганганлик даражаси тавсифланади. Шунингдек, соматик фразема ҳар бир миллат арсеналида алоҳида ўрин тутиши таъкидланади. Соматик фразеологизмларнинг тил жозибаси ва унинг қайта амалий ишланганлик даражасини намоён этиши ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар. Фразеография, фразеологизм,соматизм, соматик фразема, полисемантик фразема, семиологик марказ, миллат арсенали, семасиология.

Ўzbek tilinde "bas" komponentli polisemantik somatizmlar

Abdullaev D. A. Qaraqalpaq mámleket universiteti

Rezyume: Maqalada "bosh" komponentli frazeologizminin ózbek til biliminde úyreniliwi haqqında sóz baradı. Hám de somatik frazeologizmlardin jáhán hám ózbek til biliminde úyrenenlik dárejesi xarakterlenedi. Sonin menen birge, somatik frazema hár bir millet arsenalında ayırıqsha orın tutıwı ayıladı. Somatik frazeologizmlardin tildin ózine tartatugını jáne de onıń qayta ámeliy islenenlik dárejesi kórinetugınlıgı haqqında maǵlıwmat beriledi.

Tayaniş sózler: Frazеография, frazeologizm, somatizm, somatik frazema, polisemantik frazema, semiologik oray, millet arsenalı, semasiologiya.

Полисемантические соматизмы с «главным» компонентом в узбекском языке

Абдуллаев Д.А. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье рассматриваются вопросы изучения словосочетания «главный» компонент в узбекском языкознании. Также описан уровень изучения соматической фразеологии в мировом и узбекском языкознании. Подчеркивается также, что соматическая фразировка занимает особое место в арсенале каждого народа и является языковой достопримечательностью. Предоставляется информация о привлекательности языка для соматических фразеологизмов и степени его переработки.

Ключевые слова. фразеография, фразеология, соматизм, соматическая фразировка, многозначная фразировка, семиологический центр, арсенал нации, семиотика.

Polysemantic somatisms with a "main" component in the Uzbek language.

Abdullaev D.A. Karakalpak State University

Summary. The article deals with the study of the phrase "main" component in Uzbek linguistics. The level of study of somatic phraseology in world and Uzbek linguistics is also described. It is also emphasized that somatic phrasing occupies a special place in the arsenal of every nation and is a linguistic landmark. Information is provided on the attractiveness of the language for somatic phraseologisms and the degree of its processing.

Key words. phraseography, phraseology, somatism, somatic phrasing, polysemantic phrasing, semiological center, nation's arsenal, semiotics.

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA AREAL LINGVISTIKA SOHASINING DOLSARBLIGI

Ibragimova Z.Yu.

Qoraqalpog' davlat universiteti

Dunyo tilshunosligida areal tilshunoslik ko'p sohaviy bo'lib shakllandi, shunga asosan, arealogiya italyan neolingvistiklari, jahon lingvogeografiyasi hamda tillar ittifoqi yo'nalishi vakili bo'lgan tishunoslarning amalga oshirgan tadqiqotlarini o'zida mujassamlashtirdi. Dialektlarni arealogik tamoyillar va lingvistik tadqiqot metodlari asosida o'rganish muhim muammo sifatida qo'yildi. Til sistemasini yaxlit o'rganishda dialekt va sheva areallarini tadqiq etish katta ahamiyatga ega.

Tillarning turli xil xususiyatlarni areal jihatdan o'rganish esa jahon tilshunosligida ancha ertaroq boshlangan. Mazkur soha keyingi yillarda o'zbek tilshunosligining ham muhim yo'nalishlaridan biriga aylangan. Areal lingvistikaning paydo bo'lishi dialektologiya sohasidagi turg'un bo'lib qolgan ayrim jihatlarni, dialekt va shevalar mohiyati, xususiyatlari, o'zaro aloqalari, ularning tasnifi, tavsifi masalasidagi tushunchalarni yangicha baholashga, yangicha usullarda hal qilishga keng yo'l ochdi [3,4]. O'zbek tili va dialektlarini areal jihatdan tadqiq etish bugungi o'zbek tilshunosligida o'ziga xos ahamiyat kasb etib bormoqda. Ayni paytda o'zbek shevalari va ularning o'ziga xos xususiyatlarini areal lingvistik tadqiqotlar nazariy asoslariga tayanib, tarixiy-qiyosiy va etnolingvistik jihatdan tadqiq etish ustivor yo'nalishlardan biri bo'lib qolmoqda. Zero, "... bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'liga utmoqdamiz. Zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi" [1,23]. O'zbek xalq shevalari rang-barang xususiyatlarni o'zida ifoda etadi. Ularning xaritalarda tarqalishi, arealogik jihatdan tadqiq qilishga til o'rganuvchilar uchun tilshunoslik va dialektologik qonuniyatlariga amal qilishi qo'l keladi. Lingvogeografik xaritalarda ko'rsatilgan dialektal xususiyatlarning tarqalishi tilshunoslarga ayrim til hodisalarining tarixiy taraqqiyoti, o'zbek milliy tilining shakllanish jarayonlari, adabiy til takomili kabi talay masalalarni yanada chuqurroq va mukammalroq o'rganish imkonini beradi. O'zbek dialektlarini areal lingvistik jihatdan tadqiq qilish shevaga xos bo'lgan xususiyatlarni chuqur tarixiy-etimologik nuqtai nazardan, bir qator bobo til faktlari asosida puxta o'rganish ko'plab tarixiy-lingvistik muammolarning echimi hisoblanadi.

Jahon tilshunosligida areal lingvistika sohasining asoschisi sifatida nemis olimi I.Shmidt nomi tilga olinadi. Uning "Hind-yevropa tillarining qarindoshligi" monografiyasida (1872) birinchi marta "areal lingvistika" haqida fikr yuritiladi. I.Shmidt o'sha asarida A.Shleyxerning "til shajaralari" g'oyasiga qarshi munosabat bildirgan edi.

Areal lingvistikaning keyingi taraqqiyoti dialektologik atlaslarning yaratilishi bilan bog'liq holda nemis olimi G.Venker (1881), fransuz olimlari J.Jilyeron va E.Edmon (1902-1910) hamda boshqa ko'plagan tilshunoslar nomlari bilan bog'liq.

«Areal lingvistika» termini ostida, odatda, quyidagi olimlarning faoliyati va ilmiy izlanishlari nazarda tutiladi: Italiya tilshunosligiga taalluqli neolingvistik ta'limotning bir qanoti vakillari: M.Bartoli, Dj.Bonfante, B.Terrachini, Dj.Devoto va boshqalar; lingvistik geografiya yo'nalishida: Y^e.Koseriu, D.I.Edelman, B.A.Serebrennikov, N.Z.Gadjieva va boshqalar; til ittifoqlari haqidagi ta'limot bo'yicha: V.Vinter, M.Emene, I.Balaj, Y^u.S.Maslov va boshqalar; dialektologiya, lingvistik geografiya va arxeologiya fanlarining tadrijiy rivoji bo'yicha M.A.Borodina va uning shogirdlari tomonidan ilgari surilgan g'oyalarga tayaniladi.

K.de Monbre, J.Jilyeron, D.Mone, G.Venker, F.Vrede, K.YAberg, YA.YUd, P.Meer, V.Jirmunskiy, D.Edelman, I.I.Sereznvskiy, N.Z.Gadjievalar areal lingvistika sohasining rivojlanishiga o'zlarining munosib hissalarini qo'shdilar [6,10]., Turkiyshunoslik bo'yicha diqqatga sazavor tadqiqotlar sirasida N.Gadjievaning «Turkiy areal lingvistika muammolari O'rta Osiyo mintaqasida» [2,132] kitobini keltirish mumkin. E.D.Polivanov, G^o.O.YUunusov, K.K.YUdaxin, A.K.Borovkov, V.V.Reshetov, SH.SHOabdurahmonov kabi tilshunoslar o'zbek areal lingvistika sohasini ilmiy asarlari, asosli manba – materiallar bilan boyitib, uning rivojlanishiga, takomillashishiga munosib hissa qo'shdilar [3, 10]. Ma'lumki, o'zbek dialektlari arealini o'rganish sohasida professor E.D.Polivanov o'zbek shevalarini birinchilardan bo'lib tasnif qilgan bo'lsa, professor K.K.Yudaxin esa o'zbek shevalari genezisida tillar

interferensiyasiga, o'zbek-uyg'ur va qirg'iz-o'zbek-tojik tillari orasidagi o'zaro munosabatlar masalasini chuqur o'rganishga e'tibor bergan.

O'zbek tilshunosligida areal lingvistika sohasining nazariy asoslarini yoritib bergan olimlarimiz A. Jo'raev, Q. Muhammadjonov, A. Shermatovlar bo'lib sanaladi. Yuqorida nomlari keltirilgan olimlarimiz o'zbek tilshunosligida lingvogeografiya va areal lingvistikaga doir tadqiqotlarning dunyoga kelishida samarali mehnat qilgan. Shuningdek, respublikamizda bugungi kunda o'zbek tilshunosligida areal lingvistika sohasi bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borgan Yuldosh Ibragimov, Ibroh Darvishev, Nigora Murodova va Z. Y. Ibragimovalarning ilmiy ishlari, doktorlik dissertatsiyalari, monografiya, maqolalar e'lon qilganliklarini e'tiborga olish zarur.

Areal lingvistikaning asosiy tushunchalari A.B. Jo'rayevning «O'zbekzabon mintaqani areal o'rganishning nazariy asoslari [5,220] monografiyasidan olish mumkin. Bu monografiyaning «Turkiy tillar areal lingvistikasining ayrim metodologik masalalari»; «Refleksiya». «O'zbek tilshunosligida lingvoareal tadqiqotlarning shakllanishi va rivojlanishining asosiy omili sifatida» deb nomlangan I va II boblari lingvoareal tadqiq maqsadi va usullarini sharhlagan bo's tanishish hamda o'rganish materiali sifatida ahamiyatlidir.

Areal lingvistika dialektologiyadan o'sib chiqqan soha hisoblanadi. Jonli dialektlar qanchalik darajada mavjud bo'lsa, lingvistik geografiya dialektologiya bilan shunchalik bog'liq bo'ladi.

Dialektlar o'z xususiyatlarini yo'qotib, adabiy tilga singib ketganidan keyin dialektologiya dala sharoitida ish ko'rish holatidan mahrum bo'ladi va uning o'rnini lingvogeografik tadqiqot metodlari egallaydi.

Areal lingvistika sohasi bugungi kunda ham ilmiy, ham amaliy jihatdan jadal rivojlanib borayotgan sohalar sirasiga kiradi. Areal lingvistikaning asosiy vazifasi – til hodisalarining ma'lum bir hududga tarqalishini kartalashtirish va tadqiq qilish hamda shundan kelib chiqadigan muammolarni hal qilishdan iborat. Ma'lumki, jonli tildagi har bir lingvistik hodisa o'zining tarqalish chegarasiga, o'z territoriyasiga ega. Masalan, dialektal so'zlar chegarasi ma'lum hudud bilan belgilanadi.

“Areal lingvistika” sohasini qiyosiy tilshunoslikning asosiy tarmoqlaridan bo'lsa ham, bu sohada ancha sezilarli ishlar amalga oshirilayotgan bo'lishiga qaramay, tilshunoslikda “areal lingvistika” tushunchasini qanday talqin qilish borasida aniq bir to'xtamga kelingan emas [4,23]. Shuningdek, xuddi ana shu sohaga taalluqli bo'lgan “lingvistik geografiya” (lingvogeografiya) va “arealogiya”, “dialektografiya” terminlari talqini masalasida ham muayyan munozaralar mavjud. O.S. Axmanova tomidan tayyorlangan “Lingvistik terminlar lug'atida” “areal lingvistika”ni hududiy tilshunoslik, “lingvistik geografiya” esa “dialektografiya” deya talqin qilinadi. “Lingvistik geografiya” atamasi lotincha *lingua*- tilshunoslik va *geo*-yer, maydon hamda *graphe*- chizmoq, yasamoq so'zlaridan hosil qilingan bo'lib, tilshunoslik fanida til hodisalarining tarqalish chegaralarini aniqlovchi sohasidir. Uning o'rganish obyekti dialektologiya fani singari sheva va lahjalar hisoblanadi. Lingvistik geografiya umumiy tilshunoslikning bir aspekti sifatida areal-tipologik metod orqali tillar tipologiyasini o'rganish bilan ham, areal tadqiqot metodi bilan ham ish ko'radi. Lingvogeografiya bilan dialektologiya makon va zamon faktorlariga turlicha munosabatda bo'lsa-da, makon faktori lingvistik geografiyada ham dialektologiyada ham bir xil ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa, territoriya faktori lingvistik geografiyaning asosini tashkil etadi. Chunki, lingvistik geografiya keng territoriyaga ega bo'lishi va bir momentda ko'plab faktlarni qamrab olishi, umumlashtirish hajmining beqiyosligi bilan tasviriy va tahliliy xususiyatiga ega bo'lish bilan dialektologiyadan ajralib turadi. Dialektologiyaning tekshirish obyekti jonli dialektal nutq, dialektal lug'atlar, ilmiy asarlar, qaysi davrga yoki qaysi territoriyaga oidligidan qat'iy nazar, umuman dialektal tekstlar tadqiqotidan iborat bo'lsa, lingvogeografiya areal atlaslar, dialektal lug'atlar, ilmiy tadqiqotlar va ma'lum territoriyagagina oid dialektal tekstlar bilan ish ko'radi. Dialektologiyada og'zaki nutqni transkripsiyada yozib olish, dialektal izohlash haqida ma'lum dialektal xususiyatlarni o'rganish, dialektal lug'atlar, monografiyalar va dialektal atlaslar tuzish ishi bajariladi. Dialektal atlaslar tuzilishi dialektologiyadan areal lingvistikaga o'tish davri hisoblanadi. Shu bilan birga, bu davr o'zining nazariy ahamiyatiga ko'ra areal lingvistika taraqqiyotining dastlabki jarayonidir. Dialektologik tadqiqotlar to'liq til materialiga, to'liq tekst namunalariga ega bo'lsa, lingvistik geografiya esa, anketalashtirilgan kichik til faktlarigagina tayanadi xolos. Ma'lumki, dialektal xususiyatlar asta-sekin iste'moldan chiqib, yo'qolib ketadi. Ular haqidagi ma'lumotlar esa, areal atlaslar va yozib olingan, tekst namunalarida saqlanib qoladi. Demak, yo'qolib borayotgan areal xususiyatlarni yozib olish dialektologlarning muhim vazifasidir. Dialektologiya, asosan, dala sharoitida ish olib borsa, lingvogeografiya metodlarda ish ko'rish dialektologiyaga qaraganda ancha konkret xususiyatga ega. Chunki, lingvistik geografiya materiallari bilan laboratoriyada va kabinetda shug'ullaniladi. Areal lingvistika dialektologiyadan o'sib chiqqan fan hisoblanadi. Jonli dialektlar qanchalik darajada mavjud bo'lsa, lingvistik geografiya dialektologiya bilan shunchalik bog'liq bo'ladi. Dialektlar o'z xususiyatlarini yo'qotib, adabiy tilga singib ketganidan keyin dialektologiya dala sharoitida ishlashdan mahrum bo'ladi va uning o'rnini lingvogeografik tadqiqot metodlari egallaydi. Dialektning lingvogeografik holati uning tashqi ko'rinishi bilan uzviy bog'liq bo'lib, til xususiyatining turli aspektlari bilan kesishadi.

Adabiy til va sheva, shevalarimizning tarqalishi, ularni o'rganishda lingvogeografiya metodidan foydalana olish nuqtayi nazaridan sheva materiallarini tahlil qilishga doir muayyan bilimga ega bo'lish va ularni amaliyotda tatbiq etish muhim ahamiyatga ega. Bu jarayon bevosita amaliy va ilmiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalarida amaliy jihatdan alohida ahamiyat kasb etadi. Ushbu kurs ana shu muammolar bilan shugullanadi. Lingvogeografik tekshirishning asosiy davri tuzilgan atlaslar va boshqa lingvogeografik manbalar ustida olib boriladigan tadqiqot davridir. Rossiyalik olimlar N. Gurov va A. Zograflarning ta'kidlashicha, “areal tilshunoslik” bevosita bir-biriga ta'sir qilgan, munosabatga kirishgan tillarni, tillararo aloqalarni o'rgansa, “areal lingvistika” nafaqat o'zaro munosabatga kirishgan tillarni, balki sheva va lahjalarni o'rganishni ham qamrab olishi bilan farqlanadi [4, 9].

“Areal lingvistika” sohasini qiyosiy, qiyosiy-tarixiy tilshunoslikdan farqi shundaki, qiyosiy tilshunoslikda tipologik o‘xshash va noo‘xshash hodisalar qiyoslanaveradi. Qiyosiy-tarixiy tilshunoslikda esa faqat o‘zaro o‘xshash hodisalar turli davrlar asosida qiyoslanadi. Areal lingvistikada esa bir hodisaning ma’lum bir davrdagi o‘xshashligi tadqiq etiladi. Areal lingvistikaning tadqiq usuli bo‘lgan bunday farqlar uning tavsifiy, qiyosiy, tarixiy tilshunosliklar bilan bir qatorda til haqidagi fanning o‘ziga xos alohida tarmog‘i mavqeida ekanligini asoslaydi. Shunga ko‘ra “Areal lingvistika” sohasini quyidagicha asoslash mumkin:

1. Shevalarning tarqalish jarayonlari va shevalararo birlashish hodisalarining muayyan bir til areali ichida yuz berishi holatlarini o‘rganadi;

2. Hududiy aralashuv sharoitida tillararo aloqalar jarayonida yuz beradigan lahja va shevalardagi integratsion belgilar natijalarini tahlil qiladi;

3. Genetik jihatdan qardosh va qardosh bo‘lmagan tillarning tarixiy aloqalari oqibatlarining zamonaviy sheva va lahjalardagi izlarini o‘rganadi. Bu munosabatlarining lahja va shevalar toponimikasi, antroponimikasi va tilshunoslikning boshqa tarmoqlariga ta’siri masalasi bilan shug‘ullanadi;

4. Xalqlarning madaniy va til aloqalari, ijtimoiy-tarixiy aloqalarining kengayishi natijasida shakllanadigan yangi til areallarini tekshiradi va o‘rganadi.

Areal lingvistika tadqiq materiali, usullari bilan “O‘zbek dialektologiyasi”, “Hozirgi o‘zbek tili”, “Turkiy filologiyaga kirish”, “O‘zbek tili tarixi” kabi o‘quv fanlari uzviy bog‘liq holda bu o‘quv fanlaridan «qoniqarli» bilimga ega bo‘lmay turib, **areal lingvistika** fanining maqsadini anglash, mazmunini uqish va o‘zlashtirish hamda undan ilmiy-amaliy maqsadlarda foydalanish mumkin emas. Demak, xalqning jonli tili – shevalarini o‘rganish va ularni areal tadqiq qilish bir tilning o‘ziga xos boshqa tillarda uchramaydigan jihatlari yoki ularni bir-biri bilan tutashtiruvchi nuqtalarni topish tilning ontologik tabiatini ochib berishga yordam beradi. “Areal lingvistika” coxasi keng qamrovli lingvistik tarmoq bo‘lib, yuqorida tilga olib o‘tilgan: “areal tilshunoslik”, “lingvistik geografiya” (lingvogeografiya), “hududiy tilshunoslik” kabi lingvistik yo‘nalishlar bilan uzviy bog‘liq holda ish ko‘radi.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, arealogik tadqiqotlar o‘zbek tilshunosligida nisbatan yangi yo‘nalish bo‘lganligi va shu kungacha o‘zbek lingvistik atlaslari tuzilmaganligi bu fanning ta’lim tizimida o‘rganilishini dolzarb masalalardan biriga aylantirilishi kerak.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisa Murojaatnomasi – Toshkent: «O‘zbekiston», 2018.
2. Гаджиева Н.З. Тюркоязычные ареалы Кавказа. –Москва, «Наука», 1979.
3. Darvishev Ibrohim. Areal tilshunoslik: janubi-g‘arbiy Namangan shevalarining fonetik-fonologik xususiyatlari. –Toshkent: Navro‘z, 2019.
4. Гуров Н.В., Зограф А. «Ареальное языкознание: предмет и метод (на материале языков Южной Азии)». –Москва, «Наука», 1999.
5. Джурраев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. –Ташкент: 1991 г.
6. Shermatov A. Lingvistik geografiya nima? –Toshkent, «Fan», 1984.
7. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. –Тошкент, «Ўқитувчи» 1978.
8. Ибрагимова З.Ю. Ўзбек диалектологияси фанини модулли ўқитиш таълим технологияси. –Тошкент, «Фирдавс-шоҳ», 2021.

O‘zbek tilshunosligida areal lingvistika sohasining dolsarbligi

Ibragimova Z.Yu. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume. Ushbu maqolada o‘zbek tili va dialektlarini areal jihatdan tadqiq etish, “areal lingvistika” fanining boshqa tilshunoslik sohalari bilan o‘zaro bog‘liqlari haqida so‘z yuritiladi. Tilshunoslikda “Areal lingvistika” sohasi bugungi kunda ham ilmiy, ham amaliy jihatdan jadal rivojlanib borayotgan fanlar sirasiga kiradi. “Areal lingvistika” fani zamonaviy qiyosiy tilshunoslik sohasining asosiy yo‘nalishlaridan biri sanaladi.

Kalit so‘zlar: areal lingvistika, zamonaviy tilshunoslik, qiyosiy tilshunoslik, dialektal lug‘atlar, areal atlaslar, shevalararo birlashish, areal-tipologik metod.

Relevance of areal linguistics in uzbek linguistics

Ibragimova Z.Yu. Karakalpak State University

Annotation: This article discusses the study of the Uzbek language and dialects in the context of the area, the relationship of the science of "Areal Linguistics" with other areas of linguistics. In linguistics, the field of "Areal Linguistics" is one of the most fast-growing disciplines today, both scientifically and practically. Areal Linguistics is one of the main branches of modern comparative linguistics.

Keywords: areal linguistics, modern linguistics, comparative linguistics, dialectal dictionaries, areal atlases, inter-dialectal unification, areal-typological method.

Актуальность ареальной лингвистики в узбекском языкознании

Ибрагимова З.Ю. Каракалпакский государственный университет

Аннотация: В статье рассматривается изучение узбекского языка и диалектов в контексте «ареальной лингвистики». В лингвистике область «ареальная лингвистика» сегодня является одной из самых быстрорастущих направлений, как в научном, так и в практическом плане. Отмечается что ареальное языкознание - одно из основных направлений современного сравнительного языкознания.

Ключевые слова: ареальное языкознание, современное языкознание, сравнительное языкознание, диалектные словари, ареальные атласы, междиалектное объединение, ареально-типологический метод.

ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATINING ONOMOPOETIK KO'LAMI

Madaminov A

Qoraqalpoq davlat universiteti

Onomastika – yunoncha onomastike - so'zidan olingan bo'lib, “nom qo'yish san'ati” degan ma'noni bildiradi. Hozirgi vaqtda bu atama ikki ma'noda qo'llaniladi: 1. Ma'lum bir til, xalq hayotida qo'llanilgan barcha atqli otlarning yig'indisi. 2. Atqli otlar, ularning shakllanishi va o'ziga xos xususiyatlarini o'rganuvchi tilshunoslik sohasi.

O'zbek onomastikasi o'tgan asrning 60-70-yillarida alohida ilmiy yo'nalish sifatida yuzaga keldi. O'zbek nomshunosligida dastlab antroponimika, o'zbek ismlari yuzasidan bir qancha ilmiy tadqiqotlar bajarildi. Jumladan, E.Begmatov (1965y), G'.Sattorov (1990y), S.Rahimov (1998y), R.Xudayberganov (2007y) nomzodlik dissertatsiyalarini himoya qildilar. Shuningdek, Ernest Begmatovning “Kishi nomlari imlosi” (1970y), “O'zbek ismlari imlosi” (1972y), “O'zbek ismlari” (1991y), “O'zbek ismlari ma'nosi” (1998, 2004, 2010yy), “Ism chiroyi” (1994y) nomli bir qator kitoblari nashr qilindi. Yuqorida olib borilgan tadqiqotlarning aksariyatida ismlar, laqablar, toponim, antroponimlar, etnonim va gidronimlarga bag'ishlangan bo'lib, hali maxsus ilmiy-tadqiqot olib borishni kutayotgan onomastik birliklar anchagina. Jumladan, o'zbek onomastikasida ostronimlar, mifonimlar, ktemonim, agnonim, oronim, urbonim, xromonimlar, fitonim, ergonimlar va boshqalar.

Shuni ham alohida qayd qilish lozimki, hozirgacha bajarilgan ilmiy-tadqiqotlarning ko'pchiligi tarixiy-tavsifiy yoki etimologik xarakterda bo'lib, keyingi paytda lingvopoetik va antroposentrik yo'nalishlarda ham tadqiqotlar olib borilmoqda. Jumladan, professor D.Xudayberganovning “Presedent nomlarining antroposentrik tadqiqi”, “Onomastik birliklarga lingvomadaniy yondashuv”, prof E.Begmatovning “Antroponimlar – antroposentrik tadqiq obyekti, D.Andaniyozovning “Onomopoetika terminologiyasi masalalari”, “Badiiy matnning onomastik ko'lami” va “Badiiy matnda laqablarning lingvopoetikasi” kabi maqolalar shular jumlasidandir. Natijada keyingi davrda yuzaga kelayotgan ilmiy tadqiqotlarga nazar tashlasak onomastik birliklarga antroposentrik jihatdan yondashuv keng ommalashib bormoqda. Jumladan, presedent (mashhur) nomlar atamasi mujassamlashtirilgan atamasi o'rnida qo'llanilmoqda. Chunki bunday presedent nomlar tilning barcha uslubiy ko'rinishlarida, ayniqsa, badiiy va publisistik uslubiga xos matnlarda ko'p uchraydi. Ular asosan, xalqimizning milliy tafakkurida, psixologiyasi va milliy madaniyati tarixini, urf-odatlarini hamda mentalitetini o'zida mujassamlashtiradi. Masalan:

O'tgan kuning-o'tgan kundir, O'z boshingga yetgan kundir.	Qodiriyning bergan zamin, Qodiriyning sotgan kundir. (M.Yusuf)
--	---

Ushbu matnda “O'tgan kuning” birikmasi orqali qatag'onlik davri ham, “O'tgan kunlar” romanidagi Qodiriy presedent (mashhur) nomi orqali esa uning fojiali o'limi haqidagi fikr ham eslatiladi, Qodiriy va u yaratgan romanining mashhurligi she'riy matn mazmunining tag ma'nosidan chuqur anglashiladi. Bu albatta, o'quvchidan sinchkovlikni talab etadi, obrazli qilib aytganda, alyuziv nom matnidagi yashirin mazmun olib kiruvchi eshik bo'lsa, o'quvchining bilimi esa eshikni ochib beruvchi kalitdir”, -deb ta'kidlanadi [1, 42].

Presedent nomlarining ikkita muhim xususiyati tilshunoslar tomonidan e'tirof etilgan. Birinchisi mashhurlik, ya'ni egasining lisoniy xotirasidan mustahkam o'rin olish va ikkinchisi ramziylik muayyan sifatlar jamuljamining namunasi bo'lishidir. Bunday presedent nomlar qaysi lingvomadaniyatga mansubligiga ko'ra ham turlarga ajratiladi. Hozirgi vaqtda Alpomish, Boychibor, Ka'ba, Kumush, Otabek, Farhod, Shirin, To'maris, Shiroq, Amir Temur, Cho'lpon kabi o'zbek va Sharq lingvomadaniyatiga oid bo'lsa, Gamlet, Gerakl, Kolumb, Otello, Yago, Buratino kabilari G'arb lingvomadaniyatiga oid nomlar hisoblanadi. Presedent nomlarning funksional turlaridan yana biri allyuziv nom vazifasida qo'llanilishidir. Agar ular nomlar badiiyatida uslubiy figura sifatida qaralsa, lingvokulturologiyada ikki madaniy-semiotik maydonni tutashtiruvchi vosita sifatida e'tirof etiladi. Bunda quyidagi ikki jihat e'tiborga olinmog'i lozim: a) allyuziv nomlarning adabiy faktga ishora qilinishi; b) ularning turli ijtimoiy-tarixiy faktlarga asoslanishi. Masalan:

Andijon-u Hindu – yeti iqlimda Topilmadi Sizga bir dodxoh, Bobur. (S.Sayyid)	Nizomiy bolidan halvo pishurmish, Navoiy zabt etib turkiy jahonni (A.Oripov)
---	---

Birinchi matndagi Bobur allyuziv nomi Sirojiddin Sayyid qalamiga mansub matnni besh asr avval yaratilgan matn bilan Boburning “yuz oh, Z.M.Bobur” deb boshlanuvchi ruboiysi bilan bog'lashga xizmat qilgan bo'lsa, ikkinchi matnda Nizomiy, Navoiy nomlari vositasida Navoiyning turkiy tilda “Xamsa” yaratish tarixiy faktiga ishora qilinganligi ma'lum bo'ladi [2,19].

Onomastik ko'lam tushunchasi ma'lum bir hudud yoki matn doirasida aniqlanadi. Ma'lumki, bizni qurshab turgan moddiy olam nihoyatda murakkab, boy, serqirra va rang-barang bo'lib, holati, shakli, ko'rinishi hamda vazifasiga ko'ra bir-biridan farqlanadi. Kishilar o'zlari yashab turgan hududdagi daryolar, ko'llar, buloqlarni bir-biridan farqlash uchun ularni alohida nomlar bilan ataydilar. Masalan: Amudaryo, Sirdaryo, Zarafshon, Baykal ko'li, Marjonbuloq, Zira buloq kabilari. Demak, atqli otlar narsa va hodisalarni donalab atash zaruriyati tufayli yuzaga keladi.

Tilshunoslikda atqli otlarga nisbatan turdosh otlar ancha mukammal tadqiq qilingan. Atqli otlarga nisbatan bunday munosabat quyidagi xususiyatlari bilan bog'liq: a) atqli otlar turdosh otlar kabi lug'aviy ma'noga ega emas, tushuncha ifodalamaydi. b) tildagi atqli otlarning barcha ko'rinishlari yetarli va to'liq o'rganilmagan va boshqalar atqli otlarni tadqiq etishning murakkabligi, ularning nazariy tomonlari fanda hali yetarli belgilanmaganligi va boshqalar. c) ma'lum bir tildagi atqli otlarning barcha mavjud tiplari va hajmini aniqlab olish, o'sha tildagi atqli otlar doirasini, ular tarqalgan onomastik maydonni bilib olishga ko'maklashadi [6, 22-27].

Demak, onomastik ko'lam biror konkret tildagi atqli otlarning umumiy majmui yig'indisi sanaladi. “Onomastik ko'lam” tor va keng ma'nolarga ega. Har bir til onomastik ko'lamin tashkil qiluvchi kichik va katta ko'lamdagi

onomastik birliklar mavjud. O'zbek tilining mana shu super ko'lamga kiruvchi atoqli otlar ni to'plash va tahlil qilish tilshunoslarimiz oldida turgan eng dolzarb masalalardan biridir.

Quyida biz o'zbek adabiy tilining lingvomadaniy xususiyatlarini o'rganish maqsadida A.Oripov she'riyatidagi onomastik ko'lamni o'rganishni lozim topdik. Buning uchun birliklarni topib bir nechta mavzuviy guruhlariga ajratish lozim. Tadqiqot obyekti qilib A.Oripovning 8 jildlik tanlangan asarlari olindi. Asosan, tanlangan asarlarning birinchi, ikkinchi tomlaridagi she'riy parchalar va shoirning keyingi paytlarda nashr qilingan she'riy to'plamlari tanlab olindi.

Abdulla Oripov ijodida Vatan mavzusi alohida o'rinni egallaydi. Agar biz uning Vatan mavzusidagi she'rlarini tahlil qiladigan bo'lsak, unda qo'llanilgan har bir so'z yoki onomastik birlik mashhur (presedent) nomlar bo'lib ulug'langanini ko'ramiz. Masalan, "Sarob" she'rida shoirning olamga nisbatan ijtimoiy-estetik qarashlari jaranglaydi.

Lekin, do'stlar, rostini aytсам, men o'sha mahal,-	Jondan ortiq sevar edim <i>Ona-Vatanni!</i>	[1,114-115].
--	---	--------------

Shoir ilk she'rlaridayoq Vatan tuyg'usini chuqur anglashi, shu yurt farzandi ekanligidan g'ururlanishini ko'ramiz. Bu tuyg'u uning "Men nechun sevaman, O'zbekistonni" she'rida yana ham avj pardasiga ko'tarilganligi ma'lum. Shoir o'zini Vatanning bir bo'lagi, qalbini esa shu muqaddas Vatan jo bo'lgan bebaho maskan sifatida tasavvur etadi.

Xo'sh, nechun sevaman O'zbekistonni, Sababini aytgin desalar menga	Shoirona, go'zal so'zlardan oldin Men ta'zim qilaman ona yurtimga	[1,14].
---	--	---------

Demak

, shoir Vatan tuyg'usi jamuljam bo'lgan onomastik birligini Ona-Vatan, Ona yurt, O'zbekiston toponimi bilan bog'laydi. Natijada Vataniga, yurtiga bo'lgan muhabbati uning "O'zbekiston" qasidasiga bitiladi. Aslida unda O'zbekistonning mutlaqo yangicha "Qiyosingni topmadim aslo" jumlasini bilan yana ham chuqur kitobxonlar ongiga singdiriladi.

Bu she'rning adabiyotshunoslarimiz tomonidan atroflicha tahlil va talqin qilganligini prof.B.To'xliyev ta'kidlashlari bilan birga shoir eng qaltis bir davrda shunday o'tkir fikrlarni ochiq aytishida buyuk jasorat, katta kuch talab etilganligini alohida qayd qilgan edi. Ammo, bu she'rning qisqa davr ichida katta shuhrat keltirganligini ham alohida eslatadi. Hatto, o'sha davridayoq "O'zbekiston" she'ri xalqimiz qalbidan chuqur joy olganligi, yoddan aytilib yurganligi, maktab darsliklaridan keng o'rin egallaganligi hammaga ma'lum. O'sha davrdagi "O'zbekiston" she'rining ayrim misralarini bir eslaylik:

<i>Amerika</i> – sehrli diyor, Uxlar edi Kolumb ham hali Dengiz ortin yoritdi ilk bor	<i>Beruniyning</i> aql mash'ali. <i>Kolumbda</i> bor alamim manim, <i>O'zbekiston-Vatanim</i> manim.
---	--

Tarixchi, astranom, geograflar mutaxassis sifatida bu tarixiy faktlarni bilishi, tabiiy. Ammo, million-million kitobxonlar, jumladan, o'quvchi yoshlar ham ushbu faktni – tarixiy haqiqatni A.Oripov she'riyati tufayli bilib olganligi sir emas. "Mo'min Mirzo", "Suv", "Genetika", "Xamza monologi", "Afg'oniston yoshlariga" kabi she'rlarida ham ana shunday ma'rifiy nuqtalar ko'zga tashlanadi. Yuqoridagi "O'zbekiston" she'ridagi oxirgi

Kolumbda bor alamim manim, // O'zbekiston Vatanim manim –misradagi "Shoir kuylagan bu "alam" – xalqning buyuk armoni, dardi, g'ururi ekanligi hammaga ma'lum. A.Oripov ijodida juda ko'p presedent nomlar qo'llangan bo'lib, ular shoir qalamiga mansub juda ko'p tarixiy, falsafiy,ijtimoiy-siyosiy va mafkuraviy-ma'rifiy jihatlarida olamning lisoniy manzarasi yoritilganligini ko'ramiz. Ma'lumki, fizik olimlar olamning fizik va mexanik manzaralarini yaratsalar, tilshunos olimlar olamning lisoniy manzarasini chizishga harakat qiladilar. Agar biz A.Oripov she'riyatidagi onomastik birliklarni tahlil qilsak shoir juda ko'p leksik birliklar orqali olamning lisoniy manzarasini yaratishga harakat qiladi.

Ma'lumki, paradigmatic munosabat muayyan belgi asosida xotirada bog'lanib turuvchi xilma-xil assosiativ munosabatlarni tashkil etadi. Bularni o'rganish til egasining xotirasida muhrlangan olamning lisoniy manzarasini to'g'ri yoritishda, unda aks etgan xarakter va ifoda xususiyati turlicha bo'lgan matnlarga munosabat bildirish katta ahamiyat kasb etadi. Masalan, shoirlar o'z she'riyatida tasvirlayotgan davr voqealarini lisoniy birliklar orqali nechog'liq tabiiy, ishonarli, aniq ifodalashlari uchun o'sha davrning tarixiy-lisoniy manzarasini qay darjda to'g'ri idrok etishi va unga mos onomastik birliklarni qo'llay olishiga bog'liq bo'ladi. Onomastik birliklar nafaqat tushuncha va obyektning nomlari, balki o'zida xalqimizning milliy madaniyati, tarixi, urf-odatlarini aks ettirgan lingvomadaniy, etnolingvistik va onomopoetik manba sifatida ham o'rganishni taqozo etmoqda. Ayniqsa, badiiy matnning onomastik ko'lami bevosita onomastik birliklarning lingvopoetik tadqiqi bilan bog'liq [7, 70-71]. Bunday badiiy matn qamrovidagi antropomim, toponim, zoonim, biblionim kabi onomastik birliklar majmuining asar struktural-semantik yaxlitligiga ta'sir etishi barobarida, matnning ichki dinamikasi va ohang butunligiga ham birdek xizmat qilishiga diqqat qaratiladi. Qolaversa, badiiy matndagi onomastik birliklar matn ko'lami, mazmun va uslubini shakllantiruvchi muhim vosita hisoblanadi. Masalan, A.Oripov 1963-yili yozgan "Onamga xat" she'rida o'zining ruhiy holatini shunday tasvirlaydi:

Qaytgim keldi, onam, yoniga // Yuragimda ismsiz dardlar.

Bu she'rning davomida shoir o'z ruhiy holatini quyidagi poetik detallar orqali tasvirlaydi: *sovuq xona, soat chiq-chiq, tashqarida xazonrez bog'lar, yomg'irning jim xonish qilishi...* Ularning hammasi Ona presedent nomini yodga tushiradi va shoirning ona sog'inchini eslatadi. Shoirning onasini sog'inchi keyinchalik quyidagi misralarda yana ham to'kib tashlanadi: Shodmon yursam, mening yodimga // Sen tushmaysan rostdan, *Onajon*.

Ma'lumki, bu she'rida odamzotga xos bir xususiyat borki, bu o'z dardini hammaga emas, faqat onasiga ochmoqda. Hatto, u shunday deydi: "Onalar obrazi o'zi bitta, lekin shakl-shamoyili, ismi har xil bo'lishi mumkin. Lekin hamma onalarning fazilati bir xil. Umuman, hamma dinda, millatda ona-bu mehr degani. Ona farzand uchun yashaydi, afsuski, farzand ona uchun yashamaydi. Shunday katta farq bor. Ona bolasi uchun doim tayyor turadi. Lekin farzandni esa , albatta, ona uchun qurbon bo'ladigan fidoyi qilib tarbiyalash kerak", - A.Oripov [9, 343].

Shoirning o'z onasi "Onam Turdi Karvon qizi xotirasiga" bag'ishlangan "Onajon" she'rida bu tuyg'ular ta'sirchan va dardli jaranglaydi:

Qo'llarida oq yelpig'ich Oy nurida yaltirar.	Onajonim imlab meni Qoshlariga chaqirar.
---	---

Ma'lumki, A.Oripov onasi vafot etganida 25 yoshda edi. Bu she'ri avtobiografik xarakterga ega bo'lib, Ibrohim Haqqulov ta'kidlaganidek, she'rida ona obrazi bilan shoirning hayoti, shaxsiy kechinmalari o'zligi ham aks ettiriladi. "Muhimi, she'rida bibliografik lavhalar ham milliy ruh va yuksak badiiyat munosibligida tasvirlanadi [9, 243]. Jumladan, o'zi musibat chekayotgan bo'lsada, o'zgalarga yaxshilik sog'inishdek o'zbekona oqko'ngillik quyidagicha ifodalanadi: *Onajonim*, har kim oshin // Oshab o'tsin dunyoda.

Milliy ruhning betakror ifodasi satrdan-satrga o'tgan sari yanada takomillashib boradi. O'limi oldidan onaizor farzandining otasiga yostig'i ostida pul berib, Abdullaning to'yiga sarflashni vasiyat qilishi, so'nggi damda ham farzandini o'ylashi-o'zbek onasigagina xos buyuk fazilat ekanligini alohida ko'rsatadi.

Abdulla Oripov ijodida ona obrazining ma'no ko'lam juda keng. Shoir ushbu obrazni Vatan va millat ma'nosida ham faol qo'llanganini kuzatamiz. Masalan: "O'zbek onasi" she'rida:

Olamga tatirlik suyuk ham o'zing
Payti keldi aytmoqqa gapning xonasi,
Ey, o'zbek onasi, o'zbek onasi.

Shoir bu yerda butun o'zbek onalariga xos fazilatlarni vasf etadi. O'zbek onasini *To'maris* deb maqtaganidan so'z ochadi, buyuk *Temur* beshigini tebratgan ham, *Bibixonim* va *Nodirabegimlarni* ham eslatadi.

Demak, shoir Ona obrazi orqali insoniyat tarixida iz qoldirgan buyuk siymolar *To'maris*, Amir Temur, Bibixonim, Nodirabegim kabi antroponimlar orqali o'tmish tariximizni ko'z oldimizga keltiradi. Shu tariqa olamning tarixiy manzarasini chizib berishga harakat qiladi va mashhur presedent nomlarni eslash bilan o'zbek onasining qudratini madh qiladi. Abdulla Oripov ijodida mashhur shaxslardan A.Navoiy, Amir Temur, Pahlavon Mahmud, Jaloliddin kabi vatanparvar buyuk siymolar va Abdulla Qodiriy, Oybek, G'.G'ulom, Hamid Olimjon singari ustoz yozuvchi va shoirlarning nomlarini allyuziv antroponimlar sifatida mashhur adabiy yoki tarixiy-madaniy faktlarga ishora qilish uchun qo'llaydi. Jumladan, uning "Ruhim" (1971), "Yurtim jamoli" (1978), "Najot qal'asi" (1980), "Pahlavon Mahmud", "Alisher", "Mo'min Mirzo", "Temur bog'lari", "Furqat nidosi", "Alisherning onasi" (2000-2010) kabi bir necha she'rlarida va "Barhayot obida" kinossenariysi, "Hakim va ajal" dostoni, "Sohibqiron" she'riy dramasi xalqimiz o'tmishi, buyuk siymolarning taqdiri orqali bugunning ijtimoiy-falsafiy, madaniy-axloqiy masalalariga javob izlashga intiladi. Ushbu asarlari bilan Vatanimiz tarixiga murojaat etarkan, shoir olis moziy nafasini bugungi kunlarimizga olib kelgandek bo'ladi: Shu ma'noda uning moziyga bag'ishlangan asarlari adabiy-badiiy ahamiyat kasb etib qolmasdan, ilmiy-tarixiy qimmatga ham egadir [12, 66].

Presedent nomlar ma'lum sifatning namunaviy yig'indisiga ishora qilish xususiyatiga ega bo'lganligi sababli muayyan lingvomadaniyatga biror tushunchaning ramzi sifatida qo'llanadi. Aytish mumkinki, turli matnlarda Xotam, Luqmoni Hakim, Rustam, Majnun, Layli, Ka'ba, Bog'i Eram, Jomi Jam kabi an'anaviy ramziy nomlarni qo'llash bilan birga Kumush, Jaloliddin, Kolumb, Otello, To'maris, Barchin kabi nomlarni ham muayyan tushunchaning ramzi sifatida qabul qilish o'zbek lingvomadaniyatiga xos xususiyatlardan biriga aylandi. Jumladan, bugungi kunda Kumush-iboli, andishali o'zbek ayoli, Jaloliddin-jasur vatanparvar, Kolumb-kashfiyotchi, Otello-o'ta rashkchi, To'maris va Barchin nomlari esa mard, oriyati baland ayol ramzi sifatida qo'llanmoqda. Bu esa matnda presedent nomlarning metaforik ma'no kasb etishini ta'minlaydi: Ajab emas, *Alisher* g'aybdan / Ko'rgan bo'lsa senda *Laylini*.

Shuningdek, shoir Amu, Sir, Jayhun, O'rxun, Orol, Zarafshon kabi gidronimlar bilan birga *Registon*, *Buxoro*, *Xiva* kabi tarixiy shaharlar, ya'ni urbonimlarni ham qiyoslaydi. Natijada bunday tarixiy obyektlarning nihoyatda ahamiyatli boylklari ekanligini eslatadi. Masalan: "Orol uchun" (1987) she'rida shunday deydi:

Registon yo'qolib qolsa mabodo,
Ayting-chi, do'stlarim, ne hol yuz berar?

Ayting-chi, qandayin kunga tushardik,
Buxoro bo'lmasa, bo'lmasa *Xevoq*?

Merosiy xudbinlik borligi uchun
Qaramay qo'yibmiz afsus, Orolga [2-jild, 100].

Ma'lumki, shoir umrining so'nggi yillari yozgan "Haj daftari" turkumiga kirgan Ka'batulloh, Payg'ambar, Alloh dargohi she'rlarida esa qator teonimlarni keltiradi. Aslida teonim yunoncha teod-xudo (Olloh) onoma-atoqli otlari degan ma'noni anglatadi. Ya'ni Ollohning nomi va atributlarining atoqli otlaridir. Shoir bunday teonimlardan ham unumli foydalanganligini ko'ramiz. Jumladan, shoirning "Ka'batulloh" she'rida:

Shavqating ayama menda ham *Egam*,
Keldim, madad bergil, yo *Ka'batulloh* [2-jild, 183].

Demak, shoir ijodining keyingi davrida Makka, Madina, Iymon, *Egam*, Ka'batulloh, Rabb, Rasul, Muhammad, Ahmad, Hojar ona, Obi Zam-zam kabi teonim, antroponim va toponimik allyuziv nomlarning ko'p qo'llanganligini ko'ramiz.

Kullas, shoir she'riyatining onomopoetik ko'lam keng va rang-barang bo'lib, uni tarixiy, madaniy, diniy, falsafiy va zamonaviy guruhlariga bo'lib o'rganish mumkin. Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, adib ijodiga xos onomastik birliklarning mavzuviy dourasi xilma-xil va rangbarangdir. Shoir ijodida qo'llanilgan onomostik birliklarning asosiy qismini ona, Vatan, xalq, millat, yurt, e'tiqod, tabiat, adolat, odamiylik, erkinlik, sog'inch, armon, hasrat kabi juda ko'p onomastik birliklar tashkil etadi. U asosan, Alisher Navoiy, Bobur, Cho'lpon, G'.G'ulom, Oybek, Abdulla Qahhor kabi

shoir va yozuvchilar, Amir Temur, Jaloliddin, Pahlavon Mahmud, Mo'min Mirzo kabi tarixiy shaxslarning nomlarini o'z she'riyatida allyuziv nom sifatida qo'llab, o'z fikrini ixcham, ayni paytda ta'sirchan ifodalaydi.

Abdulla Oripov o'zbek she'riyatiga o'z ohangi, o'z ifoda usuli, borliqq-tabiati va jamiyatga, odamlarning ruhiy olamiga o'z qarashlariga ega bo'lgan lirik qahramonlari bilan kirib keldi. Shoir ijodida markaziy o'rinda turgan bu lirik qahramon o'zining hayotiy estetik qarashlaridan kelib chiqib shakllangan deyish mumkin. Masalan, 60-yillari "baynalmilal" til haqida gap-so'zlar avjiga chiqqan bir paytda u ona tilimizni himoya qilib yozgan o'tli misralarni bir eslab qo'yaylik: *Ona tilim, sen borsan, shaksiz*

*Bulbul kuyin she'rga solaman
Sen yo'qolgan kuning, shubhasiz,
Men ham to'ti bo'lib qolaman* [1-jild, 397].

Ayniqsa, shoirning oltmishinchi yillar o'rtalarida yozilgan "Men nechun sevaman, O'zbekistonni", "Sarob", "Yuzma-yuz", "O'zbekiston" qasidasida milliy o'zlikni anglash, O'zbekiston istiqloli, xalq va Vatan taqdiri, "million egatlarga sochilgan o'zbek"ning dardu hasratlari, ilk bora o'tkir qilib kuylandi. Bu she'rlar uchun umumiy bir ohang, umumiy g'oya – bu hurlik, milliy uyg'onish g'oyasidir. Inshoollo, mana xalqimiz os'ha shoir kuylagan va orzu qilgan kunlarga yetib keldi. Tilimiz va Vatanimiz istiqloлга erishib o'zining mangu taraqqiyot yo'liga tushib old Umuman, xalq, uning dardu tashvishi, O'zbekiston mavzusi shoir ijodida alohida bir muhabbat bilan qalamga olinadi. Shoir bevosita O'zbekistonga she'r bag'ishlaydimi, paxtani madh etadimi, hamma vaqt ko'z o'ngida jafokash xalqimiz, uning muammolari, tashvishlari turadi. Millatning uyg'onishida, milliy g'urur tomir yonishida, Vatanni tanishning teranlashishida shoir so'zining salmog'i beqiyos bo'ldi [1-jild, 398]. Shu bois u "Men nimani ko'rib, his etgan bo'lsam, shuni qalamga olishga harakat qilganman", deydi. Haqiqatan ham uning o'lmas mavzulardagi she'rlari inson ruhiyati va madaniyati haqidagi tizinsiz, ziddiyatli falsafiy mushohadalardan iboratdir. Shoir bir she'rda:

<i>Inson qalbi bilan hazillashmang Siz, Unda ona yashar, yashaydi Vatan.</i>	<i>Uni jo'n narsa deb o'ylamang hargiz, Hayhot! Qo'zg'almasin bu Qalb daf'atan!</i>
--	---

deya xitob qiladi [1-jild, 401].

Safar Barnoyevning xotirlashicha, shoirning ilk ijod namunalari haqida Abdulla Qahhordan so'rganlarida ustoz yozuvchi bunday degan ekan: "She'riyatda kutilmagan bir yangi nafas paydo bo'ldi. Tomchini kuzatgan bo'lsangiz, to'lishgandan keyin tomadi. Abdullajonning she'rlari ham ana shunday. Oldin so'zma-so'z, satrma-satr yuragi qonida qaynab pishadi". Ushbu mulohazalarda Abdulla Oripovning ijodiy uslubiga xos muhim belgilar, uning she'r yaratish san'ati "siri" ochib berilgandek bo'ladi [1-jild, 406]. Xullas, shoir she'riyatining onomastik ko'lamini tahli qilish natijalari shuni ko'rsatadiki, u o'z dardlarini xalq dardlari sifatida qog'ozga tushirib kelgan. Inshaolloh, hozir uning natijalarini xalqlarimiz istiqloldan keyin ko'rmoqda va his qilmoqda.

ADABIYOTLAR

1. Xudayberganova D. Presedent nomlarning antroposentrik talqini. "O'zbek tili va adabiyoti" jurnali. 2015., 2-son. B.42.
2. Xudayberganova D. Onomastik birliklarga lingvomadaniy yondashuv xususida.. "O'zbek tili va adabiyoti" jurnali. 2015., 6-son, B.19.
3. Devoni lug'otit turk. Indiks lug'at. G'. Abdurahmanov, S. Mutallibov tahriri ostida.- Toshkent., B.387-405.
4. Bafayev B. Navoiy asarlari leksikasi. Toshkent., 1983. b. 37-44.
5. Yoqubov Sh. Navoiy asarlari onomastikasi.- Toshkent. 1994. B.3-30
6. Yo'ldoshev B. O'zbek onomastikasi masalalari. Uslubiy qo'llanma. Samarqand. 2011. b 22-27.
7. Andaniyozova D. Badiiy matnning onomastik ko'lamini. "O'zbek tili va adabiyoti" jurnali., 2016., 4-son, b.70-71.
8. Qo'shjanov M. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Sharq., 2018. 266-b.
9. Oripov A. "Sharq yulduzi" jurnali. Tanlangan asarlar. 6-jild. – Toshkent., Sharq., 2010. b. 243.
10. Oripov A. Tanlangan asarlar. 8-jildlik. – Toshkent., 2002-2016.
11. Haqulov I. She'riyat-rihiy munosabat.- Toshkent, G'. G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. 1990, b.134.
12. Jabborov I. A. Oripov ijodida tarixiy mavzu. "O'zbek tili va adabiyoti" jurnali. 2013, 3-son., 66-bet

*Abdulla Oripov she'riyatining onomopoetik ko'lamini
Madaminov A. Qoraqalpog' davlat universiteti*

Rezyume. Maqolada Abdulla Oripov she'riyatida qo'llanilgan onomopoetik birliklarning ko'lamini, turlari va lingvopoetik xususiyatlari yoritiladi.

Kalit so'zlar: onomastika, onomopoetika, antrponimika, onomastik ko'lam, toponimika, gidronimika, teonimika, kosmonimika.

*Abdulla Oripov poeziyasini onomopoetik kólemi
Madaminov A. Qoraqalpog' mámleket universiteti*

Rezyume. Maqalada Abdulla Oripov poeziyasida qo'llanilgan onomopoetik birliklarning kólemi, turlari ham lingvopoetik qásiyetlari jaritilgan.

Tayanish sózler: onomastika, onomopoetika, antrponimika, onomastik kólem, toponimika, gidronimika, teonimika, kosmonimika.

*Объем ономопозитических поэзии Абдуллы Арипова
Мадаминова А. Каракалпакский государственный университет*

Резюме. В статье описываются объем, типы и лингвопозитические особенности ономопозитических единиц, используемых в поэзии Абдуллы Арипова.

Ключевые слова: ономастика, ономопозитика, антропонимия, ономастическая шкала, топонимия, гидронимика, теонимия, космонимия.

*The onomopoetic scale of Abdulla Aripov's poetry
Madaminov A. Karakalpak State University*

Summary. The article describes the volume, types and linguopoetic features of onomopoietic units used in the poetry of Abdulla Aripov.

Key words: onomastics, onomopoetics, anthroponymy, onomastic scale, toponymy, hydronymics, theonymy, cosmonymy.

ФЕЛЬЕТОН ТАЯРЛАҰДА ЖУРНАЛИСТЛИК ШЕБЕРЛИК

Атажанов Х.А., Марзияев Ж.К.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Фельетон көркем-публицистикалық жанр есапланады хәм журналистика жанрлары арасында өз орнына, стилине ийе болып табылады. Бул жанрдың тийкарығы ұазыйпасы жәмийет турмысының социаллық-сиясий, экономикалық ислепп шығарыу хәм мәдениет-рухый өмириниң барлық тәреплерин қамтып алған ҳалда өзінде сәўлелендириу, бул тараўларда ушырасып турған кемшиликлер, социаллық иллетлерди ашып беріу, сынға алыу арқалы олар ҳаққында жәмийетшилик пикирин оятыу хәм оның нәтийжесинде бул кемшиликлерди жоқ етиўге ерисіу, яғный жәмийетлик турмыстың раўажланыўына үлес қосыудан ибарат. Фельетонның журналистиканың басқа жанрларынан паркы оның сатиралық публицистика нызамлықларына тийкарланыўы, яғный социаллық күлки, сатира хәм юмор қуралларына сүйениўи болып табылады.

Белгили изертлеўши Д.Розенталь фельетонның өзгешеликлерине итибар беріу менен бирге бул жанрдың басқа жанрлардан айырмашылығының бирден-бир паркы, оның жазылыў тилинде екенлигин де атап өтеди: «Аўыр тилде жазылған мақала, бул тек ғана мақала, ол жаман болса да. Тартымсыз тил менен жазылған фельетон улыўма фельетон емес» [3, 3136]. И.М.Шатуновский болса жанр ҳаққында мынадай пикирди билдиреди: «Журналисттиң шеберлигин талап етиўши қыйын жанр. Мениң пикиримше, сатиралық жанрға хәмме де қол ура алмайды. Биреўлер машқалаларды көрип, сезип, өзиниң тәбийий таланты менен оларды мысқыллаў, олардың үстинен күлиў мүмкин екенлигин түсинеди. Олардың фельетонлары жеңил, оқыў ушын аңсат болып келеди. Егер автор әдебий талантқа ийе болса онда фельетонлары да салмақлы, машқалаға конструктивлик пенен кириседи» [4, 8].

Фельетонда жүдә асыра сүүретлеў болмайды. «Оригинал әдебий форма – бул талап, онысыз фельетон да, фельетоншы да болмайды. Фельетон – әдебий-оперативлик мақсетлер ушын басқа жанрлардың усыл хәм принциплерин өзине қамтып алыўшы жанр есапланады. Лекин, қамтып алыў механикалық болмаўы керек» [2, 284]. Баспасөз жанрлары бойынша терең изертлеў жумысларын жүргизген, белгили илимпаз А.К.Бобковтың «Газетные жанры» атамасындағы китабында келтирилиўинше: «Фельетон газета публицистикасы ушын тән болған қубылыслар яғный қысқалық, көзге тасланыў, оператив хабар беріу, анализ, машқаланы үйрениў, образлылық, типиклесиў, әдебий ислеў беріуді өз ишине алған [1, 48]. Сондай-ақ оның пикиринше, жанрдың машқалалы, сын хәм жақсы киби түрлері бар екенлиги келтириледі. Машқалалы фельетонда тийкарынан күнделик хәм кескин машқала тилге алынады. Сын фельетонда кемшиликлер сәўлеленеди, оларды гротеск, гипербола методлары менен қатты сынға алады. Жақсы фельетонда болса, онда тийкарынан «жақсы» фактлер алынады, бунда мораль нормаларына, инсан этикасына қайшы келетуғын ис-хәрекетлерди ислеитүғын инсанлар образ етип алынады.

Фельетон жанрында жазылған текстте әдебияттаныў хәм журналистикада белгили болған барлық тилдің көркемлеў қураллары кең түрде қолланылады. Тексттиң тартымлылығын тәмийинлеў ушын хәр қыйлы усыллардан пайдаланыў талап етиледі. Мысал сыпатында келтирип өтетуғын болсақ, белгили журналист Атажан Халмуратовтың «Базар, базар, базар...» атамасындағы фельетонында көркемлеў қуралларының бир нешшесин ушыратыўымызға болады. «Гилең жалаңлаған 20-25 теги алып-сатар жас жигитлер қоршап алған бизиң таныс әдейир албыраған» (Жалаңлаған – теңеў, бунда инсанның ашкөзлиги көринисинде берилген), Және бир мысал, «Қас пенен көздің арасында» (метафора – яғный ән-заматта дегенди аңлатады).

Автордың «Думанлы төбелер артында» атамасындағы фельетонында да сөзлерден шеберлик пенен пайдаланған көриўге болады. Мысалы: «Аўыл алыс, жол шалғай (Бунда олардың баратырғаны мәнзили алыс екенлигин түсиниўимизге болады. Шалғай сөзи фразеологиялық сөз дизбеги есапланады хәм алыс, бир шет, ұзақ дегенди аңлатады)». Әсиресе, мынандай тасбақа жүрис адамның ишин пистирип жибереді. Бул мысалда инсанның жүриси тасбақаға теңелген. Әдетте, әсте жүретуғын адамлардың жүриси тасбақаның жүрисине тенеледи. Және мысалларды жалғастырамыз: «Бухарадағы тери заводына «әке-көке» деп 40-50 сомнан зордан алғызасаң» (Бунда «әке-көке» сөзлери интертекстлилик мәнисинде берилген, яғный жумысты питкеріу ушын усылайынша сөйлеў де пайда береді дегенди мәнисти билдирип тур).

«Еркин Қарақалпақстан» газетасында жәрияланған журналист Өмирбай Өтеўлиевтың «Үш сыйырын музлатқышта...» атамасындағы фельетонның заголовкасының өзи ирония менен берилген. Болмаса қалайынша үш сыйыр музлатқышқа сыйыўы мүмкин. Фельетонда бир қатар көркемлеў элементлерин ушыраттық: «Ғайбарлық Бийбиш апаның сүйегине питкен» (Бунда ғайбарлық теңеў формасында берилген, ғайбарлық сөзи – айбатлы, сусы басым дегенди аңлатады). Және мысал: Сүт заводында аўхал пышақ арқасы жақсылаў екен (бунда пышақ арқасы сөзи метафора, яғный азғана болсада жақсы дегенди аңлатады).

Газетаның 1992-жыл 8-август санында жәрияланған «Еккенде жоқ, тиккенде жоқ, қырманда таяр...» фельетонның заголовкасының өзи оқыўшылардың итибарын тартады. Бул қатарлар қарақалпақ халық ертеги «Түлки, тасбақа, таскене» ертегинен алынған. Автордың бул қатарларды пайдаланғандағы мақсети алты ай

атызда жүріп егин егип, зүрәтін алып оны қарыйдарларға сататуғын ұақытта салық уйымы хызметкерлериниң дийқанлардың писин құрытып атырғаны атап өтиледі.

Сондай-ақ Ө.Өтеулиевтиң «Ийесиз жердиң «ийеси» көп» атамасындағы фельетонының заголовкасы да материалдың тийкаргы мазмунын ашып берип тур. Мына мысалға да итибар қаратсақ: «Сезикли секирер» дегендей редакциямызға жоқарыдағыдай мазмунда жер даўын қозғап, биринши рет хат жазыўында көп мәни хәм сыр бар екен. Бунда «Сезикли секирер сөзи» мақал есапланады.

«Еркин Қарақалпақстан» газетасында журналист Батырбай Досжановтың «Ашшы ҳақыйқатлық... оны жасырып, аўырыўды асқындырғанша, тәўбе етип ҳақтан тилегенимиз мақул» атамасындағы фельетоны Бердақ шайырдың «Былырғыдан быйыл жаман. Қалай-қалай болды заман?!» атамасындағы қосық қатарлары менен басланады. Бундағы мақсет автор ғәрезсизликтиң дәслепки жылларындағы қыйын-қыстаў заманда адамлардың қайсы бағытты таңлаўы керек екенлигин билмей жүргенлигин тәрипләў ушын қолланылады. Және мысал, «Деген менен, мениң тийкаргы мақсетим айтпаса да белгили бул жағдайларды қайталап, жараларға дуз себиў емес». Бунда «жараға дуз себиў» дегенимиз гибербола есапланады. Яғный асыра сүўретләў арқалы ҳақыйқый ҳалатты сүўретлеп көрсетип бериў есапланады.

«Еркин Қарақалпақстан» газетасының 2001-жылғы 21-июль санында жәрияланған «Көзге көринбейтуғын қылыш (ямаса өзлерин жақсы көрсетиўге тырысатуғын адамлар)» атамасындағы фельетонында сөз ойынлары хәм қарақалпақ нақыл-мақалларынан көркемләў, сүўретләў қураллары сыпатында шеберлик пенен пайдаланылған. Мысалы: «Жаманнан жақсы туўады, айтса алтынға бергисиз, жақсыдан жаман туўады ыссы нанға алғысыз» бунда автор жақсы менен жаман адамды айырыў жүдә қыйын екенлигин түсиндириўге ҳәрекет еткен. Сондай-ақ, «Кимде-ким өзин «гуманист» яки «добрый» етип көрсетсе «адамгершилиқ» туўралы ақыл айтып, «инсап диянат халыққа, Ұатанға хызмете етиў» ҳаққында аўыз көпиртирип сөйлегенлердиң ҳақыйқый келбетин көпшилиқ көрип жүр» (Биз келтирип өткен қатарлардан яғный «гуманист», «добрый», «адамгершилиқ» сөзлери ирониялық көринисте берилген). Және мысаллар, «Қоңсы өзиниң бийләўәлиғының жаўыз «қоллары» менен қызды өлтирди», бул қатарда жаўыз «қоллары» деген сөз эпитет яғный аўыспалы мәнисте қолланған.

«Нөкис ҳақыйқаты» газетасының 1996-жыл 16-июль санында жәрияланған журналист Карам Оразов авторлығындағы «Теке тирес» атамасындағы фельетонда сатиралық қатарларды бериў ушын көркемләў қуралларының көплек қолланғаны байқалады. Мысалы, «Ойнақлаған бузаў от басады» (яғный нақыл-мақалдан пайдаланылған) деген газетамыздың усы жылғы №25 санында жәрияланған «Студент этирапындағы ойын» фельетонының қахарманы Бахтияр Қуўанышбеков тек отты басып ғана қоймастан, оны шашып та кетти (яғный бул жерде метафорадан кең түрде пайдаланылған). Және «Буны жалпақ тилде «информацияның сыртқа шығыўы» (утечка информация) делинеди. Декан өзи ойыннан шыққысы келмеди, болмаса хұжданы шыдамады ма, яки анық ашық аўызлығынан ба?» (Бул жерде сөздиң тартымлылығын тәминләў ушын метафорадан пайдаланылған). Журналист және теңеў ушын әжайып сөзлерди пайдаланыўды даўам етеди: «Бул не? Университет гладиаторлар мектебиме? Университет дийўалынан қанхорлардың шығыў аўыр. Бирақ ғәлети дипломлар бериўден адамларға, халыққа адамзатқа жеңил болмайды». Журналист Карам Оразовтың бир қатар фельетонларында көркемләў қуралларынан кең түрде пайдаланылғанын көриўге болады.

Карам Оразовтың «Самқал көликлер «шабыўылы» («Нөкис ҳақыйқаты» газетасы, 1992. 8-январь.) атамасындағы фельетонның заголовкасы әжайып таңланған. Қаламыз аймағындағы тозыўы жеткен автобуслардың жолда пиядаларды жыйнаў ушын жарысып атырғаны «шабыўыл» яғный гибербола менен берилген. Және мысаллар, «Ал қалғанлары болса адам тасыў ғана емес, ал қала көшелерине шығыўға болмайтуғын «шашылып» баратырған көликлер» (яғный бул қатарда «шашылып» деген сөз гибербола менен берилген). Мына қатарларға да итибар қаратайық: «Ал жұмыс лаўазымынан пайдаланып. «Қолымнан келеди, қонышымнан басаман» ның заманы емес, «Май айныса дуз саламыз, дуз айныса не саламыз?» Яғный бул қатарларда эпитеттен шеберлик пенен пайдаланылған. Және де «Ақшаның пуўы кимди болса да көтереди. Бирақ ондайларға тыйым салыўшы күшлер ҳәрекетке кириўи керек» (Ақшаның пуўы көтереди, бунда және гибербола қолланылған).

Жоқарыда атап өткенимиздей, фельетонды үлкен мектептен өткен, тәжирийбе арттырған, шеберлиги басым журналистлер ғана жаза алыўы, биз келтирген мысаллардан өз тастыйығын тур [5]. Себеби А.Халмуратов, Ө.Өтеулиев, К.Оразов киби шебер дәретиўши журналистлер өз дәўириниң машқалаларын фельетон көринисинде әжайып тәризде жарытып барған фельетонистлер болып табылады.

Соның менен бирге усылар қатарында журналистлик дәретиўшиликте өз орны хәм стилине ийе болған Пердегүл Хожамуратованы да келтирип өтсек болады. Соңғы жыллары оның авторлығындағы жәмийетлик турмыста жүз берген машқалаларды терең анализ еткен бир қанша мақалалары баспасөз бетлеринде жийи-жийи ушырасады. Мәселен, оның «Нөкис ҳақыйқаты» газетасының 1996-жыл 16-июль күнги санында жәрияланған «Сергизданлық» атамасындағы фельетонында да нақыл-мақаллардан утымлы пайдаланғанын көремиз. Мысалы: «Болар ис болды. Буйрықлар шығып кетти. «Шығысыға ийеси себепши болады» дегендей, қалған жағындағы бир ярым жылдан аслам ұақыттан берли даўам етип киятырған даўдың созылыўына Т.Алланиязованың өзи себепши болған. «Қорқақты көп куўсаң, батыр болады» деген емес пе?». (Қатарларда автор текстиң тәсиршеңлигин арттырыў ушын нақыллардан пайдаланған).

Жуўмақлап айтқанда, фельетонларды ҳәр тәреплеме анализлей отырып, әсиресе соңғы жылларда бул жанр республикамыз ғалаба хабар қуралларында жүдә кем сәўлеленип атырғанлығының гүўасы боламыз. Буның

баслы себебинин бири сыпатында төмендегилерди келтириўди лазым деп таптық: Жанрлардың гибридлесиўи, фельетон жанры орнын баса алатуғын таза жанрлардың пайда болыўы; Журналистлерди фельетон жанры талаптарын толық түрде орындай алыў жуўапкершилиги басып турғанлығы; Фельетоншылар мектебинин жоқ болып кетиўи, буның нәтийжесинде жас журналистлер арасында фельетон жанрын меңгерип алыў қәбилетинин кем екенлиги.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Бобков А.К. Газетные жанры. –Иркутск. 2015. – С 48.
2. Журбина Е. Искусство фельетона. – М., Художественная литература, 1965. – С. 284.
3. Розенталь Д. Э. Практическая стилистика русского языка. – 4-е изд., испр. – М., 1977. – 316 с.
4. Шатуновский И. М. Сатиры грозное оружие // Книжное обозрение. – № 30. 24 июля 1981. – С. 8.
5. Марзияев Ж.К. Роль и место публицистических жанров в современной каракалпакской печати. // Вестник Челябинского государственного университета. № 6 (260) 2012. – Стр. 88-92.
6. Камалова Д.Э. Вопросы художественного мастерства в каракалпакских новеллах // International Journal of Central Asian studies (ISSN: 1226-4490). The International Association of Central Asian Studies. Korea University of International studies. Volume: 23. 2019. – С. 93-111.

Фельетон тайёрлашда журналистик маҳорат

Атажанов Ҳ.А., Марзияев Ж.К. Қорақалпоқ давлат университети

Резюме. Мақолада асосан фельетоннинг бадиий-публицистик жанр сифатида журналистика жанрлари орасида ўз ўрнига, услубига эга эканлиги таъкидланади. Шунингдек, жанрнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти исботлаб берилган. Фельетон тайёрлашда журналистик маҳорат масалалари таҳлилга тортилган. Мавзунини очиқ беришда ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидаги Қорақалпоғистон матбуотида ёритилган фельетонлар ҳар томонлама ўрганилган.

Таянч сўзлар: Фельетон, бадиий-публицистика, юмор, иллат, жанр, маҳорат.

Журналистское мастерство в подготовке фельетона

Атажанов Ҳ.А., Марзияев Ж.К. Каракалпакский государственный университет

Резюме. В статье речь идёт об особенностях жанра фельетона в системе жанров журналистики. Для анализа и особенности жанра авторами проанализированы фельетоны, напечатанные в каракалпакской прессе 90-годы прошлого столетия.

Ключевые слова: Фельетон, художественная публицистика, юмор, болезнь, жанр, мастерство.

Journalistic skills in the preparation of the feuilleton

Atajanov H.A., Marziyev J.K. Karakalpak state University

Summary. The article suggests that the special place and stylistic features of the genre of feuilleton in the system of genres of journalism. In addition, special attention is paid to the social orientation of the genre. For a full analysis and interpretation of the genre features, the authors analyzed the feuilletons published in the Karakalpak press in the 90s of the last century.

Key words: Feuilleton, artistic journalism, humor, disease, genre, skill.

ДӘҮЛЕТМАММЕТ АЗАДЫНЫҢ “ЎАҒЗЫ-АЗАТ” ШЫҒАРМАСЫНЫҢ ӨЗБЕК ТИЛИНДЕГИ АҶДАРМАСЫ ҲАҚҚЫНДА

Аллабаев Г.

Қаракалпақ мәмлекетлик университети

Дүнья әдебияттануында көркем аударма, аударма теориясы ҳам әмелияты, аударма мәселелери, онын улыўмафилологик мәселелери, көркем аудармада текстиң көркемлигин қайта жаратыў, тарийхый шығармалар аудармасында миллий колоритти сақлаў принциптери ҳам трансформация процесслерине айрықша итибар берилмекте. Соның ушын көркем аударма әдебиятта әдебий байланыслардың бир бағдары ретинде кең раўажланып келмекте. Көркем аударма бир көркем шығарманы еккинши бир халықтың өз ана тилинде оқыўы, шығарманың сол халықтың әдебияты менен теңдей өмир сүриўине имкан жаратады. Сонлықтан, биз бул мақаламызда XVIII әсир классикалық шайыры Мақтымқулы-Пырағының атасы шайыр Дәўлетмаммет Азадының «Ўағзы-азат» шығармасының өзбек тилине аударылыўы ҳам оны аударыўда аудармашының көркем шеберлиги мәселелери ҳаққында сөз етпекшимиз.

